

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
БОШ ПРОКУРАТУРА АКАДЕМИЯСИ

“Прокурорлик фаолияти” йўналиши

ОИЛАДАГИ ЗЎРАВОНЛИКНИНГ ЖИНОЯТ-ХУҚУҚИЙ ВА
КРИМИНОЛОГИК ЖИҲАТЛАРИ

мавзусида ёзилган

МАГИСТРЛИК ИШИ

Бажарди: Бош прокуратура Академияси
“Прокурорлик фаолияти” йўналиши
магистранти С.Ахмедов

Илмий раҳбар: Бош прокуратура Академияси
Ўқув бўлими бошлиғи
А.Одинаев

ТОШКЕНТ – 2022 й.

М У Н Д А Р И Ж А

КИРИШ	3
I БОБ. ОИЛАДАГИ ЗЎРАВОНЛИКНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ	
1.1. Оиладаги зўравонлик тушунчаси ва унинг белгилари	10
1.2. Оиладаги зўравонликка қарши курашишга оид миллий ва халқаро– ҳуқуқий асослари	20
II БОБ. ОИЛАДАГИ ЗЎРАВОНЛИКНИНГ ЖИНОИЙ - ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТЛАРИ	
2.1. Оиладаги зўравонликнинг жиноий-ҳуқуқий тавсифи	37
2.2. Оиладаги зўравонликка қарши курашиш юзасидан жиноят кодекси нормаларини такомиллаштириш масалалари: хориж тажрибаси мисолида	46
III БОБ. ОИЛАДАГИ ЗЎРАВОНЛИКНИНГ КРИМИНОЛОГИК ЖИҲАТЛАРИ	
3.1. Оиладаги зўравонликка оид жиноятларнинг криминологик тавсифи.....	58
3.2. Оиладаги зўравонликка оид жиноятларни олдини олиш ва унга қарши курашишдаги криминологик чоралар	74
ХУЛОСА	93
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	100

КИРИШ

Магистрлик диссертацияси мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги. Бугунги кунда дунё ҳамжамиятида оиланинг барқарорлигини таъминлаш ҳар бир мамлакат генофондини ривожлантиришнинг асосий омили саналади. Миллий генофонд мамлакатни иқтисодий-ижтимоий ривожлантиришнинг муҳим йўналишларидан бири бўлиб, у шунингдек мудофаа қобилиятини ҳам мустаҳкамлашга хизмат қилади. Оиладаги муҳит эса кўп жиҳатдан унда туғилиб, вояга етган потенциал “келажак эгалари”ни тайёрлашга замин ҳозирлайди. Бироқ, оила институти объектив ва субъектив омиллар туфайли охириги йилларда бироз таназзулга юз тутмоқда. Буни бир жинслилар никоҳига рухсат берилишидан бошлаб оиладаги носоғлом муҳитнинг пайдо бўлиши, оилаларнинг “криминал марказ”га айланиши билан ҳам изоҳлаш мумкин.

БМТнинг 1989 йил 20 ноябрдаги Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциясига мувофиқ “болаларга нисбатан амалга ошириладиган ҳар қандай ҳаракат (ҳаракатсизлик) биринчи навбатда, унинг манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилмоғи лозим”лиги алоҳида қайд этилган¹. БМТ маълумотларига кўра, оила доирасида жиноятлар содир этилишининг асосий сабабларидан бири мазкур муҳитда, яъни оилада, қариндошлар тоифасига кирувчи шахсларнинг ўзаро назорат қилиниши етарлича эмаслиги, оилалар ва унинг аъзолари ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари лозим даражада муҳофаза қилинмаётганлиги, оилада зўравонлик билан боғлиқ жиноят содир этилганда жиноятчи шахсига оид маълумотлар латентлиги даражасининг юқорилиги² ушбу мавзунини тадқиқ этиш долзарблигидан далолат беради.

Шунингдек, жаҳон миқёсида жиноят объекти сифатида оилани, унинг аъзолари ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини жиноят-ҳуқуқий муҳофаза қилиш муаммоларини ўрганиш, ижтимоий-иқтисодий барқарорликка эришишда оиладаги шахслар, хусусан вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва қонуний

¹ www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/juveniles_deinquency_prevention.shtml

² <https://www.un.org/ru/observances/parents-day>

манфаатларини ишончли таъминлаш механизмларини такомиллаштириш бўйича илмий таҳлиллар ўтказилишига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Мамлакатимизда оила институтининг кўп асрлик тарихга эгаллиги, унинг жамиятнинг асосий бўғини ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга эканлигидан келиб чиқиб Ўзбекистон Республикасида оиладаги зўравонликларнинг олдини олишда жиноят-ҳуқуқий воситаларни қўллаш самарадорлигини ошириш, оиладаги зўравонликнинг профилактикасида фуқаролик, ижтимоий-иқтисодий ҳамда мулкӣ ҳуқуқларини таъминлаш борасидаги муаммоларни аниқлаш ҳамда уларни бартараф этишнинг назарий ва амалӣ асосларини ишлаб чиқиш нақадар долзарб вазифа эканлиги аён бўлади.

Статистик маълумотларга қараганда 2020 йилда республика миқёсида 62 081 та жиноятлар қайд этилган бўлиб, 100 минг аҳолига нисбатан ўртача 182,4 тадан тўғри келган. 2020 йилда қайд этилган қотиллик жиноятларнинг ҳар учинчиси (143 таси, 35,2%), оғир тан жароҳати етказиш жиноятларининг 192 таси (20,5%) оила-турмуш муносабатлари доирасида содир этилган.

Шу билан бирга, оилавий низоларга ўз вақтида барҳам берилмаганлиги оқибатида 14379 та оила-турмуш муносабатлари доирасидаги ҳуқуқбузарликлар содир этилиб, уларнинг аксарияти яъни 50,5 фоизи (7 264 таси) Тошкент, Бухоро, Самарқанд ва Фарғона вилоятлари ҳиссасига тўғри келади. Энг ачинарлиси, ўз жонига қасд қилиш ҳолатларининг ҳар олтинчиси айнан ўз вақтида ҳал этилмасдан қолган оилавий келишмовчиликлар боис содир этилган.

Оғир шароитда яшаётган аёлларнинг муаммолари ҳал этилмаслиги оқибатида 2020 йилда 5 774 нафар хотин-қизлар 5 520 та жиноят содир этган.

Хусусан, оила-турмуш доирасида тазйикқа учраган хотин-қизларнинг 14 774 нафарига “ҳимоя ордери” берилган бўлса, шундан 317 та ҳолатда маъмурий ва жиноий жавобгарликка тортилган¹.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги берган маълумотларга кўра тазйик ва зўравонликка учраган хотин-қизларга расмийлаштирилган ҳимоя ордерларининг 13658 нафари жисмоний, 106 нафари жинсий, 234 нафари иктисодий, 18777 нафари руҳий зўравонлик ва 7174 нафари тазйик қурбони бўлган. Шунингдек, хотин-қизларнинг тазйик ва зўравонликдан аксарият ҳолларда оилада жабр кўрганлиги диққатга сазовор. Жумладан, 2021 йилда расман кайд этилган ҳолатлардан 34330 нафари оилада, 3557 нафари кўчада, 917 нафари жамоат жойларида, 427 нафари иш жойларида, 67 нафари таълим муассасаларида содир этилган².

Бундан ташқари, 2021 йилда кўриб чиқилган оилавий зўравонлик билан боғлиқ жиноят ишлари жами 1568 тани ташкил этади. Ушбу жиноят ишлари доирасида жами 1692 нафар шахс жавобгарликка тортилган. Шунингдек, мазкур жиноятлардан 1617 нафар шахс жабрланувчи сифатида эътироф этилган бўлса, уларнинг 1184 нафарини ёки 73%ни аёллар, 433 нафарини ёки 26%ни эркаклар, 20 нафарини ёки 1%ни вояга етмаганлар ташкил этади³.

Тадқиқотчиларнинг қайд этишича, қасддан одам ўлдириш жинояти аксарият ҳолларда маиший жанжаллар натижасида келиб чиқмоқда ҳамда оила доирасида содир этилмоқда⁴. Жиноят қонунчилигида қасддан одам ўлдириш энг оғир жиноят эканлигини назарда тутсак оиладаги зўравонликларнинг олдини олиш масаласи нақадар долзарб эканлиги намоён бўлади.

Мустақиллик йилларида республикамызда жиноят-ҳуқуқий воситалар билан оилани ҳамда унинг аъзоларининг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза

¹ Олий Мажлис Сенатининг ўн учинчи ялпи мажлисида Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва уларнинг профилактикаси ҳолати тўғрисидаги 2020 йил якуни бўйича ахборотидан, <https://yuz.uz/>, 2021 йил 12 март.

² Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирлигининг 2022 йил 20 майдаги №26/5/2668-сонли хати

³ Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 2022 йил 30 майдаги №07/13-6500-177-сонли хати

⁴ Абзалова Х.М. Одам ўлдиришга қарши курашишнинг жиноят-ҳуқуқий ва криминологик жиҳатлари. Юридик фанлар доктори (Doctor of Science) диссертацияси автореферати. –Т., 2020. – Б.19.

қилиш, инсон ҳаёти олий қадрият эканлигини кафолатлаш юзасидан туб ислохотлар ўтказишга алоҳида аҳамият берилиб, қатор мақсадли чора-тадбирлар амалга оширилди. Хусусан, “оила” институти конституциявий норма сифатида қайд этилганлиги, жиноят қонунчилигида оилага қарши жиноятлар сифатида алоҳида қилмишлар учун жиноий жавобгарлик белгиланди.

Шунингдек, 2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегиясида ҳам “жамиятда хотин-қизларга тазйик ва зўравонликка нисбатан мурасасизлик муҳитини яратиш, хотин-қизларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш, оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган хотин-қизларга ижтимоий-ҳуқуқий, психологик ёрдам кўрсатиш, уларни манзилли кўллаб-қувватлаш¹” белгиланганлиги мазкур соҳани тадқиқ этиш зарурати мавжудлигидан далолат бермоқда.

Тадқиқот объекти ва предмети. Тадқиқот объектини оиладаги зўравонлик учун жиноий жавобгарликни белгилаш ва уларнинг олдини олиш билан боғлиқ муносабатлар тизими ҳисобланади. Тадқиқотнинг предмети оиладаги зўравонлик учун жиноий жавобгарликни белгилаш ва уларнинг олдини олиш билан боғлиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, махсус адабиётлар, ҳуқуқни кўллаш амалиёти, статистик ахборотлардан иборатдир.

Тадқиқот мақсади ва вазифалари. Оиладаги зўравонлик учун жиноий жавобгарликни белгилаш ва уларнинг олдини олишга оид аниқ таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

- оиладаги зўравонлик тушунчаси ва унинг белгиларини таҳлил қилиш;
- оиладаги зўравонликка қарши курашишга оид миллий ва халқаро – ҳуқуқий асосларини ўрганиш;
- оиладаги зўравонликни жиноий-ҳуқуқий тавсифини аниқлаш;

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 28.01.2022 йилдаги ПФ–60-сон “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси тўғрисида” Фармони. <https://lex.uz/docs/5841063>

– оиладаги зўравонликка қарши курашиш юзасидан жиноят кодекси нормаларини такомиллаштириш масалалари: хориж тажрибаси мисолида баён қилиш;

– оиладаги зўравонликка оид жиноятларнинг кримнологик тавсифини ёритиш;

– оиладаги зўравонликка оид жиноятларни олдини олиш ва унга қарши курашишдаги кримнологик чораларни ишлаб чиқиш.

Илмий янгилиги оиладаги зўравонлик учун жиноий жавобгарликни белгилаш ва уларнинг олдини олиш масалалари халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар, халқаро стандартлар, шунингдек миллий соҳавий қонун ҳужжатлари билан қиёсий-ҳуқуқий таҳлил этиш асосида такомиллаштириш масаласи магистрлик диссертацияси даражасида илк марта тадқиқ этилмоқда.

Шунингдек, мазкур тадқиқот ишида оиладаги зўравонлик учун жиноий жавобгарлик муқаррарлигини таъминлаш ҳамда унинг олдини олиш юзасидан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг касбий тайёргарлигини ошириш, “102 тезкор чақирув хизмати” фаолиятини такомиллаштириш, жумладан, чақирувнинг альтернатив вариантларини қўллаш, хорижий тажриба асосида “Қўшни назорати” тизимини жорий қилиш, оилада зўравонлик содир этувчи шахсларнинг кримнологик картотекаси ва портретини шакллантириш, оиладаги зўравонликка қарши курашиш ва унинг профилактикасини амалга оширишга фаол кўмаклашаётган аҳоли вакилларини моддий-маънавий рағбатлантириш, Бола ҳуқуқлари бўйича вакилнинг қонуний фаолиятига тўсқинлик қилганлик учун маъмурий жавобгарлик белгилаш ҳамда мазкур йўналишда жиноят ва бошқа соҳавий қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот мавзуси бўйича адабиётлар шарҳ (таҳлил)и. Оиладаги зўравонликнинг жиноят-ҳуқуқий ва кримнологик жиҳатлари мамлакатимиз кримнолог олимлари З.С.Зарипов, И.Исмаилов, Қ.Р.Абдурасулова, А.Г.Зокирова, С.С.Ниёзова, М.К.Ўразалиев, А.М.Мусаев, Ж.С.Мухторов, А.Ш.Муродов ўз тадқиқотларида оиладаги зўравонлик билан боғлиқ

хуқуқбузарликлар профилактикасини тадқиқ этишган бўлса, Й.М.Каракетов, М.Х.Рустамбоев, М.Усмоналиев, А.С.Якубов, Р.Кабулов, М.А.Ражабова, Ф.Тохиров, А.Одинаев, Ш.О.Азим, Ш.А.Ганиев¹ ва бошқаларнинг илмий тадқиқот ишларида ўрганилган.

Хорижий мамлакат криминолог олимларидан Д.А.Шестаков, Т.А.Сидоренкова, А.А.Никитина, А.А.Исаков, А.А.Гордейчак, К.Д.Зарубина, Т.Г.Тугельбаевалар оилада аёлларга нисбатан зўравонликлар профилактикаси бўйича, Н.К.Котова О.В.Лихачаева, В.А.Шакина, Е.Ю.Мощицкая, Н.Д.Мухамедьянов, Ю.М.Антонян оилада зўравонликнинг виктимологик жиҳатларини, В.И.Шахов, Р.Д.Шаропов, Ф.Б.Гребёнкин, В.Е.Батюковалар ушбу муаммонинг жиноий-хуқуқий жиҳатларини тадқиқ этилган.

Қайд этиш керакки, Ўзбекистонда оиладаги зўравонлик билан боғлиқ жиноятларнинг жиноят-хуқуқий, криминологик ҳамда виктимологик жиҳатлари бўйича комплекс илмий тадқиқот ўтказилмаган.

Тадқиқотда қўлланилган методиканинг тавсифи. Тадқиқот ўтказишда илмий билишнинг умумилмий диалектик, тарихий, расман-мантиқий, қиёсий-хуқуқий, статистик ва тизимли таҳлил каби илмий усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг назарий аҳамияти шундан иборатки, мазкур тадқиқот натижасида ишлаб чиқилган қоидалар хуқуқшунослик фанлари назариясининг ривожланишига хизмат қилади. Илмий изланишлар асосида ишлаб чиқилган хулосалардан илмий тадқиқот ишларини олиб боришда, юридик олий ўқув юртларида хуқуқий фанларидан дарс ўтиш ҳамда методик тавсиялар тайёрлашда фойдаланилиши мумкин. Шунингдек, ушбу тадқиқот оиладаги зўравонлик учун жиноий жавобгарлик белгилаш ва унинг олдини олиш соҳасидаги айрим муаммоларни ҳал этишда яқиндан ёрдам беради.

¹ Бу ва бошқа манбалар диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти оиладаги зўравонлик учун жиноий жавобгарлик белгилаш ва унинг олдини олишга қаратилган бир қатор қоида ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишда ифодаланади. Тадқиқот натижаларидан амалдаги қонун ҳужжатларини, шунингдек оиладаги зўравонлик учун жиноий жавобгарлик белгилашни ҳамда ушбу турдаги қилмишларнинг олдини олиш амалиётини такомиллаштиришда фойдаланиш мумкин.

Иш тузилмасининг тавсифи. Диссертация кириш, олти параграфни ўз ичига олган учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 99 бетни ташкил этган.

Ў БОБ. ОИЛАДАГИ ЗЎРАВОНЛИКНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

1.1. Оиладаги зўравонлик тушунчаси ва унинг белгилари

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг туб моҳиятида инсон ва унинг манфаатлари устувор ҳисобланади, кўзланган мақсадга эришишда ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланган оиланинг ўрни эса бекиёсдир.

Жамиятдаги ҳар қандай иллатга қарши курашни оиладан бошласаккина уни илдизи билан қуришиш мумкин. Зеро, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 63-моддасида мувофиқ, оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга.

Конституциянинг 26-моддасида эса, ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка, шафқатсиз ёки инсон кадр-қимматини камситувчи бошқа тарздаги тазйиққа дучор этилиши мумкин эмаслиги белгилаб қўйилган¹.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси энг муҳим ижтимоий муносабатларни ҳимоя қилар экан, шахс, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини муҳофаза қилишни биринчи ўринга қўяди. Инсон ҳаёти ва соғлиғига қарши жиноятларга доир нормалар Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси Махсус қисмининг алоҳида бобида жамлангани тасодифий бир ҳол эмас. Бундай қилмишлар қаторида оилада шахсга қарши зўрлик ишлатиб содир этиладиган қилмишларнинг ижтимоий хавфлилигини алоҳида эътироф этиш ўринлидир.

Шундай экан, бу тоифадаги жиноятларни таҳлил қилиш, уларнинг олдини олишнинг самарали механизмларини ишлаб чиқиш бугунги кунда муҳим аҳамият касб этади. Шахсга қарши зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятларнинг олдини олиш бўйича фикр юритишдан олдин, “зўрлик”, “шахсга қарши зўрлик ишлатиш” каби тушунчаларнинг мазмунини тушуниб олиш лозим.

Зўравонликнинг криминологик тавсифи, сабаби, шарт-шароитлари, табиати, ижтимоийлиги ва белгилари ҳақида жиноят-ҳуқуқий ва

¹ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. <https://lex.uz/acts/20596>

криминологик адабиётларда турлича тушунчалар берилган. Бир қатор илмий ва юридик адабиётларни таҳлил этиш ҳамда умумлаштириш шуни кўрсатмоқдаки, фанда ханузгача “зўрлик” ва “зўравонлик”ка оид ягона тушунча мавжуд эмас. Гарчи, “зўрлик” ва “зўравонлик” тушунчаларига турли соҳа мутахассислари томонидан эътибор қаратилган бўлсада, бу ҳақида ягона тўхтамга келинмаган.

Аввало, зўрлик ишлатиш – ижтимоий-ҳуқуқий тушунча¹. Зўрлик – бирор кишининг иккинчи бир кишини зўравонлик, жисмоний куч ишлатиш йўли билан хўрлаши, жабр-зулм қилиши² ёхуд шахснинг конституция билан кафолатланган шахсий дахлсизлиги бузилишига сабаб бўладиган, бир шахснинг иккинчи бир шахсга нисбатан жисмоний ёки руҳий таъсир ўтказишидир³.

Баъзи бир адабиётларда зўрлик – бирор кишининг иккинчи бир кишига нисбатан зўрлик қилиши, куч ишлатиш йўли билан зўрлаши, жабр-зулм қилиши сифатида келтирилган. У инсонни жисмоний ва маънавий зўрлаш ёхуд жабр-зулм қилиш шаклида намоён бўлади⁴.

Шунингдек, давлат бошқарувида мазкур атама билан алоқадор алоҳида назария – “зўрлик назарияси” ишлаб чиқилган. Унга кўра, зўрлик назарияси жамиятни итоатда сақлаб туриш ёки куч билан ўзгартириш фаолиятини амалга оширувчи ишни изоҳлайдиган сиёсий таълимотлардан бири, давлатнинг вужудга келиши ва амал қилиши тўғрисидаги қарашлар, фикр ва мулоҳазаларга асосланган назария⁵ ҳисобланади.

Бироқ, тадқиқот мавзуси ўлароқ оиладаги зўравонлик жиноят-ҳуқуқий соҳанинг асосий тушунчаларидан бири ҳисобланади. Бу борада М.Мусаев⁶ ва С.Ниёзовалар⁷ зўрликнинг ҳуқуққа хилоф эканлигини алоҳида қайд этади. Жумладан,

¹ Шестаков Д.А. Семейная криминология: Криминофамилистика. – СПб.: Юридический центр пресс, 2003. – С. 175.; Алауханов Е.Х. Криминология: Учебник. – СПб.: Юридический центр пресс, 2013. – С. 236.

² Ўзбекистон юридик энциклопедияси. – Т., 2009. – Б. 199.

³ Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Т.4. – Т., 2002. – Б. 47.

⁴ Юридик энциклопедия. – Т., 2001. – Б. 171.

⁵ Фалсафа: қомусий луғат. / Масъул муҳаррир: Қ.Назаров. – Т.: Шарқ, 2004. – Б. 137.

⁶ Мусаев М.А. Ҳаётга қарши жиноятлар: назария ва амалиёт муаммолари. – Т.: Шарқ, 2011. – Б. 167.

⁷ Ниёзова С.С. Шахсга қарши зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятларнинг виктимологик назарияси (Монография). – Т.: ТДЮИ, 2011. – Б. 22.

С.Ниёзова зўрлик тушунчасига куйидаги таърифни таклиф қилади: зўрлик – бу жабрланувчи хавфсизлигига қасддан, қонунга хилоф равишда жиноий тажовуз қилиш, унинг организмга (органлари, тўқималари ва уларнинг физиологик функциялари) иродасига қарши (ёки ундан ташқари) жисмоний (энергетик) ёки рухий (информацион) таъсир этиш йўли билан жисмоний ёки рухий зарар етказиш¹.

Айтиш жоизки, ушбу зўравонликлар деярли айнан оилада содир этилиб, инсоннинг ихтиёри ва эркига зид равишда жисмоний куч ишлатиш ёхуд рухий таъсир этиш орқали амалга оширилади. Шахсга зўрлик ишлатилишида унинг ихтиёрига зид бўлган хатти-ҳаракатлар амалга оширилади.

Оиладаги зўравонлик шахсга қарши ноқонуний куч ишлатиш, калтаклаш, зўрлаш, мажбур қилиш, таъсир кўрсатиш, ўз ҳукмронлигини ўтказиш каби белгилар орқали ифодаланади. У асосан жисмоний ёки рухий кўринишда бўлиши мумкин. Рухий зўравонлик эса кўп ҳолларда кўрқитиш (бир шахсни иккинчи бир шахс томонидан кўрқитиб бўйсундириш, ўзини кўрсатиш ёхуд ўзига қарам қилиш) шаклида ифодаланади. Рухий зўравонлик асабийлашишнинг маҳсули бўлиб, бир шахсни кўрқитиб ўзига бўйсундириш, унинг “ихтиёрига зид” ёки “тарбиялаш” мақсадларида қўлланилиши ҳам мумкин. У айбдорга унинг қариндошлари ёки яқин кишиларига нисбатан бевосита қўлланилишида намоён бўлади. Жиноят ҳуқуқи нуқтаи назаридан ҳар хил оғирлик даражасида баданга шикаст етказиш, калтаклаш ва бошқа жисмоний куч ишлатишни жисмоний зўравонлик деб баҳолаш лозим.

Бизнингча, зўравонлик жисмоний куч ёки кўрқитиш билан амалга ошириладиган жиноий фаолиятдир. Бунда шахснинг ҳаёти ва соғлиғига таҳдид қилиш орқали ҳуқуқ ва эркинлиги поймол этилади. Мазкур ҳолатда таъсир этиш деганда, жабрланувчига унинг хоҳишига қарши амалга ошириладиган ва унга аниқ жисмоний ёхуд рухий азоб берадиган, яъни зўравонлик ҳисобланадиган таъсир этишни тушуниш керак.

¹ Ниёзова С.С. Шахсга қарши зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятларнинг виктимологик назарияси (Монография). – Т.: ТДҶОИ, 2011. – Б. 22.

Зўравонлик оқибатида шахснинг баданига салгина оғриқ етказадиган ва хатто ёқимсиз ҳис уйғотадиган ўзгаришни ҳам зўравонлик деб аташ мумкин. Зўравонликка фақат тананинг дахлсизлиги бузилишини эмас, балки шахсга тааллуқли ҳар қандай салбий хатти-ҳаракатни киритиш керак. Масалан, шахс устидан кулиш, тухмат, ҳақорат қилиш кабилар шахснинг конституциявий ҳуқуқини поймол қилиши билан бирга, унга кўрсатилган руҳий зўравонлик ҳисобланади.

Зўрлик тушунчасини жиноят-ҳуқуқий ва криминологик тушунишдаги кейинги муаммо унинг шакллари билан боғлиқдир. Маълумки, анъанавий тарзда зўрлик жисмоний ва руҳий зўрлик каби шаклларга ажратилади. Аммо, айрим адабиётларда зўрлик ушбу иккита шаклдан ташқари жинсий зўрлик ҳам алоҳида ажратиб кўрсатилади.

Жисмоний таъсир кўрсатувчи зўравонлик ҳаракатлари қаторига, бизнинг фикримизча, инсон баданига куч билан таъсир қилишнинг ҳар қандай усули, яъни зарба беришда ифодаланмайдиган хатти-ҳаракатларни ҳам киритиш лозим. Масалан, сочдан тортиш, қўлни оғритиб ушлаш, тананинг бирор қисмини қисиш, оғриқ бериш, итариб юбориш ва ҳ.к.

Зўравонликлар жумласига қийноққа солиш, яккалаб қўйиш, иродага қарши ҳаракат қилишга мажбурлаш ёки ундаш, ушлаб туриш, зўрлаш, тегажоғлик қилиш, таҳқирлаш ва хўрлаш кабиларни киритиш мумкин.

Бизнингча, “оиладаги жиноий зўравонлик деганда оиланинг бир аъзоси томонидан бошқа аъзосига нисбатан жисмоний ёки руҳий таъсир кўрсатиш ёхуд қўллаш билан кўрқитиш орқали унинг ҳаёти, соғлиғи, эркинлигини, жинсий дахлсизлиги, шаъни, қадр-қиммати ва қонун билан муҳофаза қилинадиган бошқа дахлсиз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига тажовуз қилиш орқали ўз ҳукмронлигини ўтказишга қаратилган хатти-ҳаракат ёки ҳаракатсизлик”ни тушуниш лозим.

Оиладаги жиноий зўравонликнинг қуйидаги турлари мавжуд:

Жисмоний зўрлик жабрланувчига турли даражада тан жароҳатлари етказиш, уриш, жисмоний куч ишлатиш, жабрланувчининг қариндошларини,

яқинларини ўлдириш, номусига тегиш ва ҳоказолар кўринишида бўлиши мумкин¹. Бунда оиланинг бир аъзоси томонидан бошқа аъзосига нисбатан қасддан унинг ҳаёти, соғлиғига ёки баданининг турли жойларига шикаст етказиш каби хатти-ҳаракатлар содир этилиб, қуйидаги кўринишларда намоён бўлади: шапалоқ тортиш, тепиш, турткилаш, мушт билан уриш; кучли зарб билан итариб юбориш; турли ўткир буюм ва нарсаларни отиш; қурол билан хавф солиш ёки яралаш; уйдан чиқишига жисмонан йўл қўймаслик; кечаси ухлашга қўймаслик.

Руҳий зўрлик – жабрланувчига нисбатан жисмоний зўрлик ишлатиш, мол-мулкни нобуд қилиш ёки зарар етказиш ва жабрланувчи сир сақланишини истаган маълумотларни ошкор этиш ва ҳоказолар билан кўрқитиш². Руҳий зўрлик ва жисмоний зўрлик бир-бирини тақозо этувчи ва бири иккинчисини тўлдиргандагина оқибат келиб чиқиши мумкин. Бунда қасддан оиланинг бир аъзоси томонидан бошқа аъзосининг шаъни ва кадр-қимматини камситиш орқали унинг руҳиятига таъсир кўрсатиш, ҳис туйғуларини сўндирувчи ҳаракатлар қилиш, кўрқитиш ва ҳақоратлаш билан унинг руҳиятига шикаст етказувчи сўзлар ва ҳаракатларни содир этишда намоён бўлади: ҳиссиёт ва ҳис-туйғуларни тан олмаслик; устидан кулаиш; жазо чораси сифатида унинг ҳиссиётларига эътибор бермаслик; ёлғон сўзлар айтиб, ундан ўзининг манфаати йўлида фойдаланиш; дўстлари ва қариндошларига хавф етказиш билан кўрқитиш ва улар билан алоқа қилишга йўл қўймаслик; у билан оммавий жойларга чиқишдан бош тортиш; оила бюджетини ўзи назорат остига олиш; қариндош уруғлар орасида шарманда қилиш; уйдан кетишини айтиб кўрқитиш; касал ёки ҳомиладор бўлганида унга ёрдам беришдан бош тортиш, тиббий ёрдам олишига қаршилик кўрсатиш.

Оиладаги жинсий зўравонлик жинсий алоқага қилишга мажбурлайдиган хатти-ҳаракатлар қилиш орқали дўқ-пўписа қилиш ёки зўрлик ишлатиш билан

¹ М.Х. Рустамбаев Жиноят ҳуқуқи: Махсус қисм.. Т.: ТДЮИ, 2006. –Б. 42.

² Тахиров Ф. Айрим хорижий мамлакатларда жинсий жиноятлар учун жавобгарлик / Масъул муҳаррир ю.ф.д., проф. М.Х.Рустамбаев. –Т: ТДЮИ, 2009. –Б. 95–96.

кўрқитиб шахснинг жинсий дахлсизлиги ва озодлигига тажовуз қилиш билан ифодаланади. Масалан, эркакнинг аёли билан жинсий объект сингари муомала қилиши; жинсий алоқадан бош тортиш ёхуд аёлга нисбатан тажовузкор муносабатда бўлиш; жинсий алоқада мажбурий хатти-ҳаракатлар қилдириш; жинсий алоқани ўта шафқатсизлик билан амалга ошириш; зўрлаш йўли билан жинсий алоқа қилишга мажбурлаш; аввал калтаклаб кейин жинсий алоқа қилиш; парнографик кўринишдаги бузуқ хатти-ҳаракатларни кўришга ёки такрорлашга мажбурлаш ва ҳоказо.

Оиладаги жиноий зўравонликнинг юридик маънодаги тушунчаси унинг ҳақиқий мазмунини торайтиради, чунки бир қатор ҳолатлар ҳисобга олинмайди:

биринчидан, агар жисмоний зўравонлик тўғрисида сўз юритилса, у ҳолда инсон организмига бевосита жисмоний куч ишлатиш билан таъсир кўрсатишни кўшиш мумкин эмас. Зўравонликнинг ушбу турини зўравонлик билан чеклаш ҳамда жабрланувчини озодликдан маҳрум қилишга киритиш тақозо этилади.

У одатда жисмоний ва маънавий азобни келтириб чиқарувчи, баъзан жиддий жисмоний ва руҳий жароҳат (масалан, жабрланувчини қишда иситилмаган хонада сақлаб туриш)га олиб келиши ҳам мумкин;

иккинчидан, зўравонликни инсон организмига “унинг ихтиёрига қарши” таъсир кўрсатиш сифатида кўриб чиқиш ҳам мумкин эмас.

Зўравонликни инсонга унинг иродасидан ташқари таъсир кўрсатиш сифатида тавсифлаш тўғрироқ бўлар эди, чунки жабрланувчи ўз иродасини намоён этадиган ҳолатда, зўравон унга қарши ҳаракат қилади ва бу ҳар доим ҳам шундай бўлавермайди. Кўп ҳолларда айбдор жабрланувчининг иродасини менсимайди;

учинчидан, зўрлик ишлатиш билан таҳдид қилишни фақат жисмоний зарар етказиш билан таҳдид қилишга кўшиш мумкин эмас. Руҳиятга нафақат жисмоний зарар етказиш билан таҳдид қилиш, балки бошқа манфаатларга, кўпинча муҳимлиги жиҳатдан соғлиқ ва ҳатто ҳаётдан маҳрум қилишдан ҳам

қолишмайдиган бошқа (масалан, шаън, кадр-қиммат, эркинлик, обрў-эътибор, мулкый) қадриятлар ҳам таъсир қилади;

тўртинчидан, зўравонликни фақат бевосита инсон иродасига таъсир кўрсатиш сифатида кўриб чиқилиши ҳозирги кунда анча тордек туюлади, чунки инсонга таъсир ўтказиш қонун билан қўриқланадиган бошқа нарсалар, масалан, моддий бойликлар, мулк орқали

Жисмоний зўравонлик эса хотин-қизларга нисбатан оғирлиги турли даражада бўлган тан жароҳатлари етказиш, хавф остида қолдириш, ҳаёти хавф остида қолган шахсга ёрдам кўрсатмаслик, зўравонлик хусусиятига эга бошқа ҳуқуқбузарликлар содир этиш, жисмоний таъсир ўтказиш ёки бундай таъсир ўтказишнинг ўзга чораларини қўллаш билан таҳдид қилиш орқали хотин-қизларнинг ҳаёти, соғлиғи, эркинлиги ҳамда қонун билан ҳимоя қилинадиган бошқа ҳуқуқлари ва эркинликларига тажовуз қиладиган зўравонлик шаклидир.

Оила доирасидаги руҳий зўравонлик деганда, одатда хотин-қизларни ҳақоратлаш, уларга тухмат қилиш, таҳдид қилиш, уларнинг шаънини, кадр-қимматини камситиш, шунингдек уларнинг хоҳиш-иродасини чеклашга қаратилган бошқа ҳаракатларда ифодаланадиган зўравонлик шакли, шу жумладан репродуктив соҳада назорат қилиш, тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчида ўз хавфсизлиги учун хавотир уйғотган, ўзини ҳимоя қила олмасликка олиб келган ёки руҳий соғлиғига зарар етказган ҳаракат (ҳаракатсизлик)¹ да номоён бўлади.

Мухтасар айтганда, оиладаги зўравонлик – бу ўзларининг яқинлари (асосан аёллар ва болалар) устидан ҳукмронлик ва назорат қилиш мақсадида, одатда айнан бир шахсга нисбатан жисмоний ва руҳий зўрлик қилишда номоён бўлади.

¹ Ўзбекистон Республикасининг “Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни. <https://www.lex.uz/docs/4494709>

Таъкидлаш жоизки, айрим ҳолларда зўравоннинг жисмоний ва руҳий зўрлиги натижасида хотин-қизлар томонидан ижтимоий хавфли қилмиш содир этиши ҳоллари ҳам кузатилмоқда.

Инсоннинг ҳар қандай қилмиши ҳар доим онгли ва ақл-иродаси билан содир этилади. Шунинг учун ўз ҳаракатларининг аҳамиятини англай олмаган ёки ҳаракатларини бошқара олмаган шахснинг ҳаракатлари, ҳатто ижтимоий-хавфли оқибатларга олиб келган тақдирда ҳам жиноят ҳисобланмайди.

Зўравонликка учраган аёллар енгиб бўлмайдиган жисмоний куч ёки руҳий зўрлик таъсири остида қонун билан қўриқланадиган ижтимоий муносабатга хавф солувчи қилмиши ва унинг оқибати учун жавобгарликка тортилиши мумкин эмас.

Шу ўринда жисмоний ва руҳий зўрлик тушунчасига тўхталиб ўтиш лозим. Жисмоний зўрлик, деганда шахснинг бошқаларнинг жисмоний таъсирида жамият учун хавфли қилмишларнинг амалга ошириши тушунилади ва бунда жисмоний таъсир унинг ихтиёрини бутунлай олиб қўяди (масалан, эр хотинини уриб тан жароҳати етказса ёки ҳақорат қилса, натижада хотини ўзини ҳимоя қилиш мақсадида эрига енгил, ўртача оғир ёки оғир шикаст етказса). Бундай ҳолат Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 55-моддасининг “д” бандига мувофиқ, жабрланувчининг зўрлик, оғир ҳақорат ёки бошқача ғайриқонуний ҳаракатлари туфайли вужудга келган кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида жиноят содир этиш деб топилади ва суд томондан жазо тайинлашда жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар сифатида ҳисобга олиниши мумкин.

Таъкидлаш жоизки, ижтимоий хавфли қилмиш зарурий мудофаа ҳолатда содир этилган тақдирда шахс жавобгарликка тортилмайди. Масалан, эр хотинига нисбатан зўрлик ишлатиб унга шикаст етказмоқчи бўлганда ёки ўлдирмоқчи бўлганда, ўзини ҳимоя қилиш мақсадида хотин мудофаа вақтида эрини ҳаётдан маҳрум қилиши, соғлигига зарар етказиши, мулкини нобуд қилиши мумкин. Мудофаа ҳолатида зарурий мудофаа чегарасидан четга

чиқилмаслиги лозим. Акс ҳолда, содир этилган жиноятда барча зарурий шартлар мавжуд бўлган ҳолларда ҳаёлий мудофаа қоидалари бўйича зарурий мудофаа ёки эҳтиётсизлик орқасидан содир этилган жиноят сифатида ёхуд умумий шартлар асосида қасддан ёки эҳтиётсизлик орқасида содир этилган жиноят сифатида квалификация қилиниши мумкин.

Рухий зўрлик, дейилганида шахсни ўлдириш моддий ёки маънавий зарар етказиш билан қўрқитилиши натижасида содир этган ҳаракат ёки ҳаракатсизлиги туфайли ижтимоий хавфли оқибатнинг рўй бериши тушунилади. Рухий таъсир натижасида етказилган зарар учун айбдор охириги зарурат ҳолларидан ташқари барча ҳолларда жавобгарликка тортилади. Суд жазо тайинлаётганда бу ҳолатларни жавобгарликни енгиллаштирувчи ҳолат сифатида эътиборга олиши керак. Қилмиш ижтимоий хавфли бўлиши янги жиноят қонуни билан қўриқланадиган ижтимоий муносабатларга зарар етказа оладиган даражада хавфли бўлиши керак.

Шу ўринда савол туғилади! Оиладаги зўравонликнинг асосий қурбонлари бўлган аёллар ва болаларга нисбатан жисмоний ва рухий зўравонлик нималарда намоён бўлади? Кўпчилик зўравонлар оиладаги ҳукмронликларини кучайтириш мақсадида қандай усуллардан фойдаланади? Бу асосан таҳдид кўринишида намоён бўлади. Таҳдидлар эса қуйидагича бўлиши мумкин: моддий таъминламаслик, яъни пул бермаслик (моддий таъминламаслик), уйдан ҳайдаш, болаларини олиб қўйиш ёки уларни кўриш имкониятидан маҳрум қилиш билан қўрқитиш, баданига шикаст етказиш ёки ўлдириш билан қўрқитиш ва ҳоказо. Зўравонлар таҳдидлар билан бир қаторда қуйидаги ҳаракатлар орқали ҳам ўзларининг ҳукмронлигини намоёйиш қилишга уринишлари мумкин: телефонинин олиб қўйиш, кийимларини йиртиш ёки шахсий буюмларини синдириш, уйга қамаб қўйиш, муштини кўрсатиш орқали қўрқитиш ва ҳоказо.

Зўравон асосан қуйидаги жиноятлардан бирини содир этиш орқали ўзининг кучини намоёйиш этади: қасддан баданга оғир (104-модда), ўртача оғир (105-модда) ёки енгил (109-модда) шикаст етказиш, қийнаш (110-модда),

ўлдириш ёки зўрлик ишлатиш билан кўрқитиш (112-модда), жиноий равишда хомила тушириш (аборт) (114-модда), аёлни ўз хомиласини сунъий равишда туширишга мажбурлаш (115-модда) хавф остида қолдириш (117-модда), номусга тегиш (118-модда), жинсий эҳтиёжни зўрлик ишлатиб ғайритабиий усулда қондириш (119-модда), аёлни жинсий алоқа қилишга мажбур этиш (121-модда), вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсларни, ота-онани моддий таъминлашдан бўйин товлаш (122-123-моддалар), никоҳ ёши тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш (125¹-модда), тиланчилик қилиш (127¹-модда), одам савдоси (135-модда), аёлни эрга тегишга мажбур қилиш ёки унинг эрга тегишига тўсқинлик қилиш (136-модда) ва ҳоказо. Мазкур қилмишларни содир этган шахс Жиноят кодексининг тегишли моддасига асосан жавобгарликка тортилади.

Аммо зўравонлик билан бир қаторда тазйиққа учраётган хотин- қизлар ҳам йўқ эмас.

Тазйиқ — содир этилганлиги учун маъмурий ёки жиноий жавобгарлик назарда тутилмаган, хотин-қизларнинг шаъни ва кадр-қимматини камситадиган ҳаракат (ҳаракатсизлик), шилқимлик.

Юқорида қайд этилган таҳлиллардан келиб чиқиб, “оиладаги зўравонлик” тушунчасига қуйидагича таъриф бериш таклиф қилинади:

“Оиладаги зўравонлик – шахс (эр, хотин ёки фарзандлар ёхуд оиланинг бошиқа аъзолари)нинг хоҳиш-иродасига қарши қасддан муайян ҳаракатни амалга оширишни ифодаловчи қонунга зид жисмоний, руҳий ёки жинсий характердаги мажбурлашдан иборат ҳаракат”.

Ўзбекистон Республикасининг “Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги 2019 йил 2 сентябрдаги Қонунида тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчининг ҳуқуқлари белгиланган.

Тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

– ўзига нисбатан тазйиқ ва зўравонлик содир этилганлиги ёки уларни содир этиш таҳдиди тўғрисидаги ариза билан тегишли ваколатли органларга ҳамда ташкилотларга ёхуд судга мурожаат этиш;

– махсус марказларда, шунингдек бепул телефон линияси орқали текин ҳуқуқий маслаҳат, иқтисодий, ижтимоий, психологик, тиббий ва бошқа ёрдам олиш;

– ички ишлар органларига ҳимоя ордери бериш тўғрисидаги талаб билан мурожаат қилиш, ҳимоя ордери шартлари бузилган тақдирда эса, уларни бу ҳақда хабардор қилиш;

– содир этилган тазйиқ ва зўравонлик натижасида ўзига етказилган моддий зарарнинг ўрни қопланиши ҳамда маънавий зиён компенсация қилиниши тўғрисидаги талаб билан судга мурожаат этиш.

Тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчи етказилган моддий зарарнинг ўрнини қоплаш ҳамда маънавий зиённи компенсация қилиш тўғрисидаги ариза билан судга мурожаат этганда давлат божи тўлашдан озод қилинади.

1.2. Оиладаги зўравонликка қарши курашишга оид миллий ва халқаро – ҳуқуқий асослар

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, дунёдаги ҳар учинчи аёлга ҳаёти давомида ўз умр йўлдоши томонидан жисмоний тазйиқ ўтказилади. Турмуш қурган аёлларнинг 30%и ҳамроҳи томонидан зўравонлик ҳолатларига дуч келганлари ҳақида маълум қилади. Аёллар ўлимининг 38%и уларнинг турмуш ўртоғи томонидан амалга оширилади ва зўравонликка дуч келган аёлларнинг 42%игина муаммо ҳақида очиқ сўзлайди¹.

Оилавий зўравонлик – ўз кўламига кўра глобал муаммо. У турмуш даражаси ва демократизация форматидан қатъи назар, дунёнинг барча мамлакатларида кузатилади.

Оиладаги зўравонликка қарши курашишга оид миллий ва халқаро–ҳуқуқий асослари муайян илмий тадқиқотларга асосланади. Бугунги кунда мазкур мавзунинг нафақат мамлакатимиз, балки халқаро миқёсда ҳам

¹ <https://www.un.org/ru/rights/protectedfromviolence/ch3.shtml>

жиддий хавф туғдирмоқда. Шу муносабат билан оилага қарши жиноятларга қарши курашишнинг жиноят-ҳуқуқий ва криминологик жиҳатларини ўрганишга оид тадқиқотларда муайян илмий натижаларга эришилган.

Жумладан, улар томонидан амалга оширилган илмий тадқиқотлар натижасида оилага қарши жиноятлар профилактикаси ва унинг олдини олиш учун минтақавий тадқиқотлар амалга ошириш лозимлиги, оилага қарши жиноятлар содир этишга демография ва маданий қарашлар, хусусан гендер тенглиги каби масалаларнинг таъсир кўрсатиши – БМТ Наркотик ва жиноятчиликка қарши курашиш бошқармаси (UNODC), зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятларга, хусусан оиладаги зўравонликларга ҳаётий шароитлар, ишсизлик, гиёҳвандлик ва алкоғолизмнинг таъсири – Кембриж университети (Violence Research Centre, University of Cambridge), вояга етмаганларга қарши жиноятлар содир этилишида аксарият ҳолларда оиладагилар жабр кўриши эҳтимоли юқори эканлиги – Case Western Reserve University, оилага қарши жиноятлар учун жавобгарликни такомиллаштириш муаммолари – М.В.Ломоносов номидаги Москва давлат университети, оилага қарши содир этиладиган ижтимоий хавфли қилмишларнинг жиноят-ҳуқуқий ва криминологик тавсифи – Россия халқлар дўстлиги университети, вояга етмаган шахсларга нисбатан жинсий характердаги жиноятлар – Иммануил Кант номидаги Болтиқ федерал университети, зўрлик ишлатиб содир этиладиган оила доирасидаги жиноятлар, хусусан вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилиш профилактикасининг аҳамияти ва ўрни – Қозоғистон криминологик ассоциацияси томонидан тадқиқ этилган.

Кўпгина халқаро ҳужжатларда¹ мустаҳкамланган қоидаларга кўра, оила, оналик, болалик жамият ва давлат томонидан ҳимояланиш ҳуқуқига эга.

¹ Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси (16-модда); Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пакт (10, 11-моддалар); Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пакт (23, 24-моддалар).

Ўзбекистон Республикаси ҳам бу Конвенцияларга қўшилиб, мазкур қоидаларни ўз қонунчилигига киритган.

Биринчи навбатда Ўзбекистон Республикаси Конституциясида фуқароларнинг бир қатор асосий ҳуқуқ ва мажбуриятлари, хусусан ҳеч кимнинг қийноққа солиниши, зўравонликка, шафқатсиз ёки инсон қадр-қимматини камситувчи бошқа тарздаги тазйиққа дучор этилиши мумкин эмаслиги, хотин-қизлар ва эркаклар тенг ҳуқуқлилиги, фуқаролар Конституция ва қонунларга риоя этишга, бошқа кишиларнинг ҳуқуқлари эркинликлари, шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилишга мажбурлиги белгилаб берилдики, бу талабларга ҳамма риоя қилиши шарт.

Шу ўринда бу каби содир этилган қилмишлар учун уларнинг турига ва оғирлаштирувчи ҳолатларга қараб Жиноят кодекси биринчи бўлимнинг (шахсга қарши жиноятлар) бир қанча моддаларида жиноий жавобгарлик белгиланган. Бунда оилада зўравонликни содир этган шахс қилмиши жиноят қонунининг қайси моддасига мувофиқ қилишига қараб жиноий жавобгарликка тортилади.

Шунингдек, мамлакатимизда оилавий зўравонликка қарши кураш ва уни олдини олиш мақсадида 2019 йил 3 сентябрдан “Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни кучга кирди. Ушбу Қонунга мувофиқ хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари, Ҳукумат ва давлат ташкилотларининг соҳадаги ваколатлари ва хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонлик ҳолатларининг олдини олиш, уларни аниқлаш ҳамда уларга чек қўйишнинг умумий чора-тадбирлари белгилаб берилди¹.

Мазкур Қонунга асосан хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонликнинг ҳолатлари содир этилганда қуйидаги яқка тартибдаги чора-тадбирлар кўрилади:

– профилактика суҳбатини ўтказиш;

¹ Ўзбекистон Республикасининг “Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни. <https://lex.uz/docs/4494709>

- химоя ордерини бериш;
- тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчиларга ёрдам кўрсатиш бўйича махсус марказларга жойлаштириш;
- зўравонлик хулқ-атворини ўзгартириш бўйича тузатиш дастурларидан ўтиш.

Ушбу Қонунга асосан ва хотин-қизларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатлари тазйиқ ва зўравонликдан ишончли химоя қилинишини таъминлаш борасидаги ишлар самарадорлигини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 4 январдаги 3-сон қарори билан Тазйиқ ва зўравонликдан жабрланган хотин-қизларга химоя ордерини бериш, ижросини таъминлаш ва мониторинг олиб бориш тўғрисида низом¹ тасдиқланди.

Низомга асосан химоя ордери 24 соат ичида зўравонликка учраган фуқарога ички ишлар органларининг таянч пункти профилактика (катта) инспектори томонидан берилади. Жабр кўрган аёл ёки бу ҳақида хабардор бўлган учинчи шахс (қўшни, қариндош ва бошқалар) яшаш худудидаги ҳуқуқ-тартибот органларига ариза билан мурожаат қилади. Профилактика инспекторлари жабрдийданинг яшаш шароитини ўрганиб чиқиб, 24 соат муддатда ордер бериш масаласи ҳал қилинади. Химоя ордери ўттиз кун муддатгача берилади ва ушбу ордер расмийлаштирилган пайтдан эътиборан кучга киради. 30 кунлик муддат учун бериладиган ҳужжат 3 нусхада бўлади, яъни аризачи, зўравонлик содир қилган шахс ва профилактика инспекторида сақланади. 30 кун муддатда жабр кўрган аёлга зўравонлик содир қилган шахс томонидан яна тан жароҳати етказса, фуқарога нисбатан жиноят иши очилади. Хавф-хатар ҳали бартараф қилинмагани аниқланса, химоя ордери муддати узайтирилиши мумкин.

Оила ва болаликни давлат томонидан муҳофаза қилиш:

¹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 4 январдаги 3-сон қарори билан Тазйиқ ва зўравонликдан жабрланган хотин-қизларга химоя ордерини бериш, ижросини таъминлаш ва мониторинг олиб бориш тўғрисида низом. <https://www.lex.uz/docs/4676892>

1) оила аъзоларининг ҳуқуқлари ва бурчларини норматив йўл билан тартибга солишни (ЎзР Оила кодексининг 2, 4, 5-бўлимлари);

2) давлат бу ҳуқуқлар ва бурчларни амалга ошириш учун шарт-шароит яратишини;

3) инсон ижтимоийлашувининг муҳим соҳаси бўлган оилага тажовуз қилганлик учун жавобгарликни таъминлашни¹ назарда тутди.

Ота-она ва болалар ўртасидаги муносабатлар Конституция ва қонунларида мустаҳкамланган нормалар билан тартибга солинади. Қонунчи мазкур соҳанинг муҳимлигини ҳисобга олиб, оилага, ёшларга ва ахлоққа қарши жиноятларни ЎзР ЖК Махсус қисмининг алоҳида 5-бобида жамлаган.

Ўзбекистонда хотин-қизлар ва болаларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишга катта эътибор қаратилаётган, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш учун кенг қўламли ишлар қилинаётган бир вақтда, мазкур соҳадаги ишлар таҳлили оилаларда маънавий-ахлоқий муҳитни яхшилашда қатор камчилик ва тўсиқлар ҳам мавжудлигини кўрсатмоқда.

Мамлакатда хотин-қизларнинг муаммоларини ҳал этиш, уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш борасида давлат сиёсатини амалга ошириш соҳасида мутлақо янги тизим жорий этилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йилнинг 1 мартдаги “Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ–146-сон Қарорига асосан Бош прокуратурада хотин-қизлар ҳуқуқларини таъминлаш ҳамда уларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш соҳаларида қонунчилик ижроси устидан назорат бўлими ташкил этилди².

2022 йил 7 мартдаги “Оила ва хотин-қизларни тизимли қўллаб-қувватлашга доир ишларни янада жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–87-сон Фармони билан ҳам хотин-қизлар ҳуқуқларини

¹ Криминология. Учебник под ред. Бурлакова В.Н., Сальникова В.П. – СПб, 2018. –Б. –506.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 1 мартдаги “Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ–146-сон Қарори. <https://lex.uz/ru/docs/5884084>

таъминлаш ҳамда уларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш соҳаларида манзилли чора-тадбирлар белгиланган.

Жумладан, ушбу ҳужжат билан жамиятда хотин-қизларга тазйиқ ва зўравонликка нисбатан мурасасизлик муҳитини яратиш, хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлаш ҳамда оиланинг тарбиявий-таълим салоҳиятини мустаҳкамлаш, жамиятда оилавий қадриятларни сақлаш, оилаларда маънавий-ахлоқий муҳитни яхшилаш ва уларнинг фаровонлик даражасини ошириш алоҳида устувор вазифа сифатида белгиланди¹.

Оиладаг зўравонликка қарши курашишнинг халқаро-ҳуқуқий асосларини таҳлил қилар эканмиз, биринчи навбатда БМТ Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясига тўхталиб ўтиш жоиз. Ушбу Декларациянинг 16-моддасида “Оила жамиятнинг табиий ва асосий ҳужайрасидир ва у жамият, давлат томонидан муҳофаза этилиш ҳуқуқига эгадир”² деб белгиланган.

Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро стандартларга мувофиқ, “Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида”ги Халқаро пакт, “Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисида”ги Халқаро пакт, “Бола ҳуқуқлари тўғрисида”ги, “Хотин-қизларни камситишнинг барча шакллариغا барҳам бериш тўғрисида”ги Конвенцияларда оилага кўрсатилиши лозим бўлган ғамхўрликнинг минимал даражаси белгиланиб, давлатлар зиммасидаги муайян мажбуриятлар доираси назарда тутилган.

Қатор халқаро ҳужжатларда ҳам зўрлик тушунчаси аёлларга нисбатан содир этилиши таъкидлаб ўтилган. Масалан, БМТнинг 1993 йилги “Аёлларга нисбатан зўравонликка барҳам бериш тўғрисида”ги Декларациясида аёлларга нисбатан зўравонлик деганда, аёлларга нисбатан жисмоний, жинсий ёки руҳий азоб берган ва шикаст етказган ёки етказиши мумкин бўлган ёхуд шунга ҳаракат қилган, мажбурлаб

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 7 мартдаги “Оила ва хотин-қизларни тизимли қўллаб-қувватлашга доир ишларни янада жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–87-сон Фармони. <https://lex.uz/ru/docs/5884143>

² Инсон ҳуқуқлари тўғрисида халқаро Билл. –Тошкент: Адолат, 1992, 14-бет.

ёки ўзбошимчалик билан озодликдан ва жамиятдан ёки шахсий ҳаётдан маҳрум этишга қаратилган ҳар қандай зўравонликдан иборат ҳаракат¹ тушунилган.

Бундай халқаро ҳужжатлар қаторига БМТнинг Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги пакти (1966 йил)², Хотин-қизларга нисбатан камситишнинг барча шакллариغا барҳам бериш тўғрисидаги конвенцияси (1979 йил)³; Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияси (1989 йил)⁴, Халқаро Меҳнат Ташкилоти доирасида имзоланган Оналикни муҳофаза қилиш тўғрисидаги конвенцияни (1919 йил)⁵ ва бошқаларни киритиш мумкин.

Жумладан, Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияда ҳар бир боланинг ўз ота-онаси ғамхўрлигидан баҳраманд бўлиши, улардан айрилиб қолмаслиги, ўз оиласи билан бирга бўлиши каби қатор ҳуқуқлари баён этилган⁶.

Оила масаласи, қадриятлари барча тинчликпарвар ва адолатпарвар инсонларнинг доимий эътиборида бўлиб келмоқда. Шу боис Бирлашган Миллатлар Ташкилоти 1993 йил 20 сентябрда бўлиб ўтган йиғилишида барча халқларни 1994 йилдан бошлаб 15 майни Халқаро оила куни сифатида нишонлашга чақирганида ҳам катта маъно бор.

Дунё миқёсида оила муаммоларига бағишланган биринчи илмий экспедиция ғарбда 1889 йилда бошланган эди. Олимлар ва мутахассисларнинг бу илмий изланишлари салкам 100 йил мобайнида босқичма-босқич ўтказилган. Узоқ йиллар мобайнида олиб борилган илмий изланишлар натижасига кўра, оила энг долзарб масала сифатида жаҳон ҳамжамияти томонидан эътироф этилди ва БМТ 1994 йилни Халқаро оила йили деб эълон қилди, мамлакатимизда эса 1998 йил Оила йили дея аталиб, махсус дастур доирасида кўплаб ишлар амалга оширилди. Шулардан бири «Оила» илмий-амалий марказининг ташкил этилганлигидир.

¹ Юлчиев А., Асланов М. Одамлар савдоси (траффики)га қарши курашнинг ҳуқуқий жиҳатлари. – Т.: ТДҶОИ, 2006. – Б. 33.

² Ўзбекистон Республикаси мазкур ҳужжатга 1995 йилда қўшилган.

³ Ўзбекистон Республикаси мазкур ҳужжатга 1995 йилда қўшилган.

⁴ Ўзбекистон Республикаси мазкур ҳужжатга 1992 йилда қўшилган.

⁵ Ўзбекистон Республикаси мазкур ҳужжатга 1995 йилда қўшилган.

⁶ Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция (1989 йил), 6-10 моддалар.

БМТ оила масаласида асосан қуйидаги тамойилларга асосланишни таклиф этади:

– жинсий тенгликни, ижтимоий фойдали меҳнатда аёлларнинг тенг иштирокини таъминлаш;

– бола тарбиясида ота-она масъулиятининг баробарлигини эркалар ва хотин-қизларга тўғри тушунтириш;

– ночор ва муҳтож оилаларга доимий ғамхўрлик кўрсатиш.

2000 йилда БМТнинг минг йиллик саммити бўлиб ўтди. 189 та давлат вакиллари қатнашган ушбу йиғинда жамиятга алоқадор глобал, оламшумул муаммолар муҳокама қилиниб, турли тоифа оилаларнинг манфаатларига бевосита алоқадор вазифалар қаторида ночор оилалар манфаатларини муҳофаза қилиш, уларнинг таълим олиш, тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқларини кафолатлаш, аҳоли турмуш маданиятини кўтариш, иқтисодий ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Тадқиқ этилаётган мавзу юзасидан яна бир муҳим халқаро ҳужжат бу Аёлларга нисбатан камситишни бартараф этиш бўйича қўмита (CEDAW) аёлларга нисбатан камситишнинг барча шакллари бартараф этиш тўғрисидаги Конвенция бўлиб, унинг бажарилиши аёллар ҳуқуқлари бўйича 23 мутахассисдан иборат мустақил экспертлар томонидан назорат қилинади.

Аёлларга нисбатан камситишнинг барча шакллари йўқ қилишга оид мазкур Конвенция дунёдаги аёлларга кундалик ҳаётини ўзгартиришга ёрдам берадиган воситадир. Конвенцияни ратификация қилган мамлакатларда у камситиш оқибатларига, шу жумладан зўравонлик, қашшоқлик, ҳуқуқий воситаларнинг етишмаслигига қарши кураш ҳамда мулк ҳуқуқини тўлақонли амалга оширишда муҳим рол ўйнайди¹.

Бутун дунёда БМТнинг оила ва инсон саломатлиги, гендер тенглик масалалари бўйича юритаётган сиёсатига ҳамоҳанг оила сиёсати олиб борилади. Масалан, Туркияда бизнинг «Оила» илмий-амалий марказимизга

¹ <https://www.ohchr.org/ru/treaty-bodies/cedaw>

Ўхшаш «Оила» илмий-тадқиқот институти фаолият кўрсатади. Унинг асосий вазифаси ҳар бир оиланинг таълим ва тарбияга оид фаолиятини қўллаб-қувватлаш, ногирон боласи бор оиланинг эҳтиёжларини ўрганиш, унга ёрдам бериш йўлларини белгилаш, ўртаҳол оилаларнинг ривожланиш қонуниятларини ўрганиш, жамиятда ҳамда оилада эркак ва аёлнинг тенг ҳуқуқлилигини таъминлаш бўлиб, у 1989 йилда ташкил этилган.

Покистонда ҳам оила, оналик ва болалик масалалари бўйича махсус вазирлик мақомига эга бўлган департамент бор. У ҳам аёллар тараққиёти, ижтимоий таъминоти ва махсус таълимига жавобгар ҳисобланади. Ушбу вазирликнинг турли минтақаларда оила ва аёлларга ёрдам кўрсатувчи 75 та кризис маркази мавжуд.

Оила - миллий анъана ва урф-одатларимизни, миллий маданиятимизни сақлайдиган, авлодлардан авлодларга етказадиган муҳитдир. Демак, удум ва анъаналар сақланар экан, уни сақловчилар ва унга риоя қилувчилар феъл-атворида ҳам умумийлик, уйғунлик, демакки, ўрганиб, хулоса чиқарадиган қонуниятлар бўлади¹.

Ғарб давлатларида “иккинчи демографик ўтиш” деб номланган жараён юз берди, бунда расмий никоҳ тузишнинг сони кескин камайиши, боланинг камол топиши учун ота-онанинг иккаласи бўлиши мажбур эмаслиги, аёллар хоҳлаганда ёлғиз ўзлари бола тарбиялашлари мумкинлиги, абортларга бўлган ижобий муносабат тобора шаклланиб бормоқда. Бундан ташқари, оила муносабатларига давлатнинг аралашуви минималлаштирилиб, жинсий муносабатларда эркинлик берган ҳолда оила мустақамлигини сақлашга ижтимоий-иқтисодий ёрдам кўрсатиш ва фуқаролик жамияти институтларига ўтказиш орқали кўмаклашиш йўли танланмоқда. Оилавий муносабатларда ҳаддан ташқари либерал ёндашув натижасида ноанъанавий оилавий муносабатлар шакллана бошлади, 1989 йилда Данияда бир жинсли никоҳга рухсат берилди, кейинчалик кўпгина давлатларда (Голландия, Англия,

¹ Каримова В. Оила - муқаддас даргоҳ // Ҳуқуқ ва бурч. 2011 йил 5-сон, www.huquqburch.uz

Швеция ва б.) бир жинсли никоҳлар расман тан олина бошлади. Айрим давлатларда (АҚШ айрим штатлари, Франция) бунга қарши қонунлар қабул қилинсада, етарли даражадаги самара бермаётганлигини кўриш мумкин. Баъзи мамлакатларда салбий демографик (РФ, Франция, Германия) тенденциялар мавжудлиги уни ҳал қилишга йўналтирилган дастурларни ишлаб чиқишига сабаб бўлмоқда.

АҚШда оилани давлат томонидан кенг моддий қўллаб-қувватлашдан хайрия жамғармаларига оилага қаратилган ижтимоий дастурларни амалга ошириш юклатилмоқда. Давлат маблағлари қисқарган ҳолда фақат ночор оилаларга кўмак бериш, хотин-қизлар ва болаларнинг тенг ҳуқуқлиги таъминлашга қаратилмоқда.

Скандинавия мамлакатлари ижтимоий ҳимоя тизими намунавий бўлиб, оилаларга ижтимоий ёрдам тизимидан ўрناк даражасида. Швецияда ижтимоий суғурта тизими инсон ҳаётидаги ҳар бир ҳолатни назарда тутиб, оилаларга кучли имтиёзлар, хотин-қизлар ва болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича давлат тизими ишлаб чиқилган бўлиб, ҳар қандай вазиятда ҳимояни сўраб мурожаат қилиш имкониятини таъминлайди¹. Швецияда “Фуқаро ўз тақдири ҳақида қайғуриши шарт эмас, давлат унга туғилганидан бошлаб сўнгги кунига қадар ғамхўрлик қилади” ижтимоий ҳимоянинг даражасини кўрсатиб беради.

РФда демографик ҳалокат юз бераётгани туфайли бола туғилишини рағбатлантиришга катта маблағлар сарф бўлишига қарамай вазият жиддий ўзгармади, аслида ўзгаришни одамлар маънавий дунёсида амалга ошириш кераклиги ҳақида фикрлар пайдо бўлмоқда.

Ҳозирги кунда бизнинг суд тизимимизда оилавий можароларни ҳал қилиш судларини ташкил этиш зарурлиги ҳам юзага келди. Бу судлар ўз

¹ Ўтган йили Норвегияда 5 ёшли бола болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи давлат органига ота-онаси устидан унга шафқатсиз муносабат қилаётганидан шикоят қилади. Текшириш ўтказилганда ота-она боланинг телевизор кўришини чеклаганлиги учун мурожаат этганлиги маълум бўлади. ОАВ бу ҳолат кенг ёритилиб, болага нисбатан “кичкина чақимчи” деган ном беришди. Бу кичик ёшдаги шахсларнинг ҳам давлат органларига ёрдам сўраб мурожаат қилишларига имконият таъминланганлигидан далолат беради.

фаолиятларини асосан оиладаги комплекс масалаларни, яъни никоҳни бекор қилиш, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш, уй-жойдан кўчириб юбориш, ички оилавий жиноятларни қўришгача бўлган масалаларни ҳал қилишга қаратмоқлари керак. Ҳозирги даврда бундай судлар АҚШнинг айрим штатларида, Япония ва бошқа давлатларда фаолият кўрсатмоқда.

Оилавий муносабатларда яна бир муҳим масала бу алимент масаласидир. Маълумки, алимент ундиришда боланинг ота-онаси ўзаро никоҳда экани ёки улар ўртасидаги никоҳ тугатилгани аҳамиятли эмас. Алимент ундиришда туғилганлик ҳақидаги гувоҳномадаги оталик тўғрисидаги ёзув ҳамда болага ихтиёрий равишда таъминот беришдан бўйин товлаш асос бўлади. Шу ўринда болани фақатгина алиментнинг ўзигагина таяниб боқиш, вояга етказиш мумкинми, деган табиий савол туғилади. Катта миқдордаги алиментни асосан йирик шаҳарларда тўлашлари мумкин, шунда ҳам шаҳардаги турмуш мезони билан қаралса, камлик қилади. Баъзи истисноларни демаса, кичик шаҳарлар, қишлоқларда ундан ҳам кам. Болаларнинг таълими, сифатли овқатланиши, руҳан соғлом ва баркамол улғайиши бевосита оила даромадига ҳам боғлиқ. Болага уни ким таъмин этаётганининг фарқи йўқ. У, аввало, ҳам отасининг, ҳам онасининг эътибори, мадади ва хайрихоҳлигига муҳтождир.

Ҳозирги кунда алиментни ундириш билан боғлиқ қатор ютуқ ва камчиликлар бор. Судьяларда асосий иш жойи бўйича маълум қилинган иш ҳақидан фоиз белгилашдек анъанавий ёндашув мавжуд. Алимент тўлайдиган ота бюджет ташкилотида ёки солиқлар тўлиқ тўлаб бориладиган ташкилотда ишлаётган тақдирдагина алиментни тўлиқ ундириш мумкин. Хусусий секторда эса, иш берувчининг манфаатлари алимент тўлашдан бўйин товловчи шахслар манфаатларига мос келади. Шу боис, алимент суммаси болани таъминлаш харажатларига монанд бўлиши учун алимент тўловчиларнинг ҳақиқий даромадларини судда исботлаб бериш механизми зарур.

Алимент мажбуриятлари билан боғлиқ муносабатларни тартибга солувчи миллий қонунчиликни такомиллаштиришда хорижий мамлакатлар

тажрибасини танқидий нуқтаи назардан ўрганиш фойдадан холи бўлмайди. Хорижий давлатлар оила қонунчилигида мамлакатимизда алимент мажбуриятларини ҳуқуқий тартибга солиш соҳасида юзага келаётган аксарият муаммоларнинг ечимлари мавжуд.

Ғарб мамлакатларида алиментларнинг икки тури мавжуд. Биринчисини болаларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш (child support), иккинчисини эса эр-хотин алименти (alimony) деб юритадилар. Шу масала бўйича тажриба ва амалиёти ўрганилган мамлакатлар аввало алиментларни ҳисоблаб чиқариш принциплари бўйича фарқланади. Ғарбий Европа мамлакатларининг аксариятида алимент суммасини аниқлаш бўйича намунавий йўриқномалар (формулалар) ишлаб чиқилган. Бу суммани аниқлашда кўпгина кўрсаткичлар эътиборга олинади. Бола билан яшаётган онанинг (отанинг) даромади ҳам, боланинг ота-она никоҳдан ажралгунга қадар бўлган турмуш тарзини сақлаб қолиш принциpidан келиб чиқиб белгиланадиган хос харажати ҳам инобатга олинishi мумкин¹.

Бир қатор давлатларда алимент суммаси боланинг ёшига қараб, унинг эҳтиёжлари ортиб боришини ҳам инобатга олган ҳолда изчиллик билан ошириб борилади. Алимент тўланишидаги ёш чегараси, энг аввало, балоғатга етди деб қараладиган ёш борасида тафовутлар бор. Ривожланган Ғарб мамлакатларида балоғат ёши Ўзбекистондаги ёш чегарасидан юқорироқ. Бундан ташқари, кўпгина мамлакатларда алимент тўлашдаги ёш чегараси таълим олий ўқув юртларида давом эттириляётгани муносабати билан узайтирилади. Бола билан бирга яшамайдиган отанинг (онанинг) ўз уйида бола билан бирга ўтказган вақти ҳам эътиборга олинади. Чунончи, Англия, АҚШ, Австралияда бола алоҳида яшаётган отасиникида (онасиникида) неча кеча тунаб қолган бўлса, шу вақт ҳам алимент ҳисобига ўтади. Алиментларни судда белгилаш йўриқномасининг мажбурийлик даражаси ҳам бир хил эмас: баъзи

¹ Хусаинова У. Алимент ундириш масаласи: оила тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомилли ва хорижий тажриба // Ҳуқуқ ва бурч. 2010 йил 11-сон, www.huquqburch.uz

жойларда тўловнинг умумий йўналишини бериш билан кифояланилса, бошқа ерларда тўловлар ҳажми қатъий расамадга солинган бўлади.

Европанинг кўпгина мамлакатларида давлат алимент олмаётганларни ё фақат жуда қашшоқ ота-оналарга, ёки алимент олмаётган барча ота-оналарга муайян вақт мобайнида нафақа тўлаш йўли билан қўллаб-қувватлаб туради. Қитъадаги қатор мамлакатларда махсус жамғармалар ташкил этилган бўлиб, нафақалар шулар ҳисобидан тўланади ва кейинчалик қарздордан қайтариб олинади. Давлат сарфлаган маблағларни компенсация қилиш тартибида ҳам тафовутлар кўзга ташланади. Жумладан, АҚШда алимент тўламай юрганларни қидиришнинг қатъий тизими йўлга қўйилган.

Мусулмон мамлакатларида ажралиш кўрсаткичи паст бўлса-да, ажралишдан кейин норасида болалар онасининг тарбиясида қолдирилади, қаттароқ ёшдаги болалар эса ким билан қолишни ўзлари ҳал қиладилар. Қонунга кўра, собиқ эрлар онаси билан қолган фарзандлари таъминотини кўтаришлари, алимент тўлашлари лозим. Амалиётда ҳамиша ҳам шундай бўлавермайди, алимент олмаётган хотинлар судга мурожаат қилишга ийманадилар, қолаверса, суд чиқимларини тўлашга кўпинча имкониятлари етмайди.

Шунингдек, бола билан бирга ва алоҳида яшаётган онани (отани) таърифлаш учун ишлатилаётган атамаларда ҳам муайян фарқни кўриш мумкин. АҚШда буни васийлик қилаётган (custodial parent) ҳамда васийлик қилмаётган (noncustodial) ота (она) деб юритадилар (шу ўринда Ўзбекистонда ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этилмаган ота (она) боладан алоҳида яшаган тақдирда ҳам юридик жиҳатдан васийлик қилувчи эканини эслатиб ўтиш фойдадан холи бўлмаса керак). Европа мамлакатларидаги атама оила тўғрисидаги қонунларимиздаги атама билан бир хил бўлиб, "бола билан бирга яшаётган ота (она)" ("resident") ва "боладан алоҳида яшаётган ота (она)" ("nonresident") деган маънони англатади.

АҚШда эр-хотин ажрашиб кетганидан кейин ўртадаги болалар устидан биргаликда васийлик қилишнинг асосан икки шаклидан фойдаланиб

келинмоқда. Биргаликдаги юридик васийлик асносида болалар ё она, ёки ота билан бирга яшайди, уларнинг таълими ва тарбиясига тааллуқли қарорларни, Ўзбекистон Оила кодексига белгиланганидек, биргаликда қабул қиладилар. Алиментларни ундириш ва оталикни белгилаш бўйича махсус дастур ишлаб чиқилган. Чунончи, агар боласига алимент ололмаётган она (ота) ёрдам сўраб "Эҳтиёжманд оилаларга муваққат ёрдам" (Temporary Assistance for Needy Families - TANF) дастурига мурожаат этса, болага алиментни "Алимент тўлашга мажбурлов" (Child Support Enforcement - CSE) дастури доирасида иш олиб бораётган агентликлар ундириб берадилар. Барча штатлар ана шу дастур билан қамраб олинган. Онаси (отаси) билан яшаётган болалар алиментга тенг миқдорда нафақа ёки кафолатланган миқдордаги ижтимоий ёрдам олиш ҳуқуқига эга. Бунда қайси бирининг суммаси кўпроқ бўлса, шуниси тўланади¹.

Алимент тўламаётган шахсларни мамлакат штатлари бўйича махсус компьютерлаштирилган хизмат ёрдамида қидириб топиш, учрашувларнинг белгиланган тартибини бузиб, болани яшириб юрган - васийлик қилмаётган отанинг (онанинг) яшаш жойини аниқлаш ҳам дастур олдида қўйилган вазифалар сирасига киради. Дастурда бола никоҳсиз туғилган тақдирда онасига ёрдам кўрсатиш ҳам назарда тутилган. Ёлғиз она ўзидаги оталикни белгилаш ва отани қидириб топишда ёрдами тегиши мумкин бўлган бор ахборотни ана шу хизматга тақдим этмоғи керак. Даромаддан алимент ундириш, мол-мулкни хатлаш ва сотиш ҳам дастурда белгилаб қўйилган вазифалардан саналади. Судга қадар алимент суммасини тўлаб қутулишда, тарафлар ўз талабларини келишиб олишида кўмаклашадиган махсус хизматлар ҳам бор.

Ўзбекистонда бу ишларнинг бир қисми суд ижрочилари зиммасига юклатилган. Бу фақатгина суд қарорлари ҳамда нотариал тартибда тасдиқланган келишувлар ижросига тегишли эканини унутмаслик зарур. Суд ижрочилари қарздорнинг яшаш ва иш жойини, даромад манбаини аниқлаши,

¹ Хусаинова У. Алимент ундириш масаласи: оила тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомилли ва хорижий тажриба // Ҳуқуқ ва бурч. 2010 йил 11-сон, www.huquqburch.uz

қарздор ҳақида паспорт-виза хизматини хабардор этиши лозим. Паспорт-виза хизмати эса қарздорнинг қарзи ҳақида огоҳлантирилганидан кейин жиноят ишини кўзғатиш учун ҳудудий прокуратура ёки ички ишлар органига ҳужжат тайёрлайди.

Ота-она ўртасидаги никоҳ муносабатларининг узилиши болаларнинг моддий таъминотига таъсир этмаслиги керак. Халқимизнинг кўп асрлик анъаналари ва руҳиятига ҳам, халқаро ҳуқуқ ва инсонийлик мезонларига ҳам мос ана шу қоида алимент муносабатларини тартибга солиш соҳасидаги қонун ҳужжатларимизга киритилиши ва ижро этилиши лозим. Шу мақсадда, биринчидан, вояга етмаган боласи бор эр-хотинларни никоҳдан ажратишга тааллуқли барча ишлар туман судларига ўтказилиши; иккинчидан, никоҳдан ажралган эр-хотинга болалари билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиш учун махсус воситачилик хизматидан фойдаланиш имконияти берилиши керак.

Мазкур тақлифларнинг амалга ошиши қонунчиликни такомиллаштириш соҳасида олиб борилаётган бошқа ишлар билан биргаликда, шак-шубҳасиз, бундан буён ҳам "Ўзбекистонда... оилаларнинг бузилиши дунё бўйича энг паст даражада" сақланиб қолишини таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси хотин-қизларга нисбатан зўравонликнинг барча шакллари ва кўринишларига қарши курашни назарда тутадиган бир қатор халқаро шартномаларни ратификация қилган. Булар – Хотин-қизлар ҳуқуқлари камситилишининг барча шаклларигабарҳам бериш тўғрисидаги конвенция, Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция ва бошқа халқаро-ҳуқуқий актлардир.

Табиийки, оиладаги зўравонликнинг олдини олиш учун фақат халқаро миқёсдаги ҳуқуқий талабларнинг белгиланиши етарли эмас. Бу масаланинг ечими кўп жиҳатдан қонунчилик даражасида мустаҳкамланган самарали ҳуқуқни кўллаш фаолиятига боғлиқ.

Бунда, албатта, оиладаги зўравонлик нафақат миллий, балки универсал, умумий ҳолат эканлигини ҳам ҳисобга олиш лозим. Бундай зўравонлик

истисносиз барча давлатда, уларнинг жамият ва давлат тузилишидан қатъи назар, турли кўриниш ва шаклларда мавжуд.

Бундан ташқари, охириги муддатгача у мустақил ҳуқуқий институт сифатида эътироф этилмаган эди. Масалан, ўтган асрнинг 80-йилларига қадар дунёнинг 102 давлатидаги қонунчиликда оилавий зўравонлик учун жавобгарлик назарда тутилмаган, 52 мамлакатда эса эр-хотиннинг зўравонлиги жиноий жазога тортилмас эди. Ўтган асрнинг 90-йилларига келиб бу ҳолат ўзгара бошлади.

Бугунги кунда оиладаги зўравонликка қарши кураш бўйича АҚШда, Буюк Британия, Австралия, Янги Зеландия, Тринидад ва Табагода махсус қонунлар қабул қилинган. Яна шуниси аҳамиятлики, мусулмон давлатлари бўлган Малайзия ва Туркияда ҳам бундай қонунлар мавжуд.

XX асрнинг 90-йилларида кўплаб давлатлар оиладаги зўравонликка оид махсус қонунчилик актларини қабул қилдики, уларда оиладаги зўравонликнинг барча шаклларига қарши кураш сиёсатини шакллантиришга доир аниқ қоидалар акс эттирилган.

Бугунги кунда оиладаги зўравонликка қарши қаратилган қонунлар 47 та давлатда мавжуд. Баъзи давлатлар жабрланганларни дастлабки ҳимоя билан таъминлайдиган фуқаролик ҳуқуқи билан чегараланса, бошқа давлатлар эса бу ҳимояни янада кенгайтирган. Баъзи давлатлар эса фуқаролик ва жиноят ишларини узвийликда кўради. Кўпчилик давлатлар жиноий ҳаракатларнинг янги таркибини белгилаб, уй-оилада содир этиладиган зуғумлар талқинини ўзгартирди. Кўпчилик давлатларда, масалан, Финляндия, Бельгия, Буюк Британия, Словения, Германияда оиладаги зўравонлик жиноят деб ҳисобланади. Баъзи давлатлар «қонунлар интеграцияси» йўлидан бориб, унда қонун чиқарувчи ҳокимият ва давлат тузилмаларининг қонун билан белгиланган давлат томонидан молиялаш тизимида оиладаги зўравонликнинг олдини олиш бўйича ижтимоий хизматлар яратиш ва дастурлар ташкил қилишда масъул эканлиги таъкидланган.

Оиладаги зўравонлик тўғрисида 2005 йилда қонун қабул қилган Европанинг энг охирги давлати Испания бўлди.

Оиладаги зўравонликни олдини олиш бўйича тўпланган энг катта ижобий тажриба Канадададир.

Канада — оиладаги зўравонликни бартараф этиш бўйича сиёсатни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда етакчи давлат, деб тан олинган. У бундай жаҳолатга қарши йўналтирилган федерал ва ҳудудий қонунлари, маҳаллий миқёсдаги ижтимоий дастурлари билан машҳур.

Канадада хотин-қизларга нисбатан зўравонлик бўйича махсус федерал қонун мавжуд эмас. Шунга қарамай, 1994 йилдан бошлаб Жиноят кодексига аёллар ва болаларни зўравонликдан ҳимоя қилишга қаратилган чоралар тизимини назарда тутадиган қўшимчалар (тузатишлар) киритилган. С-127 қонун лойиҳаси Жиноят кодексининг бир қисмига айланиб, унда номусга тегиш жиноятини «Жинсий ҳуқуқбузарликлар, ижтимоий ахлоқ ва жамоат тартибига қарши ҳуқуқбузарликлар» қисмидан олиб, «Шахс ва унинг шаънига қарши ҳуқуқбузарликлар» қисмига ўтказиш назарда тутилган.

II БОБ. ОИЛАДАГИ ЗЎРАВОНЛИКНИНГ ЖИНОЙИЙ - ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТЛАРИ

2.1. Оиладаги зўравонликнинг жиноий-ҳуқуқий тавсифи

Оиладаги зўравонлик деганда, зўрлик ишлатиб шахснинг ҳаёти, соғлиғи, жинсий эркинлиги, мулки ҳамда шахсий ҳаёт дахлсизлиги қарши содир этиладиган жиноят тушунилади. Бу борада Қ.Пайзуллаев “зўрлик ишлатиш орқали содир этиладиган жиноятлар деганда, зўрлик мақсадга эришиш воситасигина эмас, балки жиноят мотиви ҳам, элементи ҳам бўладиган жиноий қилмишлар тушунилади”¹, деб таъкидлайди.

Оиладаги зўравонликнинг жиноий-ҳуқуқий тавсифи мазкур турдаги зўравонлик ёки оила-турмуш доирасида содир этиладиган ҳуқуқбузарликларнинг жиноят-ҳуқуқий жиҳатдан қандай квалификация қилинишига боғлиқ.

Маълумки, юридик жавобгарлик ичида жиноий жавобгарлик бошқа турдаги жавобгарликдан нисбатан оғирлиги ҳамда судланганлик мақоми билан фарқ қилади. Бу эса, шахснинг жиноий жавобгарликка тортилиши унга нисбатан таъсирчан давлат мажбурлов чораси қўлланилишини тақозо қилади. Шу жиҳатдан қаралганда оиладаги зўравонлик ҳам майда маиший низолардан тортиб оила-турмуш доирасидаги маъмурий ҳуқуқбузарлик, ҳатто жиноятга ҳам олиб келади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига 42 та ўринда “зўрлик” тушунчаси қўлланилган бўлса, шундан 2 та ҳолатда (98 ва 106-моддаларда) “ғайриқонуний зўрлик” атамасидан фойдаланилган. Мазкур 2 та ҳолат ҳам кучли рухий ҳаяжонланиш ҳолати билан боғлиқ.

Зўрлик тушунчаси билан боғлиқ яна бир муаммо унинг қасдан содир этиладиган ва эҳтиётсизлик орқасидан содир этиладиган қилмишларга алоқадорлиги юзасидандир. Бу борада ҳам олимлар ўртасида ягона ёндашув

¹ Пайзуллаев Қ.П. Зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятлар. – Тошкент, 2009. – Б. 13.

мавжуд эмас. Жумладан, А.В.Наумов, зўрлик тушунчасини кенг талқин қилиш тарафдори сифатида, зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятлар қаторига эҳтиётсизлик орқасидан одам ўлдиришни ҳам киритган ва бу ёндашувни тўла қўллаб-қувватлаган¹.

Бироқ, мазкур қараш Қ.Пайзуллаев томонидан танқид қилиниб, зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятлар эҳтиётсизликдан эмас, балки қасддан содир этилади², деган фикрни илгари суради. Шунингдек, бу фикр Л.Сердюк томонидан қўллаб-қувватланади, унинг фикрича, айбнинг эҳтиётсизлик шаклида содир этиладиган жиноятлар учун зўрлик хос эмас³. С.Ниёзова⁴ ҳам шундай ёндашувни маъқуллайди.

Бизнингча ҳам зўрлик тушунчаси фақат қасддан содир этиладиган қилмишларга нисбатан қўлланилади. Зотан, бирор шахсга зўрлик ишлатиб, унга зўрлик ишлатилаётганини билмаслик мумкин эмас. Шахс, албатта, қилмишининг ижтимоий хавфлилиқ хусусиятини англайди ва шундай қилмишни содир этишни истайди.

Юқорида қайд этилганидай, ЖКнинг 98-моддасига кўра, жабрланувчи томонидан қилинган ғайриқонуний зўрлик ёки оғир ҳақорат, шунингдек унинг бошқа ғайриқонуний ҳаракатлари туфайли тўсатдан юз берган кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида қасддан одам ўлдириш жиноят, деб баҳоланади.

А.Отажоновнинг қайд этишича, ғайриқонуний зўрлик – уриш, дўшпослаш, баданга шикаст етказиш, жисмоний куч ишлатиш, номусга тегиш ва кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатини келтириб чиқариши мумкин бўлган бошқа шу каби ҳаракатларда ифодаланиши мумкин⁵. Шунингдек, Б.Тугельбаева зўрликни қонуний ва жинойт турларга ажратишни таклиф қилган⁶.

Назаримизда, зўрлик тушунчасининг жиноят-ҳуқуқий моҳияти унинг ғайриқонуний қилмиш эканлигини кўрсатади. Шундай экан, зўрлик сўзидан олдин унинг ғайриқонуний эканлигига урғу беришнинг зарурати мавжуд эмас.

¹ Наумов А.В. Уголовно-правовое значение насилия. / В кн. Насильственная преступность/ Под ред. Кудрявцева В.Н. и Наумов А.В. – М.: Бек, 1997. – С. 58.

² Пайзуллаев Қ.П. Зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятлар. – Т., 2009. –Б.18.

³ Сердюк Л.В. Насилие: криминологическое и уголовно-правовое исследование. – М., Юрлитинформ, 2002. – С.14.

⁴ Ниёзова С.С. Шахсга қарши зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятларнинг виктимологик назарияси: Монография. – Т.: ТДЮИ, 2011. – Б. 12.

⁵ Жиноят ҳуқуқи. Махсус қисм: Дарслик. / Р.Кабулов, М.Рустамбаев, А.Отажонов ва бошқалар. / Масъул муҳаррир: Ш.Иқрамов. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2014. – Б. 50.

⁶ Тугельбаева Б.Г. Проблемы предупреждения преступного насилия в отношении женщин: Монография. – Бишкек, 2003. – С. 19.

Ўз навбатида, мазкур ҳолат қонунчилик техникаси қоидаларига зиддир. Мазкур масалада ЖКнинг 55-моддасида тўғри ечим берилган. Яъни, ушбу моддада “жабрланувчининг зўрлик, оғир ҳақорат ёки бошқача ғайриқонуний ҳаракатлари туфайли вужудга келган кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида жиноят содир этиш” жазони енгиллаштирувчи ҳолат эканлиги қайд этилган.

Оиладаги жиноятлар деганда оилада унинг бир аъзоси бошқа аъзоларга қарши содир этувчи жиноятлар тушунилади. Бунда эр-хотин ўртасидаги муносабатлар юридик жиҳатдан қонунийлаштирилган ёки қонунийлаштирилмаганлиги аҳамиятга эга эмас.

Оилада ҳар хил (ғаразгўйлик, жинсий ва бошқа) жиноятлар содир этилади. Бироқ уларнинг орасида бир оила аъзоси бошқа оила аъзосига нисбатан зўрлик ишлатиб содир этадиган жиноятлар, шу жумладан фарзандқушлик ҳамда болаларга қарши бошқа жиноятлар кўпчиликни ташкил этади.

Оиладаги жиноятлар замирида, одатда, оила аъзолари ўртасидаги ички жанжал ёки оила аъзолари ва у яшайдиган муҳит ўртасидаги жанжал ётади. Бугунги кунда оиладаги жиноятлар орасида хотинга (эрга) қарши зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятлар ва фарзандқушлик айниқса муфассал ўрганилган.

Маълумки, жиноят қонунчилигида “оиладаги зўравонлик” жинояти мавжуд эмас. Юқорида қай этилганидай оиладаги зўравонлик бу ижтимоий-ҳуқуқий тушунча ҳамда ижтимоий-ҳуқуқий муаммо.

Оилада зўравон шахс хатти-ҳаракатларини жиноят-ҳуқуқий жиҳатдан баҳолаганда асосан қуйидаги жиноятлардан бири билан қилмишни квалификация қилиш мумкин: қасддан баданга оғир (104-модда), ўртача оғир (105-модда) ёки енгил (109-модда) шикаст етказиш, кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида қасддан баданга оғир ёки ўртача оғир шикаст етказиш (106-модда), қийнаш (110-модда), ўлдириш ёки зўрлик ишлатиш билан кўрқитиш (112-модда), жинсий равишда ҳомила тушириш (аборт) (114-модда), аёлни ўз ҳомиласини сунъий равишда туширишга мажбурлаш

(115-модда) хавф остида қолдириш (117-модда), номусга тегиш (118-модда), жинсий эҳтиёжни зўрлик ишлатиб ғайритабiiй усулда қондириш (119-модда), аёлни жинсий алоқа қилишга мажбур этиш (121-модда), вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсларни, ота-онани моддий таъминлашдан бўйин товлаш (122-123-моддалар), никоҳ ёши тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш (125¹-модда), тиланчилик қилиш (127¹-модда), одам савдоси (135-модда), аёлни эрга тегишга мажбур қилиш ёки унинг эрга тегишига тўсқинлик қилиш (136-модда) ва бошқ.

Шу ўринда, статистик маълумотлар таҳлилига эътибор қаратсак. Ўзбекистон Республикаси Олий суди берган маълумотларга кўра 2021 йилда кўриб чиқилган оилавий зўравонлик билан боғлиқ жиноят ишлари жами 1568 тани ташкил этади. Ушбу жиноят ишлари доирасида жами 1692 нафар шахс жавобгарликка тортилган. Шунингдек, мазкур жиноятлардан 1617 нафар шахс жабрланувчи сифатида эътироф этилган бўлса, уларнинг 1184 нафарини ёки 73%ни аёллар, 433 нафарини ёки 26%ни эркеклар, 20 нафарини ёки 1%ни вояга етмаганлар ташкил этади¹.

Тадқиқот давомида ўтказилган сўровномада иштирок этган респондентларнинг деярли 80%и оиладаги зўравонликнинг жабрланувчиси аёл киши ёки аёл жинсидаги шахс деб ҳисоблашини кўрсатган. Бироқ, юқоридаги рақамлар оиладаги зўравонликдан фақат аёллар жабрланувчи бўлади деган қарашни йўққа чиқаради. Бошқача айтганда, 2021 йилда оиладаги зўравонликдан жабрланганларнинг ҳар 4 тадан биттаси эркек киши бўлганлигини кўрсатмоқда.

Тадқиқотчиларнинг қайд этишича, қасддан одам ўлдириш жинояти аксарият ҳолларда маиший жанжаллар натижасида келиб чиқмоқда ҳамда оила доирасида содир этилмоқда². Бу эса, оиладаги зўравонлик жиноятлари

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 2022 йил 30 майдаги №07/13-6500-177-сонли хати

² Абзалова Х.М. Одам ўлдиришга қарши курашишнинг жиноят-ҳуқуқий ва криминологик жиҳатлари. Юридик фанлар доктори (Doctor of Science) диссертацияси автореферати. –Т., 2020. – Б.19.

сифатида қасддан одам ўлдириш ёи кучли рухий ҳаяжонланиш ҳолатида қасддан одам ўлдириш жиноятларини ҳам инобатга олишимиз лозим.

Қайд этиш керакки, оиладаги зўравонликда ифодаланадиган қилмишлар субъектив томондан айбнинг тўғри қасд шаклида амалга оширилади. Шунингдек, унинг мотиви рашк, ўч олиш, жинсий устунликни намоён этиш каби мотивлар билан содир этилади.

Оиладаги зўравонлик билан боғлиқ жиноятлар ижтимоий хавфлилигининг асосий хусусиятларидан бири мазкур турдаги қилмишлар – тажовуз объектининг жамиятдаги энг асосий институтлардан бири, оиланинг барқарорлиги, соғломлиги, ундаги оила аъзоларининг соғлиғи, шаъни ва кадр-қимматини муҳофаза қилишга қаратилган ижтимоий муносабатлардан иборатлигини билан изоҳланади.

Юқорида келтирилганларга кўра, зўравонлик – хотин-қизларга нисбатан жисмоний, рухий, жинсий ёки иқтисодий таъсир ўтказиш ёки бундай таъсир ўтказиш чораларини қўллаш билан таҳдид қилиш орқали уларнинг ҳаёти, соғлиғи, жинсий дахлсизлиги, шаъни, кадр-қиммати ва қонун билан ҳимоя қилинадиган бошқа ҳуқуқлари ҳамда эркинликларига тажовуз қиладиган ғайриҳуқуқий ҳаракат (ҳаракатсизлик).

Умумий кўринишда оиладаги зўравонликни қуйидагиларга ажратиш мумкин: аёлларга нисбатан зўравонлик; болаларга нисбатан зўравонлик; қариндошларга нисбатан зўравонлик.

Оиладаги жинсий зўравонликнинг келтириб ўтилган таърифлари бир шахснинг иккинчиси устидан унинг соғлиғи ёки ҳаётига зарар етказиш мақсадини кўзда тутиб, унинг ихтиёрига қарши қасддан жисмоний куч ишлатишига келиб тақалади.

Юқорида келтирилганларга кўра оилада зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятлар дейилганда эса, зўрлик нафақат жиноят объектив томони усули сифатида балки, мотивнинг таркибий элементи сифатида намоён бўладиган жиноятлар тушунилади¹. Улар сирасига қасддан одам

¹ Пайзуллаев Қ.П. Зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятлар. Ўқув қўлланма. –Т.: ТДЮИ, 2009. Б.14.

ўлдириш, қасддан соғлиққа оғир, ўртача оғир шикаст етказиш, номусга тегиш, жинсий эҳтиёжни зўрлик ишлатиб ғайритабиий усулда қондириш каби жиноятлар киради.

Шуни ҳисобга олиш лозимки, зўрлик ишлатиш мотиви барча ҳолларда ҳам қасддан одам ўлдирган, бошқа фуқароларнинг соғлиғига зарар етказган шахсларни ҳаракатлантирувчи бирдан-бир мотив ҳисобланавермайди. Мазкур йўналишда ўрганилган хорижий давлатлар тажрибаси асосида айтиш мумкинки, сўнгги вақтда шахсий ўч олиш, суғурта мукофотини қўлга киритиш мақсадида қотил ёллаш йўли билан содир этиладиган одам ўлдиришлар сони кўпайиб бормоқда.

Шуни ҳисобга олганда, тадқиқот предметини оилада зўрлик ишлатиш биринчи ўринда турадиган шахсга қарши жиноятлар ташкил этади. Бу, энг аввало, ЖКнинг Махсус қисмининг “Ҳаётга қарши жиноятлар” деб номланган I бобидан ўрин олган жиноят таркибларидир. Бунда биз қуйидаги омилларни ҳисобга олдик. Ижтимоий хавфлилик даражаси айниқса баланд бўлган жиноятлар қасддан одам ўлдириш (ЖКнинг 105-моддаси) ва қасддан одам ўлдиришга суиқасд қилиш ҳамда қасддан баданга оғир шикаст етказиш (ЖКнинг 104-моддаси)дир. Мазкур жиноятлар аксарият ҳолларда муайян умумий қонуниятлар билан тавсифланади ва ЖКнинг 15-моддасига мувофиқ оғир ва ўта оғир жиноятлар тоифасига киритилган.

Жиноятларнинг мазкур гуруҳига бизнингча номусга тегишни ҳам киритиш ўринли бўлади. ЖКнинг Махсус қисми “Шахсга қарши жиноятлар” деб номланган биринчи бўлимида “Жинсий эркинликка қарши жиноятлар” деб номланган IV боб алоҳида ажратилган бўлиб, унга номусга тегиш жинояти (ЖКнинг 118-моддаси) ҳам киритилган.

Худди шундай оилада шахсга қарши зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятлар – кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида қасддан одам ўлдириш (98-модда), онанинг ўз чақалоғини қасддан ўлдириши (99-модда), зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиб, қасддан одам ўлдириш (100-модда), ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлашнинг зарур чоралари

чегарасидан четга чиқиб, қасддан одам ўлдириш (101-модда), ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш (103-модда), қасддан баданга ўртача оғир шикаст етказиш (105-модда), кучли рухий ҳаяжонланиш ҳолатида қасддан баданга оғир ёки ўртача оғир шикаст етказиш (106-модда), зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиб, қасддан баданга оғир шикаст етказиш (107-модда), ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлашнинг зарур чоралари чегарасидан четга чиқиб, баданга қасддан оғир шикаст етказиш (108-модда), қасддан баданга енгил шикаст етказиш (109-модда), қийнаш (110-модда), ўлдириш ёки зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш (112-модда), жинсий эҳтиёжни зўрлик ишлатиб ғайритабiiий усулда қондириш (119-модда), аёлни жинсий алоқа қилишга мажбур этиш (121-модда), одам ўғрилаш (137-модда), зўрлик ишлатиб ғайриқонуний равишда озодликдан маҳрум қилиш (138-модда) тадқиқ этилиши мумкин, аммо мазкур ишда улар ё биз танлаган тадқиқот объектини тўлдиради, ё унинг чегарасидан ташқарида қолади. Айни ҳол шу билан изоҳланадики, биринчидан, номлари зикр этилган жиноятларнинг аксарияти шахсга қарши зўрлик ишлатиб содир этиладиган барча жиноятлар орасида жуда кичик улушни ташкил этади (масалан, 103, 110-моддалар), иккинчидан, уларнинг аксарияти ижтимоий хавфлилик даражаси унча баланд эмаслиги билан ажралиб туради, учинчидан, уларнинг бир қисми шу даражада бетакрор хусусиятга эгаки, уларни криминологик жиҳатдан алоҳида тадқиқ этиш талаб этилади (масалан, одам ўғрилаш ва зўрлик ишлатиб ғайриқонуний равишда озодликдан маҳрум қилиш). Бундан ташқари, кўрсатилган жиноят турларининг айримлари ўта латентлик билан тавсифланади, статистик жиҳатдан яхши таъминланмаган ва махсус профилактика чоралари тизимини ишлаб чиқиш ва қўллашни доим ҳам талаб этавермайди.

Айни вақтда, шуни назарда тутиш лозимки, расмий статистика “одам ўлдиришлар” бўлимида бир нечта жиноят таркибларини бирлаштиради: 97-модда (қасддан одам ўлдириш ва унга суиқасд қилиш), 98-модда (кучли рухий ҳаяжонланиш ҳолатида қасддан одам ўлдириш) ва онанинг ўз чақалоғини қасддан ўлдириши (99-модда).

Оиладаги зўравонликнинг жиноий-ҳуқуқий тавсифини баён қилишда содир этилган қилмишга нисбатан жиноий жазонинг муқаррарлигини таъминлаш, шунинг билан бирга тайинланадиган жиноий жазонинг келгусида оиланинг барқарорлигига путур етказмаслигини ҳам инобатга олишдай нозик жиҳатга тўхталиб ўтиш жоиз.

Маълумки, жиноят қонунчилигида айрим турдаги жиноятлар учун ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилиш институти қўлланилади. Юқорида биз келтирган оиладаги зўравонлик билан боғлиқ жиноятларнинг аксарияти ЖК 66¹-моддаси таъсирига тушади ҳамда оилада зўравонлик содир этган шахс, агар у ўз айбига иқрор бўлса, жабрланувчи билан ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса, жиноий жавобгарликдан озод этилиши мумкин¹.

Бу бўйича суд амалиётига тўхталиб ўтсак. 2018 йил сентябрь ойида Қашқадарё вилояти, Чироқчи туман жиноят ишлари бўйича суди томонидан судланувчи А.га нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 106-моддаси билан айблаш тўғрисидаги иш кўрилган. Иш ҳолатларига кўра судланувчи А. 2018 йил 20 август куни соат 21-00 да оилавий жанжаллар натижасида ўғли Б.томонидан қилинган оғир ҳақорат, шаъни ва кадр қимматини таҳқирлаши натижасида тўсатдан юз берган кучли рухий ҳаяжонланиш натижасида Б.нинг кўкрак қафаси чап томонига пичоқ билан бир мартаба зарба бериб, унга оғир тан жароҳати етказган. Ишда тарафлар бир ҳовлида яшашини, судланувчи жабрланувчидан кечим сўраганини, айбига иқрорлиги ва қилмишига пушаймон эканлиги, жабрланувчи кечирганлигини ва ҳеч қандай даъвоси йўқлиги учун ярашиш бўйича аризани қаноатлантирилган ва иш ЖК 66¹-моддасига асосан тугатилган².

Сўнгги пайтда мамлакатимизда жадал суръатлар билан конституциявий ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Инсон қадрини оширишга

¹ Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 24.06.2022 й., 03/22/780/0560-сон <https://www.lex.uz/acts/111453>

² Ўзбекистон Республикаси Олий судининг архив материаллари.

қаратилган барча саъй-ҳаракатлар замирида инсонни улуғлаш, унинг ҳуқуқ ва эркинларига риоя этилишини таъминлаш ётади. Шу жиҳатдан, мазкур тадиқот натижалари асосида Бош қомусимизга тегишли ўзгартириш киритиш юзасидан ҳам муайян изланиш олиб борилди.

Қайд этилганидай, оила доирасида содир этиладиган зўравонлик ҳолатлари аксарият ҳолларда қасддан одам ўлдириш билан яқунланади.

Тадиқотчиларнинг қайд этишича, қасддан одам ўлдириш жинояти аксарият ҳолларда маиший жанжаллар натижасида келиб чиқмоқда ҳамда оила доирасида содир этилмоқда¹. Жумладан, Суд иш ҳолатларига кўра Ю. 2016 йил 5 март куни ўз уйига маст ҳолатда келиб, уни ва оила аъзоларини ҳақорат қилиб, ўзи билан олиб келган ошхона пичоғида ўзига ва қизи С.ни чап оёғи сон қисмида пичоқ билан тан жароҳати етказган акаси Д.ни оёғи ва бошига ёғоч таёқ билан уриб ўлдирганлиги исботланган. Ишдаги яна бир ҳолат шундаки Ю.да кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолати акаси Д.томонидан ўзига ва қизига тан жароҳати етказганидан сўнг, онасини қўли билан бўғаётган вақтда юзага келган. Иш юзасидан вилоят руҳий асаб касалликлар диспансерининг хулосаси олинган, унда акаси Д.нинг ғайриқонуний ҳаракатлари натижасида тўсатдан юз берган кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида ёғоч таёқда Д.ни қасддан бир неча мартаба уриб ўлдирганлиги кўрсатиб ўтилган².

Жиноят қонунчилигида қасддан одам ўлдириш энг оғир жиноят эканлигини назарда тутсак оиладаги зўравонликларнинг олдини олиш масаласи нақадар долзарб эканлиги намоён бўлади.

Жиноят ҳуқуқи назариясида жиноят содир этиш босқичлари фарқланади. Улар ичида *суиқасд қилиш* жиноий тажовузнинг бошланганлигини, бироқ жиноят содир этаётган шахснинг иродасига боғлиқ ёки боғлиқ бўлмаган ҳолда охирига етказилмаслигини англатади.

¹ Абзалова Х.М. Одам ўлдиришга қарши курашишнинг жиноят-ҳуқуқий ва криминологик жиҳатлари. Юридик фанлар доктори (Doctor of Science) диссертацияси автореферати. –Т., 2020. – Б.19.

² Суд амалиёт материаллари Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 2018 йил 26 ноябрдаги 07/18-280-сон хати асосида берилган суд ҳукмлари асосида таҳлил қилинган.

Юқорида қайд этилганларга кўра Бош қомусимизда нафақат жиноий тажовузнинг бошланиши, балки тажовузнинг ўзиёқ энг оғир жиноят сифатида белгиланиши инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, хусусан инсоннинг яшаш ҳуқуқини конституциявий мақомда муҳофаза қилишга хизмат қилади.

Шу жиҳатга кўра Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 24-моддасидаги “Инсон ҳаётига **суиқасд қилиш** энг оғир жиноятдир” жумласини қуйидагича ўзгартириш мақсадга мувофиқ:

“24-модда. Яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқидир. Инсон ҳаётига **тажовуз** қилиш энг оғир жиноятдир”.

2.2. Оиладаги зўравонликка қарши курашиш юзасидан жиноят кодекси нормаларини такомиллаштириш масалалари: хориж тажрибаси мисолида

Кўпгина хорижий давлатлар Жиноят қонунчилигида оилада зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятлар учун жавобгарлик белгиланган. Жумладан, Польша Республикаси ЖКнинг 153, 156-моддаларида¹, Швейцария Жиноят кодексининг “Алоҳида таърифлар” номли 2-китобининг, “Ҳаёт ва соғлиққа қарши жиноий қилмишлар”, деб номланган биринчи бўлимида², Швейцария ЖКнинг “Зўрликни тасвирлаш” номли 135-моддасини жиноий зўрликни олдини олувчи моддасида, АҚШ жиноят қонунчилигида соғлиққа қарши жиноятлар тизимида³, Испания Жиноят кодексининг “Жиноят ва жазо” номли 2-китобининг 153-моддасида⁴, Германия Федератив Республикаси Жиноят кодексининг “Тана дахлсизлигига қарши жазоланадиган қилмишлар”

¹ Уголовный кодекс Республики Польша. СПб. Юридический центр «Пресс», 2001. – С.127-128.

² Уголовный кодекс Швейцарии / пер.с нем. –М.: Зерцало, 2000. – С. 50-51.

³ Уголовное право США: успехи и проблемы реформирования. – СПб.: Юридический центр Пресс, 2007. – С.353-360.

⁴ Уголовный кодекс Испании / под ред. с предисловием д.ю.н., проф. Н.Ф. Кузнецовой, д.ю.н. проф. Ф.М. Решетникова. – М.: Зерцало, 1998. – С. 53-55.

номли 17-бўлимида¹ оилада шахсга қарши қаратилган жиноятлар учун жавобгарлик назарда тутилган.

Олдинги параграфларда қайд этилганидай биргина 2020 йилда республика миқёсида 62 081 та жиноятлар қайд этилган бўлиб, 100 минг аҳолига нисбатан ўртача 182,4 тадан тўғри келган. 2020 йилда қайд этилган қотиллик жиноятларнинг ҳар учинчиси (143 таси, 35,2%), оғир тан жароҳати етказиш жиноятларининг 192 таси (20,5%) оила-турмуш муносабатлари доирасида содир этилган.

Хорижий давлатларда ҳам қасддан одам ўлдириш билан боғлиқ жиноятлар аксарият ҳолларда оиладаги зўравонликлар оқибати ўлароқ намоён бўлади. Жумладан, Латвия Республикаси ЖК 116-моддасида ҳам одам ўлдириш «бошқа шахсга қасддан ноқонуний равишда ўлдириш», деб таърифланади. Украина ЖК 115-моддаси биринчи қисмида одам ўлдириш «бошқа одамнинг қасддан ўлимига сабаб бўлиш», деб белгиланган. Баъзи мамлакатлар ЖКда (масалан, Италия ЖК 584-моддаси) одам дўппосланганда ёки унга тан жароҳати етказилиши натижасида жабрланувчининг ўлимига сабаб бўлиш одам ўлдириш ҳисобланмайди, чунки мазкур ҳолатда ўлимнинг рўй бериши «айбдорнинг мақсади эмас эди», деб баҳо берилади. Ушбу тушунча Франция қонун чиқарувчи органи томонидан Франция Жиноят кодексининг 221-1-моддасида белгиланган. Бир қатор хорижий давлатлар (Англия, Испания, Канада, АҚШ, Германия Федератив Республикаси ва бошқалар)нинг жиноят қонунларига кўра одам ўлдириш деганда қасддан ёки эҳтиётсизлик орқасида бошқа одамни ҳаётдан маҳрум қилиш тушунилади. Голландия ЖКда (287-модда) қасддан бировнинг ҳаётидан маҳрум қилиш одам ўлдириш, деб тан олинган. Инсонни ҳаётдан қасддан маҳрум қилиш Япония ЖКга мувофиқ одам ўлдириш ҳисобланади (199-модда).

¹ Уголовный кодекс Федеративной Республики Германии / науч. ред. и вступ. Статья д.ю.н., проф. Д.А. Шестакова; предисловие доктора права Г.Г.Йешека; пер. с немецкого Н.С.Рачковой. – СПб.: Юридический центр Пресс, 2003.– С. 379-383.

Хорижий давлатлар жиноят қонунчилигини таҳлил қилган ҳолда миллий жиноят қонунчилигида қасддан одам ўлдирганлик учун жавобгарлик назарду тутилган нормаларни такомиллаштириш зарурати мавжуд, деган хулосага келдик. Мазкур зарурат оиладаги зўравонлик учун жавобгарлик муқаррарлигини таъминлаш ҳамда бу турдаги жиноятларнинг олдини олишда умумий превенция вазифасини бажариши билан боғлиқ.

Шу нуқтаи назардан ЖК 97-модданинг иккинчи қисмини қуйидаги мазмундаги “а¹” банд билан тўлдириш таклиф этилади:

“а¹) яқин қариндошга нисбатан;”.

Шунингдек, оиладаги зўравонлик кўпинча кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида содир этилиши ҳамда мазкур турдаги қилмишлар содир этганда шахсни жавобгарликка тортганда айбдор бу каби қилмишларни жабрланувчининг муттасил ғайриқонуний ёки ахлоққа зид хулқ-атвори таъсири остида вужудга келган аффект ҳолатида содир этишини инобатга олиб ЖК 98-модданинг диспозициясини қуйидаги таҳрирда ўзгартириш ҳамда уни икки ёки ундан ортиқ аффект ҳолатида қасддан ўлдирганлик учун қилмишни дифференциация қилиш мақсадида қуйидаги мазмундаги иккинчи қисм билан тўлдириш таклиф этилади:

“98-модда. Кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида қасддан одам ўлдириш

Жабрланувчи томонидан қилинган ғайриқонуний зўрлик ёки оғир ҳақорат, шунингдек **жабрланувчининг муттасил ғайриқонуний ёки ахлоққа зид хулқ-атвори таъсири остида вужудга келган узоқ вақт давомидаги руҳий зиддият ҳолати туфайли** тўсатдан юз берган кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида қасддан одам ўлдириш, –

беш йилдан етти йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида икки ёки ундан ортиқ шахсни қасддан ўлдириш, –

етти йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади”.

МДХ ва ривожланган хорижий давлатларда оилада қийнаш ҳолатлари ҳам кўплаб учраб, бундай ҳолатлар учун жиноят қонунчилигини ўрганиш

шунингдек, қийнаш жинояти учун жавобгарлик назарда тутилган масалалар учта шаклда ифодаланган.

Жумладан, биринчи шаклда қийнаш жинояти шахсга қарши қаратилган жиноятларга кириб, бунда қийнаш жинояти учун жавобгарлик масаласи ҳал этилаётганда жабрланувчининг фаоллигига унча эътибор қаратилмаган.

Иккинчи шаклида, қийнаш жинояти учун жавобгарлик масаласи фақат жабрланувчи ҳаракатлари билан боғлиқ бўлиб, шахсга қарши қаратилган жиноятлардан алоҳида таркибли жиноят сифатида ажратилган.

Учинчи шаклида эса, қийнаш жинояти учун жазо тайинлашнинг характерли жиҳати шундаки, унда жабрланувчи билан айбланувчи ўртасидаги муносабат муҳим аҳамиятга эга бўлиб, шахсга қарши қаратилган жиноятларни квалификация қилишда муҳим белги ҳисобланган.

Қийнаш жиноятининг шахсга қарши қаратилган жиноятлардан алоҳида таркибли жиноят сифатида ажратилган давлатлар қаторига Франция, Дания, Туркия давлатлар жиноят қонунчилигини кўришимиз мумкин.

Шунингдек, аксарият МДҲ давлатлари жиноят қонунларида қийнаш ва дўппослаш учун жиноий жавобгарлик алоҳида моддаларда баён қилинганини кўриш мумкин. Масалан, Озарбайжон ЖК 132 ва 133-моддаларида, Арманистон ЖК 118 ва 119-моддаларида, Қирғизистон ЖК 110 ва 111-моддаларида, РФ ЖК 116 ва 117-моддаларида, Тожикистон ЖК 116 ва 117-моддаларида, Туркменистон ЖК 112 ва 113-моддаларида, Украина ЖК 126 ва 127-моддаларида дўппослаш ва қийнаш ҳаракатлари учун жиноий жавобгарлик ажратиб берилган. Фақат Ўзбекистон (110-моддаси), Молдова (ЖК 154-моддаси) ва Беларусь (ЖК 154-моддаси) Республикаларида бу икки хил қилмишлар бир моддада бирлаштириб баён қилинган. Бу икки хилдаги қилмишлар учун жавобгарликни ажратиб баён қилишда юқорида қайд этилган давлатлар қилмишларнинг ижтимоий хавфлилиги бир хилда эмас, дўппослашга нисбатан қийнашнинг ижтимоий хавфлилиги юқори, деган хулосага келганликларини кўриш мумкин. Ўша давлатларнинг жиноят

қонунлари санкцияларида дўппослашга нисбатан қийнашнинг жазолари бир мунча оғирлаштириб берилганлиги маълум бўлди.

МДХ давлатлари жиноят қонунларида қийнаш ва дўппослаш алоҳида-алоҳида ажратиб қонунларда баён қилинган бўлса-да, лекин қонун талаблари деярли бир хил талабларда баён қилинган. Бу жиноятлар учун асосий талаб қийнаш ёки дўппослаш билан содир этилганидан қатъий назар баданга шикаст етказиш аломатларисиз содир этилганлиги бўлиши лозимлигидир. Лекин баданга шикаст етказишнинг даражаси масаласида бир хилда ёндашилмаган. Жумладан, Озарбайжон ЖКнинг 132-моддасида дўппослаш учун жавобгарликда фақат енгил тан жароҳати етмаган бўлиши кераклиги назарда тутилиб, 133-моддасида қийнаш бўлиши учун баданга оғир ёки ўртача оғир шикаст етмаган бўлиши кераклиги таъкидланади.

Шу нуқтаи назардан амалдаги ЖК 110-моддасининг диспозициясида кўрсатилган қилмишларни ижтимоий хавфлиликка кўра дифференциация қилиш зарурати мавжуд, деб ҳисоблаймиз. Шунга кўра ЖК 110-моддасининг иккинчи қисмини қуйидаги мазмундаги “г” ва “д” бандлар билан тўлдирилиши мақсадга мувофиқ:

“г) икки ёки ундан ортиқ шахсга нисбатан;

д) ёлланган шахс томонидан содир этилган бўлса...”.

Мазкур таклиф айрим МДХ ва хорижий давлатлар жиноят қонунчилигида масалан, Молдова Республикаси ЖК 154-моддаси 2-қисми “д” банди, Грузия давлати ЖК 126-моддаси 2-қисми “а”, “в”, “ж”, “е”-бандларида, Қозоғистон Республикаси ЖК 107-моддаси 2-қисми “б”, “д”, “е”-бандларида, Қирғизистон Республикаси ЖК 111-моддаси 2-қисми “1”, “2”, “6”, “7”, “8”, “9”-бандларида, Россия Федерациясининг ЖК 117-моддаси 2-қисми “а”, “б”, “з”-бандларида қийнаш жиноятининг квалификация қилишда оғирлаштирувчи белги сифатида кўзда тутилганлигини кўриш мумкин.

Айрим хорижий давлатларда оилада вояга етмаганлар жинсий дахлсизлигига ҳам зўравонлик ишлатиш ҳолатлари ҳам учраб, бу ҳолатлар

учун жавобгарлик масаласига тўхталиб ўтадиган бўлсак, вояга етмаган шахсларнинг жинсий дахлсизлиги ва эркинлигига тажовуз қилиш зўрлик ишлатиш айрим давлатлар жиноят қонунларида ҳам бевосита кўрсатиб қўйилган. Масалан: Беларусь Жиноят кодексининг 166-моддасида кўрсатилишича, номусга тегиш, яъни жабрланувчининг иродасига қарши унга ёки унинг яқин қариндошларига зўрлик ёхуд таҳдид ишлатиш ёки жабрланувчининг ожизлик ҳолатидан фойдаланилган ҳолда жинсий алоқа қилиш ҳисобланади¹. Қонунда бевосита кўрсатилган бундай ҳолатларда бошқа шахсларга нисбатан ишлатилган зўрлик номусга тегиш жиноятининг таркибий элементиدير. Баъзи бир давлатларда эса, масалан, Польша Жиноят кодексига кўра, шахсни алдаб у билан жинсий алоқага киришиш жабрланувчининг ёшидан қатъи назар номусга тегиш деб топилади².

Польша давлатининг Жиноят кодексига эса ожиз аҳволдаги, ўзининг ақлий даражасининг пастлиги ёки руҳий касаллиги туфайли унга нисбатан содир этилаётган қилмишнинг моҳиятини англай олмайдиган шахсларга нисбатан шахвоний тусдаги ҳаракатлар қилганлик учун мустақил жиноий жавобгарлик белгиланган(198-модда)³.

Вояга етмаганлар ва кичик ёшдагилар номусига тегиш жиноятида ҳам аёл ҳам эркак жинсидаги шахслар жабрланиши мумкин⁴. Лекин аксарият ҳолатларда жабрланувчи аёл жинсидаги вояга етмаган шахслар бўлади. Голландия⁵, Швеция⁶, Дания⁷ давлатлари Жиноят кодекси бўйича жиноят жабрланувчиси ҳам аёл, ҳам эркак жинсидаги шахслар ҳисобланса, Хитой

¹ Уголовный Кодекс Беларусь. Законодательство зарубежных стран. – Санкт-Петербург: Юридический центр Пресс, 2001. – С. 230.

² Уголовный кодекс Польши. Законодательство зарубежных стран. – Санкт-Петербург: Юридический центр Пресс, 2001. – С. 149.

³ Уголовный кодекс Польши. Законодательство зарубежных стран. – Санкт-Петербург: Юридический центр Пресс, 2001. – С. 150.

⁴ Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексига шарҳлар. – Т.: Адолат, 1997. – Б. 154.

⁵ Уголовный Кодекс Голландии. Законодательство зарубежных стран. - Санкт-Петербург: Юридический центр Пресс, 2001. – С. 355.

⁶ Уголовный Кодекс Швеции. Законодательство зарубежных стран. – Санкт-Петербург: Юридический центр Пресс, 2001. – С. 54-55.

⁷ Уголовный Кодекс Дании. Законодательство зарубежных стран. – Санкт-Петербург: Юридический центр Пресс, 2001. – С. 174.

Халқ Республикаси¹, Беларусь², Эстония³, Латвия⁴ ва АҚШ⁵ каби давлатларнинг жиноят қонунида эса бундай жиноят жабрланувчиси фақат аёл жинсидаги шахс бўлиши белгиланган. Эркак жинсидаги шахснинг эркига хилоф тарзда зўрлик ишлатиб, кўрқитиб ёки ожизлигидан фойдаланиб жинсий алоқа қилиш жинояти суд амалиётида деярли учрамаса ҳам қонун бундай ҳолатни инкор қилмайди.

Кузатишларга қараганда, жами номусга тегиш жиноятларининг ярмидан кўпида вояга етмаганлар жабрланувчи бўлган. Мутахасис ҳуқуқшуносларнинг тахминича, ҳар бир ҳисобга олинган номусга тегиш жиноятига 2,6 дан 4 тагача ҳисобга олинмаган шундай қилмиш тўғри келади⁶.

Хорижий олимлар Т.Н.Гиббанс, Сей Джейс Принч “Болалар жинсий жиноятлар қурбони” (Лондон, 1963 й.) китобида ёзишларича, номусига тажовуз бўлиб жабрланганлар, жиноятда иштирок этганлар фақат номусга тегишдан олдинги хатти-ҳаракатлари билан фарқлана-диган хусусиятларгагина эга бўлиб қолмасдан, балки ҳар бири ўзига хос хусусиятга ҳам эгадир. Номусига тажовуз қилинган жабрланувчиларнинг кўплари ўта ўзгарувчан, таъсирга берилувчан, тасодифий алоқа қилишга мойил қизлардан иборат⁷.

Уятсиз бузуқ ҳаракатлар қилиш (169-модда) қўшмахона сақлаш ва қўмачилик қилиш (171-м), 16 ёшга тўлмаган шахс билан жинсий алоқа қилганлик ва бошқа жинсий характердаги ҳаракатларни қилганлик учун жавобгарлик қам ушбу бобда белгиланган.

¹ Уголовный Кодекс Китайской Народной Республики. Законодательство зарубежных стран. – Санкт-Петербург: Юридический центр Пресс. 2001. – С. 161; Юридическая жизнь в Китае. Отв. ред. Л.М.Гудошников, пер. с. кит. Н.Х.Ахметшин, И.В.Васильев, К.А.Егоров. – М.: Юридическая литература, 1990. – С. 164-165.

² Уголовный Кодекс Беларуси. Законодательство зарубежных стран. – Санкт-Петербург: Юридический центр Пресс, 2001. – С. 230.

³ Уголовный Кодекс Эстонии. Законодательство зарубежных стран. – Санкт-Петербург: Юридический центр Пресс, 2001. – С.113-114.

⁴ Уголовный Кодекс Латвии. Законодательство зарубежных стран. - Санкт-Петербург: Юридический центр Пресс, 2001. – С. 172-173.

⁵ Примерный Уголовный Кодекс США. – М., 1969. – С. 136-137.

⁶ Каракетов Й.М. Агар жиноятчи сизга тажовуз қилса.... – Т.: ТДЮИ, 1999. – Б. 27.

⁷ Каракетов Й.М. “Агар жиноятчи сизга тажовуз қилса...” Тошкент. 1999, 33- бет.

Юқорида келтирилган мисоллардан кўришимиз мумкинки, МДХ таркибига кирувчи давлатларнинг Жиноят кодексларида жинсий эркинликка қарши жиноятлар бир-бирига яқин бўлиб, фарқловчи жиҳатлари кам.

Европа давлатлари жиноят қонунчилиги ўзига хос бўлиб, уларга қуйида тўхталиб ўтамиз.

Испания Жиноят қодекси ўзига хос бўлиб, унга кўра, жинсий эркинликка қарши жиноятлар: жинсий тажовуз, жинсий суистеъмол қилиш, жинсий характердаги тақиб, фохишабоз машғулоти билан боғлиқ бўлган жиноятларга бўлинади. Яъни бизда оилага, ёшларга, ахлоққа қарши жиноятлар таркибига киритилган айрим жиноятлар уларда жинсий эркинликка қарши қаратилган жиноятлар туркимига киритилган.

Жинсий тажовуз билан боғлиқ жиноятлар Испания Жиноят кодекси жинсий эркинликка қарши жиноятлар бўлимининг биринчи бобда жойлаштирилган бўлиб, бу жиноятларнинг қуйидаги икки тури мавжуд:

1. Бошқа шахснинг жинсий эркинлигига зўрлик ишлатиб ёки қўрқитиб тажовуз қилиш (ЖК 178-модда), яъни номусга тегиш жинояти;

2. Жинсий тажовузни, жисмоний жинсий алоқа йўли билан предметни оғзига ёки анал тешигига киритиш орқали содир этиш (179-модда), яъни жинсий эҳтиёжни ғайритабиий усулда қондириш;

Юқорида ишлатилган ҳаракатлар қуйидаги ҳолатларда оғирлаштирувчи ҳолат сифатида Испания Жиноят кодексининг 180-модда билан жавобгарликка тортилади:

а) зўрлик ёки қўрқитиш камситилувчини ҳақорат қилувчи характерга эга бўлса;

б) жиноятни гуруҳда ҳаракат қилувчи уч ёхуд ундан ортиқ шахс томонидан содир этиш;

в) ёши, касаллиги ёки бошқа ҳолатига кўра ожиз аҳволда бўлса;

г) қариндошлик алоқаси бўлган шахс томонидан содир этиш.

д) жабрланувчининг ўлимига ёхуд тан жароҳати етишига сабаб бўладиган воситалардан фойдаланиб содир этса, ўлим ёки тан жароҳати етиши билан боғлиқ ҳолда тайинланиши мумкин бўлган жазодан қатъий назар.

Испания Жиноят кодексига кўра, ожиз аҳволдаги шахсни зўрлаб номусига тегиш жиноятни оғирлаштурувчи ҳолат сифатида берилган. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 56-моддаси “б” бандида ҳам ожиз аҳволдаги шахсга нисбатан жиноят содир этилиши оғирлаштурувчи ҳолат сифатида берилган. Ҳақиқатдан ҳам ожиз аҳволдаги шахснинг номусига тегиш бир мунча ижтимоий хавфи юқорирокдир. Шу сабабли бу ҳолатни Жиноят кодексининг 118-моддаси 2-қисми билан квалификация қилинса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Жинсий суиистеъмол қилиш билан боғлиқ жиноятларга қуйидагилар киради (Испания ЖК 181-183 моддалар):

1) зўрлик ишлатмасдан ёки кўрқитмасдан, розилигини олмасдан бошқа шахснинг жинсий эркинлигига тажовуз қилувчи ҳаракатни содир қилиш, Испания жиноят кодексининг 181-моддаси билан жинсий суиистеъмол қилганлик учун жиноий жавобгарликка тортилади. Ушбу модданинг 2-қисмида 16 ёшга тўлмаган, ақли норасо, руҳий ўзгариш юз берган шахсларга нисбатан унинг розилигисиз содир этилган қилмишлар ҳар қандай ҳолда жинсий суиистеъмол қилиш деб топилади.

2) юқорида айтиб ўтилган ҳаракатлар ғайритабиий усулда жинсий алоқа қилиш йўли билан содир этилган ҳолларда 182-модда билан жиноий жавобгарликка тортилади.

Иккинчи қисмида оғирлаштурувчи ҳолат сифатида:

1) қариндошлигидан фойдаланиб;

2) жабрланувчи ёши, касаллиги ёхуд бошқа ҳолатга кўра ожиз бўлган ҳолларда жинсий суиистеъмол қилганлик учун жавобгарлик белгиланган.

Жинсий суиистеъмол қилганлик жиноятларига, 12 ёшга бўлган мумкин 16 ёшга тўлмаган шахсларни алдаб содир этган жинсий жиноятлар ҳам

киритилади. (183-модда). Шу модданинг 2-қисми ғайритабиий усулда жинсий алоқа қилганлик учун жавобгарлик белгиланган.

Жинсий характеридаги тақиб билан боғлиқ жиноятларга қуйидагилар киради:

1) Испания Жиноят кодексининг 184-моддасига кўра, ўзининг мансаб ёхуд шунга ўхшаш ваколатидан фойдаланиб жабрланувчининг қонуний манфаатларига очикдан-очик ёхуд шуни назарда тутган ҳолда жинсий характеридаги зарар етказиш билан қўрқитиб мажбурлашни ўз фойдасига ёхуд бошқалар фойдасига амалга оширса жинсий тақиб деб топилади;

2) 185-моддада 16 ёшга тўлмаган, руҳий касал кишилар олдида бошқа шахсни эксплуатацион ҳаракатлар қилишга мажбурлаганлик ёхуд ўзи содир этганлиги учун жавобгарликка тортилади.

3) 186-модда 16 ёшга тўлмаган, руҳий касал кишиларга порнографик нарсаларни тарқатганлиги, сотганлиги ёки намойиш қилганлиги учун жавобгарлик белгиланган.

Болгария Жиноят кодексига ушбу жиноят жабрланувчилари 14 ёшга тўлмаган шахслар эканлиги белгилаб қўйилган (151-модда)¹. Эстония давлатининг Жиноят Кодексига кўра, бундай турдаги жиноятларнинг жабрланувчиси фақатгина 14 ёшга тўлмаган аёл жинсидаги шахслар ҳисобланади (116-модда)². Дания³, Швеция⁴ ва Польша⁵ давлатларининг Жиноят кодексига мазкур турдаги жиноятларда 15 ёшга тўлмаган шахсларгина жабрланувчи бўлиши белгиланган. Беларусь⁶, Латвия⁷,

¹ Уголовный Кодекс Болгарии. Законодательство зарубежных стран. – Санкт-Петербург: Юридический центр Пресс, 2001. – С. 117-118.

² Уголовный Кодекс Эстонии. Законодательство зарубежных стран. – Санкт-Петербург: Юридический центр Пресс, 2001. – С.114.

³ Уголовный Кодекс Дании. Законодательство зарубежных стран. – Санкт-Петербург: Юридический центр Пресс, 2001. – С. 174.

⁴ Уголовный Кодекс Швеции. Законодательство зарубежных стран. – Санкт-Петербург: Юридический центр Пресс, 2001. – С. 56-57.

⁵ Уголовный Кодекс Польши. Законодательство зарубежных стран. – Санкт-Петербург: Юридический центр Пресс, 2001. – С. 150-151.

⁶ Уголовный Кодекс Беларуси. Законодательство зарубежных стран. – Санкт-Петербург: Юридический центр Пресс, 2001. – С. 232.

⁷ Уголовный Кодекс Латвии. Законодательство зарубежных стран. - Санкт-Петербург: Юридический центр Пресс, 2001. – С. 174.

Голландия¹ ва Озарбайжон² каби давлатларнинг Жиноят кодексига кўра, ушбу жиноят жабрланувчиси 16 ёшга тўлмаган шахс ҳисобланади.

Болгария Жиноят кодексига эса 14 ёшга тўлмаган шахсга нисбатан зўрлик ишлатиб ёки қўрқитиб, ожизлигидан фойдаланиб ёки уни ожиз аҳволга солган ҳолда уятсиз-бузук ҳаракатлар қилиш оғирлаштирувчи таркибли мустақил жиноят сифатида белгилаб қўйилган(150-модда)³.

Мухтасар айтганда айрим хорижий давлатларда оилада турли зўравонликлар содир этилиши ва ушбу ҳолатлар бўйича жинойий жавобгарлик масаласи ўзига хос хусусиятларга эга.

Шунингдек, оилада зўрлик ишлатиб содир этиладиган қилмишлар деганда биз, жиноят қонунининг V боби (Оилага, ёшларга ва ахлоққа қарши жиноятлар)да оилага қарши жиноятлар сифатида белгиланган қилмишлар назарда тутиладики, ушбу жиноятлар ҳам зўрлик ишлатиш орқали содир этилиши мумкин. Жумладан, никоҳ ёши тўғрисидаги қонунчиликни бузиш, вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилиш, тиланчилик қилишда ифодаланадиган ижтимоий хавфли қилмишлар ҳам зўрлик ишлатиш орқали содир этилиши мумкин.

Олимлар ҳам бу борада шу мазмундаги ўз қарашларини билдирган. Жумладан, М.Х.Рустамбаевнинг таъкидлашига кўра, оила доирасида вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилиш деганда вояга етган шахснинг вояга етмаган шахсни маълум бир ҳаракатларни бажаришга кўндиришга қаратилган ҳаракатлар тушунилади. Жалб қилиш жисмоний ёки руҳий зўрлик ишлатиш ва бошқа ҳаракатлар орқали амалга оширилиши мумкин⁴. Ш.Бердиевнинг фикрига кўра, “... жалб қилиш деганда

¹ Уголовный Кодекс Голландии. Законодательство зарубежных стран. - Санкт-Петербург: Юридический центр Пресс, 2001. – С. 356.

² Уголовный Кодекс Азербайджана. Законодательство зарубежных стран. – Санкт-Петербург: Юридический центр Пресс, 2001. – С. 174.

³ Уголовный кодекс Болгарии. Законодательство зарубежных стран. – Санкт-Петербург: Юридический центр Пресс, 2001. – С. 117.

⁴ Рустамбаев М.Х. Ўзбекистон Республикаси Жиноят ҳуқуқи курси. 3 том. Т., “Илм зиё”-2011. 207 б.

жалб қилиш ваъда бериш, алдаш, жисмоний ёки руҳий зўрлик ишлатиш ва бошқа ҳаракатлар орқали амалга оширилиши мумкин¹, дейди.

Аксарият ҳолларда вояга етмаганларни фоҳишалик билан шуғулланиш тарзидаги ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб этиш ҳолатлари ҳам кузатилмоқда. Бунинг натижасида вояга етмаганларнинг ота-оналарига тегишли жавобгарлик қўлланилиб, улар ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган. Жумладан, 2019 йилда 151 нафар, 2020 йилда 200 га яқин, 2021 йилда эса 200 дан ортиқ ота-оналар ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган².

Шу нуқтаи назардан, одам савдоси шаклидаги жиноятда жинсий эксплуатациядан кенг фойдаланилаётганлиги, шунингдек вояга етмаган шахсларни фоҳишалик билан шуғулланишга жалб этиш уларнинг ахлоқан камол топишларига жиддий салбий таъсир кўрсатишида ифодаланадиган ижтимоий хавфли оқибатни назарда тутган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексини 127²-модда (вояга етмаган шахсни фоҳишаликка жалб қилиш) билан тўлдириш таклиф этилади:

“127²-модда. Вояга етмаган шахсни фоҳишаликка жалб қилиш.

Вояга етмаган шахсни алдаш, мажбурлаш, зўрлик ишлатиш, моддий манфаат кўришни ваъда қилиш ёхуд бошқача йўл билан фоҳишаликка жалб этиш,

икки йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

икки ёки ундан ортиқ вояга етмаган шахсга нисбатан;

такроран ёхуд ушбу кодекснинг 131, 135–моддаларида кўзда тутилган жиноятларни содир қилган шахс томонидан;

уюшган гуруҳ томонидан содир қилиниши, –

етти йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади”.

¹ Бердиев Ш. Вояга етмаганлар ҳуқуқлари. Ҳуқуқшунос-юрист. 2008. №3.-14 б.

² Ёдгоров Х. Жорий йилнинг 3 ойида 1191 нафар ота фарзандини таъминлашдан бош тортган. <https://sud.uz/uz>

III БОБ. ОИЛАДАГИ ЗЎРАВОНЛИКНИНГ КРИМИНОЛОГИК ЖИХАТЛАРИ

3.1. Оиладаги зўравонликка оид жиноятларнинг криминалогик тавсифи

Ҳар бир мамлакатда қабул қилинган қонунларга хилоф равишда содир этиладиган ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жиноятчилик суръатини кескин камайтириш ва уларга қарши курашиш долзарб аҳамият касб этади. Қайд этиш лозимки, маълум соҳада жиноятчиликка қарши кураш ва уни олдини олишда самарали натижаларга эришиш, миқдор жиҳатдан жиноят содир этилишини энг паст даражагача тушириш, салбий оқибатларни камайтириш учун, аввало, жиноятчиликнинг жамиятда бўлишини, ривожланишини тақозо қилувчи ва унга таъсир этувчи, сабаблари сифатида ҳаракат қилувчи ҳодисалар, воқеалар ва жараёнларни, улар ўртасидаги сабабий боғланишни ўрганиш керак.

Оиладаги зўравонлик ва унинг билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларнинг келиб чиқиши ёки содир бўлишини тақозо этувчи омилларни аниқлаш, илмий таҳлил қилишда биз криминалогиядаги жиноятлар сабаблари ва шароитлари ҳақида таълимотларга асосланамиз.

Оиладаги зўравонлик ва унинг билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларни тақозо этувчи омилларни тадқиқ этишда дунёвий боғлиқликларнинг бир тури бўлган “детерминация”, яъни воқеалар, ҳолатлар ва жараёнлар ўртасидаги боғлиқликни билдирувчи алоқа ҳақидаги таълимотга асосланамиз. Диалектик детерминизм табиат ва жамиятдаги барча ҳодисаларнинг, шу жумладан кишиларнинг ирода ва хулқларининг умумий объектив қонунияти борлиги ва улар бир-бирига боғлиқ бўлиб, бир-бирини тақозо этишини эътироф этувчи таълимотдир. Диалектик детерминизмнинг бир ҳалқаси бўлган сабабий боғланишнинг қоидаларига¹ асосланган ҳолда оиладаги зўравонлик ва унинг

¹ Ҳуқуқбузарликларнинг сабаб ва шароитларини аниқлаш, таҳлил қилиш ва бартараф этиш: Ўқув қўлланма / И. Исмаилов, Д. М. Миразов, Ж. С. Мухторов ва бошқ.; проф. Ў. Ҳ. Мухамедовнинг умумий таҳрири остида. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2017. – Б. 7.

билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларни тақозо этувчи омилларни илмий таҳлил қилишга ҳаракат қиламиз. Мазкур қоидаларга асосан:

биринчидан, оиладаги зўравонлик ва унинг билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларни тақозо этувчи омиллар жамиятда объектив мавжуд, яъни улар ижтимоий ҳаётидаги, шу жумладан оиладаги ҳодиса, воқеа ва жараёнлардан иборатдир;

иккинчидан, оиладаги зўравонлик ва унинг билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар оила аъзоси (аъзолари)нинг унинг бошқа аъзоси (аъзолари)га нисбатан содир этилган ижтимоий хавфли қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлиги) шаклида намоён бўлганлиги учун ҳам уни тақозо этган омиллар ҳам ижтимоий-психологик хусусиятга эгадир;

учинчидан, оила ҳаёти билан боғлиқ бўлган барча воқеалар, ҳодисалар ва жараёнлар ундаги зўравонлик ва унинг билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларга бевосита ёки билвосита таъсир қилса, ҳуқуқбузарликлар ва уларнинг оқибатлари ҳам, «бумеранг» сифати ушбу ҳодиса, воқеа ва жараёнларга акс таъсир кўрсатади;

тўртинчидан, оиладаги зўравонлик оқибатида содир этилган ҳуқуқбузарликлар билан у ёки бу даражада боғлиқ бўлган ҳодиса, воқеа ва жараёнлар, асосий ёки асосий бўлмаган, биринчи ёки иккинчи даражали, ташқи ва ички омиллар сифатида намоён бўлади;

бешинчидан, оиладаги зўравонлик ва унинг билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларни тақозо этган омиллар улар билан сабабий, яъни генетик боғланишга эга. Лекин, профилактик чора-тадбирларни ўз вақтида ишлаб чиқиш ва барвақт профилактикани амалга ошириш нуқтаи назаридан оиладаги зўравонлик оқибатида содир этилган ҳуқуқбузарлик билан корреляцион, вақт бўйича ва минтақавий, кузатувчи ва бошқа кўринишда боғлиқ бўлган воқеа, ҳодиса ва жараёнлар ҳам ўрганилиши керак;

олтинчидан, оиладаги зўравонлик ва унинг билан боғлиқ ҳуқуқбузарликни тақозо этувчи ҳар бир омил ўз сабабига эгадир, ҳар бир оқибат эса янги оқибатни келтириб чиқаради. Шу билан бир вақтда сабаб

сифатида намоён бўлган бир омил бир неча омилларни, яъни оқибатларни келтириб чиқариши, бир оқибатнинг эса бир нечта сабаби бўлиши мумкин;

еттинчидан, оиладаги зўравонлик ва унинг билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларни тақозо этувчи омиллар айрим ҳолда сабаб ва бошқа бир ҳолатда эса шароит сифатида намоён бўлади. Сабаб ва шароит алоқада бўлгандагина оқибат келиб чиқади. Сабаб, шароит ва оқибат ўртасидаги сабабий боғланиш генетик боғлиқдир. Оиладаги зўравонлик ва унинг билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар ҳамда уларни тақозо этувчи омиллар ўратасидаги сабабий боғлиқлик, бу генетик боғлиқликдир.

Маълумки, сабаблар ижтимоий ривожланиш ходисалари ва жараёнларидан алоҳида ҳолда ўз-ўзидан ҳаракат қилмайди. Жиноятнинг содир этилиши билан боғлиқ бу ходисалар криминологияда жиноят омиллари деб аталади. Жиноятга таъсир қилувчи омиллар одатда икки гуруҳга бўлинади: криминоген ва антикриминоген.

Криминоген – салбий қарашларни, ижтимоий салбий хулқ-атвори келтириб чиқарадиган ёки жиноят содир этишни осонлаштирадиган, келтириб чиқарадиган, қўллаб-қувватловчи ходисалар ва жараёнлар. Буларга қуйидагилар киради: ижтимоий тартибсизлик, адолатсизлик, тенгсизлик; ижтимоий келишмовчилик; этник зиддиятлар; таълимда камситишлар; ижобий ахборот ва мафкуравий таъсирнинг паст самарадорлиги; ҳуқуқни муҳофаза қилиш тизим фаолиятидаги нуқсонлар.

Антикриминоген ёки ижобий (салбий хатти-ҳаракатларга қарши бўлган, унинг юзага келишига тўсқинлик қилувчи ходисалар ва жараёнлар): виждон; жиноий жазо имконияти; оммавий муҳокама; қонуний хатти-ҳаракатларнинг стереотиплари; жиноят содир этиш учун шароит мавжуд эмаслиги.

Жиноятнинг сабабларини бир нечта таснифи мавжуд: таъсирнинг хусусиятига кўра сабаблари ва шартларини даражага қараб ажратиш мумкин: барча жиноятлар, жиноятнинг айрим гуруҳлари ва яқка жиноятларнинг белгилари; миқёси бўйича: халқаро, федерал, минтақавий ва маҳаллий

детерминантлар. Бироқ, энг қулай таснифлаш, бизнинг фикримизча, жиноятчиликнинг аниқловчи хусусиятини таркибига кўра таснифлашдир, бу бизга келиб чиқадиган ижтимоий муносабатлар соҳасидаги жиноятларнинг сабаблари ва шартларини кўриб чиқишга имкон беради, бу эса бизни аниқлаш жараёнини янада тўлиқ ва ҳар томонлама кўриб чиқишга имкон беради.

БМТ маълумотларига кўра, ҳар уч нафар хотин-қиздан бири умрида камида бир маротаба тазйиқ ва зўравонликка дуч келади. БМТ маълумотларига кўра, бир йил давомида 15 ёшдан 49 ёшгача бўлган ҳар бешинчи аёл ва қизлар турли кўринишдаги зўравонликка учрайди. Камида 15 та мамлакатда ҳозиргача оиладаги зўравонлик учун жинсий жавобгарлик белгиланмаган.

Дунёнинг қатор мамлакатларида, жумладан Ўзбекистонда ҳам аёлларга нисбатан тазйиқ ва зўравонлик ҳолатлари тез-тез кузатилмоқда. Бу эса, ўз навбатида, жамиятдаги барқарорлик, гендер тенглигини таъминлашда қатор муаммоларни келтириб чиқаради.

Статистик маълумотларга кўра, зўравонликни бир кўриниши сифатида аёлни жинсий алоқа қилишга мажбур этиш кўп учраб турмоқда.

Хусусан, 2015 йилда 26 нафар шахсга нисбатан 24 та, 2016 йилда 35 нафар шахсга нисбатан 32 та, 2017 йилда 8 нафар шахсга нисбатан 6 та, 2018 йилда 12 нафар шахсга нисбатан 10 та, 2019 йилда 6 нафар шахсга нисбатан 3 та, 2020 йилда 13 нафар шахсга нисбатан 11 та¹ жиноят иши кўриб чиқилган.

Таҳлиллар натижаси шуни кўрсатмоқдаки, ўтган йили мазкур жиноятни содир этиш сезиларли миқдорда ошган.

Маълумотларга қараганда 2020 йилда республика миқёсида 62 081 та жиноятлар қайд этилган бўлиб, 100 минг аҳолига нисбатан ўртача 182,4 тадан тўғри келган. 2020 йилда қайд этилган қотиллик жиноятларнинг ҳар

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 2021 йил 19 апрелдаги 7/14-5751-141-сонли хати.

учинчиси (143 таси, 35,2%), оғир тан жароҳати етказиш жиноятларининг 192 таси (20,5%) оила-турмуш муносабатлари доирасида содир этилган.

Шу билан бирга, оилавий низоларга ўз вақтида барҳам берилмаганлиги оқибатида 14379 та оила-турмуш муносабатлари доирасидаги ҳуқуқбузарликлар содир этилиб, уларнинг аксарияти яъни 50,5 фоизи (7 264 таси) Тошкент, Бухоро, Самарқанд ва Фарғона вилоятлари ҳиссасига тўғри келади.

Энг ачинарлиси, ўз жонига қасд қилиш ҳолатларининг ҳар олтинчиси айнан ўз вақтида ҳал этилмасдан қолган оилавий келишмовчиликлар боис содир этилган.

Оғир шароитда яшаётган аёлларнинг муаммолари ҳал этилмаслиги оқибатида 2020 йилда 5 774 нафар хотин-қизлар 5 520 та жиноят содир этган.

“Оила” илмий-амалий тадқиқот марказининг таҳлилларига кўра, маиший зўравонлик жабрдийдаларини ҳам, оила аъзоларига нисбатан куч ишлатадиган шахсларни ҳам маълумоти ёки ижтимоий мақоми бўйича ажратиб бўлмайди. Маиший зўравонлик ҳолати юқори иқтисодий мақомга эга бўлган оилаларда ҳам, кам таъминланган оилаларда ҳам бирдай намоён бўлади. Қолаверса, моддий таъминоти юқори бўлган оила аъзоларининг бу вазиятдан чиқиш учун ёрдам сўраши нисбатан мураккаброқ экани аниқланган ва улар йиллар давомида зўравонликка чидаб келади.

Марказ таҳлиллари шундай: кундалик ҳаётда оила аъзолари (эр билан хотин, қайнона ёки қайнопа ва келин, ака-ука, опа-сингиллар) ўртасидаги келишмовчилик оқибатида вужудга келадиган низоли вазиятларни 100% деб оладиган бўлсак, ундан оилада бир шахснинг иккинчи бир шахсга нисбатан жисмоний куч ишлатиши 34,8%, шахсга зўрлик билан руҳий таъсир кўрсатиш 30,8%, оилада ўз ҳукмронлиги ва таъсирини ўтказишга қаратилган хатти-ҳаракатлар 7,8%, жинсий зўравонлик қилиш 4,7%, қийнаш орқали руҳий азоб бериш 8,3%, кўрқитиш ва зулм қилиш 3,7%ни ташкил этади.

Масалан, А.Абдуллаев Боғдод тумани маъмурий суди томонидан 2020 йил 18 ноябрь куни МЖТКнинг 52-моддаси 2-қисмида кўрсатилган

маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этган деб топилиб, унга нисбатан базавий ҳисоблаш миқдорининг икки баравари миқдорида, яъни 446.000 сўм жарима жазоси тайинланган бўлса-да, бундан ўзига тўғри хулоса чиқариш ўрнига, 2021 йил 5 январь куни соат 15.00 ларда ўз яшаш хонадонидида, турмуш ўртоғи И.Абдуллаева ва фарзандлари Ш.Абдуллаева, У.Абдуллаева ҳамда Г.Абдуллаевалар билан ўзаро жанжаллашиб кетиб, жанжал вақтида қўли билан турмуш ўртоғи И.Абдуллаева ва вояга етмаган қизи У.Абдуллаевани орқа елка қисмига қасдан уриб, тортиб итариб юбориб, тан жароҳати етказган¹.

Тадқиқот давомида ўрганилган адабиётлар, оила турмуш муносабатлари доирасида содир этилган маъмурий ҳуқуқбузарлик ва жиноятларга оид статистик маълумотлар ҳамда уларнинг содир этилишини тақозо этган омиллар таҳлили натижаларига асосланиб оиладаги зўравонлик ва унинг билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларни тақозо этувчи омилларларни шартли равишда қуйидаги гуруҳларга ажратдик: а) оиладаги носоғлом маънавий-руҳий муҳит; б) оилада маънавий-ахлоқий тарбиянинг заифлиги ёки сустлиги; в) оила аъзоси (аъзолари)да мавжуд бўлган ғайриижтимоий хулқ атвор; г) оиладаги моддий етишмовчилик ва қийинчиликлар; д) оила аъзоси (аъзолари)нинг спиртли ичимликка ружу қуйиши; е) асоссиз (меъёрдан ортиқ) рашк, эркак ва аёлнинг хиёнати; ж) эрта турмуш қуриш, ёш оиладаги муносабатларга ноўрин аралашув.

1. Оилада носоғлом маънавий-руҳий муҳит. Оиладаги зўравонлик ва унинг билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар, энг аввало оиладаги носоғлом ижтимоий-руҳий муҳитнинг мавжудлиги билан тақозо этилади.

Криминолог олимларнинг таъкидлашича оиладаги муҳитга хос бўлган шарт-шароитлар орасида оилада шахс шаклланадиган муҳит алоҳида аҳамият касб этади. Россиялик олим Ю.М.Антояннинг фикрича, оиладаги

¹ Жиноят ишлари бўйича Олтиариқ туман суди томонидан 2021 йил 7 апрель куни кўриб чиқилган 1-1514-2101/101-сонли жиноят иши. // Ўзбекистон Республикаси Олий суди маълумотларидан. Исм ва фамилиялар ўзгартирилган.

зўравонликнинг асосий сабабларидан бири – ота-онанинг фарзандга меҳр кўймаганлиги, уларнинг тарбиясига эътиборсизлигидир. Шахснинг болаликда меҳр-мурувватдан маҳрум қилиниши унинг руҳиятида безовталиқ, қўрқинч, нафрат каби ҳиссиётларни шакллантиради. Бу ҳиссиётлар онгсиз равишда қайд этиб борилади ва мурасасиз хулқ-атворнинг, жумладан, унинг энг ашаддий кўриниши оилада зўравонликнинг пайдо бўлишига олиб келади¹.

Агар оилада маънавий-ахлоқий муҳит носоғлом бўлиб, эр-хотин ва бошқа оила аъзолари ўртасида меҳр-оқибат, бир-бирини менсимаслик, кўполлик, ҳурматсизлик мавжуд бўлсабундай оилаларда низолар тез-тез келиб чиқади. Ҳар қандай воқеа ҳодисанинг, шу жумладан, жиноятларнинг содир этилишида криминоген омилларнинг таъсир этиши муайян оқибатнинг келиб чиқишига сабаб бўлади.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, оилада зўравонликнинг келиб чиқишида эр-хотин муносабатининг самимий эмаслиги, оила-турмуш шароитида юзага келадиган муаммоларга юзаки қараш, бола тарбиясидаги бепарволик, қайнона-келин ўртасидаги ғайриижтимоий муносабатлар, бир-бирини тушуниш каби инсоний хислатларнинг йўқлиги криминоген омиллардан бири ҳисобланади.

Профессор И.Исмаилов тўғри таъкидлаганидек, оиладаги носоғлом вазият, уриш- жанжал оила аъзолари ўртасида ғайриижтимоий носоғлом муносабатларнинг ва шахс салбий маънавий шаклланишининг асосий манбаи бўлиб ҳисобланади².

Тадқиқотчи М.Х.Файзиёвнинг фикрича, агар оилада оилавий муносабатлар етарли даражада бўлмаса ёки шаклланмаган бўлса унда турли муаммолар ва низолар вужудга келади³. Маълумки, оила-турмуш муносабатлари ҳар доим ҳам бир маромда бўлавермайди. Уй-рўзғор

¹ Антонян Ю.М. Причины преступного поведения. –М., 1992. –С. 114.

² Исмаилов И. Уюшган жиноий тузилмалар фаолиятининг олдини олишни назарий ва ташкилий-ҳуқуқий таъминлаш: Юрид. фан. док-ри. дисс... –Т., 2006. –Б. 160.

³ Файзиёва М.Х. Оила барқарорлигига шахслараро муносабатлар таъсирининг ижтимоий-психологик хусусиятлари (эр-хотин мисолида). Психология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. –Т., 2005. –Б., 36.

юмушларини бажариш, эр-хотин ва оила аъзолари ўзларининг бурчи, отананинг фарзандлар олдидаги мажбурияти ҳамда фарзандларнинг катталар олдидаги бурчларини адо этиш жараёнида оилавий муносабатлар муҳим ўрин эгаллайди.

Айрим ҳолларда уларнинг фикр ва қарашларидаги зиддиятлар, қарама-қаршилиқлар, келишмовчилик ва англашилмовчилик ҳамда шахслараро низолар тарзида намоён бўлиб, оилада турли кўринишдаги низоларни келтириб чиқаради. Зеро, оилавий тарбия масаласида хатога йўл қўймаслик учун аввало ҳар қайси хонадондаги маънавий иқлимни ўзаро ҳурмат, ахлоқ-одоб, инсоний муносабатлар асосига қуриш айтиш муддаодир.

Тадқиқотимизнинг кўрсатишича, оила турмуш доирасида ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларнинг аксарияти ахлоқсиз, маънавияти ривожланмаган, салбий хулқ-атворга эга бўлган шахсларни ташкил этади. Чунки, айбдорнинг муайян ҳаракати ёки салбийхулқи оилада низо келиб чиқишига туртки беради. Мисол учун, Зомин туманида 1966 й.т. фуқаро Ж. 2019 йил 28 декабрь куни уйида спиртли ичимлик истеъмол қилиб, турмуш ўртоғини ҳақорат қилиши натижасида келиб чиққан ўзаро низо оқибатида хотинини дўппослаб тан жароҳати етказган. Уларнинг оиласида доимий равишда шундай низолар бўлиб турса-да хотини фарзандларининг тақдирини ўйлаб бу ҳақида ҳеч кимга мурожаат қилмаган. Шунингдек, Ж. ўзининг жиноий ҳаракатларини давом эттириб, маст ҳолатда уйида жияни Н. ҳамда қизлари Д. ва Р.ларнинг кўзи олдида хотинини ўлдириш билан қўрқитган. Ж.нинг ушбу ҳатти-ҳаракатлари ЖКнинг 110-моддаси бўйича жиноий жавобгарликка тортилган.¹

Ҳуқуқшунос У.Ш.Холиқулов тадқиқотларида, бундай жиноятлар ўзининг ижтимоий хавфлилигининг юқорилиги, асосан, уларни содир этаётган

¹ Сурхондарё вилояти жиноят ишлари бўйича суди архиви материаллари. 26/09-сонли жиноят иши.

субъектларнинг ижтимоий хавфлилиги юқорилигидан, унинг ахлоқий кашшоқлиги, беҳаёлиги, шафқатсизлиги билан белгиланади¹ деб изоҳлайди.

Оила турмуш муносабатлари доирасида зўрлик ишлатишга кўп ҳолларда оилавий-маиший низолар сабаб бўлиб, бу уларнинг бир-бирига нисбатан тан ҳароҳат етказиш, ҳақорат қилиш, қийнаш, хавф остида қолдиришга баъзида эса қасддан одам ўлдиришгача ҳам олиб келиши мумкин. Бундан шундай хулоса келиб чиқадики, оиладаги ушбу қилмишларнинг содир этилишига олиб келувчи асосий омил - бу оиладаги носоғлом муҳитнинг оқибатидир. Оиладаги муҳитнинг таъсири болалар тарбиясининг бузулишига, уларнинг катталарга тақлид қилишига олиб келади.

Ота-боболаримиз болага ҳеч қачон дўқ-пўписа қилмаганлар, зўравонлик ишлатмаганлар. Оҳиста ширин овоз билан «ёмон бўлади» деган биргина ибора орқали тарбия ўғитларини сингдирганлар, ҳеч қачон зўравонлик орқали ўз мақсадларига эришмаганлар. Мисол учун, мумтоз ёзувчи Абдулла Қодирийнинг «Ўтган кунлар» асаридаги қаҳрамонларнинг ўзаро муомала ва мулоқотлари, уларнинг ҳатто кичик фарзандларини ҳам «сиз»лаб гапириши, оиладаги низоли вазиятларни ҳам ҳеч бир уруш-жанжалсиз ўта нозиклик ҳал қилиниши тарбиянинг мураккаб ва серқирра томонларини, маънавиятимизнинг нақадар юқори эканлиги кўрсатиб берилганлигини кўриш мумкин.

Бугунги куннинг ёки даврнинг тарбияси қандай? Ҳозирги жамиятда мавжуд бўлган айрим оилаларда ота ва онанинг, фарзанд ва ота-оналар ўртасидаги низолар, улар ўрталаридаги ҳурматсизлик ва қўполликлардан нимани кутиш мумкин.

Таассуфки, баъзи ота-оналар ўз фарзандининг тарбиясида қўполлик ёки уларга нисбатан зулмкорлик билан муносабатда бўлиши уларнинг онгу тафаккурига албатта салбий таъсир кўрсатмасдан қолмайди. Боз устига, агар ота оилада ўзини тутишни билмаса, ахлоқ-одоб бобида фарзандларига ўрناк

¹Холиқулов У.Ш. Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунчилиги бўйича вояга етмаганларга жазо тайинлаш муаммолари: юрид. фан. номз. дисс.-я. –Т., 2006. –Б. 50.

бўлиш ўрнига кўпол хулқини намоён этса, бу ҳолат, табиийки, бола маънавий оламининг шаклланишига, вақти-соати келиб, унинг характерида инсон деган номга нолайиқ, хунук бир одат сифатида намоён бўлади. Умуман олганда, оиладаги маънавий муҳитнинг носоғломлиги оилада криминоген вазиятларнинг келиб чиқишида муҳим роль ўйнайди.

Тадқиқотимиз шуни кўрсатдики, оилада носоғлом ижтимоий муҳитнинг мавжудлиги оилада турли низоларнинг келиб чиқишига, оила аъзоларининг бир-бирига нисбатан ҳурматсизлик билан муносабатда бўлишига, ота-онанинг фарзандлар тарбиясига эътиборсизлик билан қарашига, уларга шафқатсиз муносабатда бўлишга олиб келади. Бу борада ўтказилган айрим хорижий тадқиқотларда қайд этилишича, бир гуруҳ америкалик психиатрлар томонидан 76 та солим ота-оналар шахси ўрганилиб чиқилганида, уларнинг фақат 7% руҳий соғлом бўлиб қолганлари, яъни 25% ичкиликбозлар, 68% эса жамиятга зид турмуш тарзи юритувчи шахслар эканлиги аниқланган¹.

Тадқиқот жараёнида ички ишлар органлари таянч пунктлари профилактика инспекторлари ўртасида «Бугунги кунда қайси омиллар оиладаги зўравонликнинг келиб чиқишини тақозо этмоқда»? деган саволга уларнинг 21,4% оиладаги носоғлом муҳит сабаб бўлаётганлигини таъкидлашган². Бундан ташқари, суд архивидан ўрганилган жиноят йиғма жилдларнинг 19,5%да оиладаги носоғлом муҳит оилавий-маиший зўравонликларни содир этилишида муҳим аҳамият касб этгани маълум бўлди.

Таҳлилларга асосланиб айтиш мумкинки, оиладаги носоғлом муҳит таъсири *биринчидан*, оилада турли низо ва келишмовчиликларнинг келиб чиқишига, *иккинчидан* инсон тарбиясида хато ва камчиликларнинг юзага келишига, *учинчидан*, шахсда салбий хусусиятларнинг шаклланишига, *тўртинчидан*, оилада оила аъзолари ва қариндош уруғлар ўртасидаги

¹Клевцова Н.А. Убийства детей, совершаемые семье. // Российский следователь, №13. 2009. –С. 16-17.

²Изоҳ: Ушбу сўров ички ишлар органларининг 520 нафар профилактика инспекторлари ўртасида ўтказилган бўлиб, улардан ушбу йўналишдаги ҳуқуқбузарликлар профилактикасини ташкил этишдаги мавжуд муаммо ва камчиликлар, фаолиятни самарадорлигини оширишга доир уларнинг фикр ва мулоҳазалари ўрганилган.

ижтимоий муносабатларнинг бузилиши ёки ёмонлашишига, *бешинчидан*, оилаларнинг барбод бўлишига олиб келиши мумкин.

2.Оилада маънавий-ахлоқий тарбиянинг заифлиги ёки сустлиги.

Шахснинг маънавияти унинг ахлоқий фазилатлари билан белгиланади. Таҳлил қилинганда, оилада низо келтириб чиқарган шахсларнинг аксарияти маънавияти ва ахлоқий фазилатлари юқори даражада эмаслиги маълум бўлди.

Психолог И.Э.Клотниекс оилавий жанжаллар низолар ва салбий эмоционал реакцияларни келтириб чиқаради ва оиладаги психологик муҳитни бузади¹ деб таъкидлайди. Оиладаги низолар инсоннингонгига салбий таъсир кўрсатиб, у ердаги муҳит ва тарбиянинг бузилишига олиб келади.

Профессор Ғ.Шомуродов оилани ажратувчи низолар жанжалларнинг юзага келишига сабаб бўлган муаммо ва ечим, эр-хотиндан бирининг манфаатига қаратилган бўлади. Бундай низоларда бир томон манфаатининг ҳал этилиши кўпинча иккинчи томон манфаатининг бой берилиши ҳисобига амалга ошади² дейди.

Ҳуқуқшунос олим Ф.Тахировнинг фикрича, оилавий муносабалардаги низо ва келишмовчиликлар, жисмоний заифлик, руҳий қийинчиликлар ҳам шахсда ғайриахлоқий хулқ-атвор шаклланишига таъсир кўрсатади³. Шахсда бундай ғайриахлоқий хулқ-атвор шаклланишига оиладаги маънавий-ахлоқий тарбиянинг заифлиги ёки сустлиги ўз таъсирини кўрсатади.

Дарҳақиқат, инсон хулқ-атворининг шаклланиши, кўп жиҳатдан оилада ота-она ёки оила аъзоларининг ўртасидаги муносабатга боғлиқ бўлиб, болаларнинг катталарга тақлид қилиши ана шулар асосида ривожланиб боради. Бундай зўравонликлар вояга етмаганларнинг руҳий ривожланишнинг ёмонлашуви, узоқ муддатли ақлий носозлик ва носоғломлик кабилардан

¹Клотниекс И.Э. Психология в семье. – М., 1991. – С 30-31.

²Шомуродов Ғ., Расулова З. Оила энциклопедияси. –Т., 2016. –Б. 251.

³Тахиров Ф. Ўзбекистон Республикаси қонуни бўйича жинсий жиноятлар учун жавобгарлик муаммолари: юрид. фан. док-ри. дисс-я. –Т., 2007. –Б. 276.

иборат бўлиши мумкин бўлиб, ўз навбатида жисмоний носоғломликка ҳам олиб келиши ҳам мумкин¹.

Модомики, шундай омиллар мавжуд бўлган оилаларга жамият томонидан етарлича ёрдам берилмаса унда яшаётган болаларнинг зўравонликдан жабр кўриш эҳтимоли анча юқори бўлади. Қариндош уруғлар томонидан кўмак берилмаслиги ҳам мавжуд муаммони янада оғирлаштириши табиийдир.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, кўп ҳуқуқбузарликлар, жиноятларнинг содир этилишига шахсдаги салбий хулқ-атвор туртки берган. Оиладаги нотўғри тарбия шахс маънавий шаклланишининг асосий манбаларидан бири ҳисобланади. Бундай оилаларда ота-она билан фарзанд ўртасидаги муносабатларнинг яхши эмаслиги кўпинча низоларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади². Мисол учун, фуқаро М. ўзининг уйида ўғли А. билан ўзаро ўрталарида келиб чиққан низо оқибатида ўғли “менга ақл ўргатманг” деб гап қайтариб отасини кўкрагидан итариб, ўзини ҳурматсизлигини кўрсатганида ота ўз фарзандини ошхона пичоғи билан кўкрак қисмига уриб, унинг ҳаёти ва соғлиғи учун хавфли бўлган оғир шикаст етказган³.

Оилада боланинг онги асосан 5-7 ёшда шаклланишини инобатга оладиган бўлсак, айнан ана шу даврда унинг қалбида оиладаги муҳит таъсирида маънавийнинг илк куртаклари намоён бўла бошлайди. Халқимизнинг «Қуш уясида кўрганини қилади», деган доно мақоли, ўйлайманки, мана шу азалий ҳақиқатни яққол акс эттиради.

Бизнингча, ушбу жиноятни келтириб чиқарган сабаб ва шароит сифатида оилада болатарбиясида йўл қўйилган хатолик дейиш мумкин. Чунки, ҳар қандай ҳолатда ота ёки онага фарзанднинг муносабати бир хил бўлиш лозимлиги ўзбек оилаларида шакллантириладиган асосий жиҳатдир. Бу

¹ Болаларга нисбатан зўравонлик бўйича бутунжаҳон ҳисоботи. –Т., 2009, –Б. 174.

² Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти психологияси: Дарслик / И. Исмаилов, Ў.Х. Мухамедов, М. З. Зиёдуллаев, Ё. Фарфиев ва бошқ.; масъул муҳаррир Ш. Т. Икрамов. – Т., 2015. – Б. 236.

³ Жиноят ишлари бўйича Миробод туман суди архиви 2012. 1/163-сонли иш.

борада А.Авлоний таъкидлаганидек: “Тарбия ё ҳаёт, ё мамот, ё нажот, ё халокат, ё садоқат, ё фалокат масаласидур”¹.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев мазкур масала юзасидан ўз муносабатини билдириб шундай дейди: “Биз бир ҳақиқатни ҳеч қачон унутмаслигимиз лозим: ота-она, жамият эътиборидан четдан қолган бола оилага қувонч ва фойда ўрнига фақат ташвиш келтиради. Шу боис бола тарбияси, ёшлар билан ишлаш биз учун энг муҳим ва долзарб вазифа бўлиб қолиши шарт”². Тарбия масаласи шундай оғирки, агар оилада фарзанд тарбиясида муайян хато ва камчиликлар юзага келганда у бартараф этилмас экан, бу албатта ўзининг салбий таъсири билан намоён бўлади. Тарбия ривожлантириш, парвариш қилиш, ўстириш, ўргатиш, илм бериш каби маъноларни англатади³.

Олима З.Эсанова тўғри таъкидлаганидек, оиладаги тарбияда, энг аввало, ота-она тарбияси, сўнгра болалар тарбияси муҳим ўрин тутди⁴. Бундан шундай хулоса келиб чиқадики, оилада тарбия масаласида йўл кўйилган хато ва камчиликлар тузатиб бўлмас салбий оқибатларни келтириб чиқариши мумкин.

Тадқиқот жараёнида ўтказилган сўровномада иштирок этган респондентлар ўртасида “Бугунги кунда қайси омиллар оиладаги зўравонликнинг келиб чиқишини тақозо этмоқда”? деган саволга уларнинг 11,0% оиладаги маънавий-ахлоқий тарбиянинг заифлиги ёки сустлиги сабаб бўлаётганлигини айтишган. Бундан ташқари, суд архивидан ўрганилган жиноят йиғма жилдларининг 14,2%да оиладаги маънавий-ахлоқий тарбиянинг заифлиги ёки сустлиги оиладаги зўравонлик билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар содир этилишига туртки бўлган.

¹ Абдулла Авлоний. Танланган асарлар. 2-жилд. –Т., 2006. – Б. 38.

² Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курашимиз. –Т., 2017. –Б. 135.

³ Ўзбек тилининг изоҳли луғати / Таҳрир ҳайъати Т.Мирзаев ва бошқ. –Т., 2007. –Б.78.

⁴ Эсанова З. Оила, оналик ва болаликни муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий асослари: Ўзбекистонда оила, оналик ва болаликни муҳофаза қилишнинг концептуал масалалари // Республика илмий-амалий конференция материаллари тўплами. – Т.: ТДЮУ, 2016. –Б. 8.

Тадқиқотимиз жараёнида жиноят содир этган шахслар ҳақида реал хулоса чиқариш учун суд-тергов амалиёти ҳамда суд архиви материалларидан ҳуқуқбузар шахсларга оид бўлган материаллар таҳлил қилинганида, ушбу тоифадаги шахсларнинг асосий қисмини илгари судланган, ишсиз, спиртли ичимлик истеъмол қилишга ва гиёҳвандликка ружу қўйган, ғайри-ижтимоий ҳуқ-атворли, маълумот даражаси юқори бўлмаган шахслар ташкил этади. Таҳлилларга асосан айтиш мумкинки, оиладаги зўравонлик билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларнинг 90 фоиздан ортиғи юқорида қайд этилган тоифадаги шахслар томонидан содир этилган.

Тадқиқот жараёнида оилада зўравонлик оқибатида жиноятлар содир этган шахслар ҳақидаги суд архиви материалларини ўрганиш шуни кўрсатмоқдаки¹, ҳуқуқбузар шахслар томонидан 54,3% ҳолатда қасддан баданга турли даражада шикаст етказиш, 9,1% қасддан одам ўлдириш, 12,5% вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилиш, 6,1% жинсий эҳтиёжни зўрлик ишлатиб ғайритабиий усулда қондириш, 5,4% тухмат, 4,7% қийнаш, 2,1% номусга тегиш, 1,0% хавф остида қолдириш, 3,2% ҳақорат қилиш, 1,6% ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш жиноятлари содир этилган.

Оилада зўравонлик содир этган ҳуқуқбузар шахсларнинг ёшига оид маълумотлар ўрганилганида, уларнинг 10,1%ини 18-25 ёшдаги, 38,6%ини 25-35 ёшдаги, 26,8%ини 35-45 ёшдаги, 15,5%ни 45-55 ёшдаги ҳамда 9,2% 55 ёшдан юқори бўлганлар ташкил этди. Кўриниб турибдики, оилада зўравонлик содир этувчи шахсларнинг криминоген фаоллиги юқори бўлган асосий қисмини 25-45 ёшдагилар ташкил этмоқда.

Мазкур тоифадаги шахсларнинг 64,8% ишсизлар, 27,6% ишчилар, 5,4% хизматчилар, 2,3% тадбиркорлар ташкил қилади. Бундай жиноятларни содир этганлар ичида давлат хизматчиларининг камлиги, ишчилар салмоғининг

¹ Муаллиф томонидан 2016-2021 йиллар давомида оила-турмуш доирасида содир этилган шахсга қарши жиноятлар бўйича Жиноят кодексининг тегишли моддаларига асосан жиноятларни содир этганлиги учун жиноий жавобгарликка тортилган шахсларнинг 120 та жиноят ишлари ўрганилиб таҳлил қилинган.

кўплигини, шунингдек ижтимоий фойдали меҳнат билан шуғулланмайдиган (ҳеч жойда ишламайдиган, вақтинча ишсиз) шахсларнинг жиноий фаоллиги юқори эканлигини кузатиш мумкин.

Таҳлилларга асосланиб айтиш мумкинки, оилада маънавий-ахлоқий тарбиянинг заифлиги ёки сустлиги *биринчидан* энг аввало ота ёки онанинг маънавий-ахлоқий тарбиясининг пастлиги билан боғлиқ эканлиги, *иккинчидан*, унинг оилада ўсиб келаётган вояга етмаганлар хулқ-атворида салбий хусусиятларнинг шаклланишига олиб келиши, *учинчидан*, оилада низоли криминоген вазиятларни келтириб чиқариши, *тўртинчидан*, оилада оила аъзолари ўртасида салбий муносабатларнинг юзага келишига ўзининг таъсирини кўрсатади.

3. Оила аъзоси (аъзолари)да мавжуд бўлган ғайриижтимоий хулқ атвор. Ҳаёт тажрибаси ва кузатишлар шуни кўрсатмоқдаки, оилада содир этилган ҳар қандай ғайриижтимоий салбий оқибатлар, балки ҳар қандай жиноятларнинг содир этилишида шахснинг салбий-хулқ атвори сабаб бўлади. Айниқса, ота-онанинг салбий-маънавий ахлоқи оила муҳити ва фарзандлар тарбиясига салбий таъсир кўрсатади. Агар, оилада ғайриижтимоий салбий-хулқ-атвор мавжуд бўлса, у ерда салбий хусусиятларнинг шаклланиш эҳтимоли анча юқори бўлади¹.

Профессор В.Н.Кудрявцевнинг фикрича, ғайриижтимоий салбий хулқ-атвор шахснинг хулқ-атвори ва қонун талаблари ўртасида муттасил равишда кескинлашиб боровчи ва очиқ-ойдин низога айланувчи ҳар хил қарама-қаршилиқлар асосида вужудга келади ва ривожланади². Жиноятчи шахсининг шаклланишига ахлоққа зид ва ғайриқонуний ҳаракатларнинг такрорланиб туриши ҳам салбий таъсир кўрсатади³ – дейди С.С. Ниёзова.

¹ Ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган оилалар билан ишлашда профилактика инспекторлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳузуридаги жамоат тузилмаларининг ўзаро ҳамкорлиги: Ўқув қўлланма / Р.Раҳмонов, А.Муродов, С.Хўжакулов. – Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2014. –Б. 9.

²Кудрявцев В.Н. Причины правонарушений. – М., 1976. – Б. 124.

³Ниёзова С.С. Шахсга қарши зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятларнинг виктимологик профилактикаси. / Монография. –Т., ТДЮУ. 2017. –Б. 89.

Ҳуқуқшунос олима Н.К.Котова шахсга қарши шахсга қарши зўрлик содир этиб ишлатиладиган жиноятчи шахс ва жабрланувчи шахсиятини қиёсий таҳлил қилиб, ахлоқий психологик зиддиятлар жиноятчи шахсининг шаклланишига замин яратиши мумкин¹ эканлигини таъкидлайди. Шахсдаги ғайриижтимоий ахлоққа зид маънавий-руҳий хусусиятлар криминоген вазиятларни келиб чиқишига туртки бўлиб, жабрланувчининг хулқи билан боғлиқ бўлади. Айнан жабрланувчининг салбий хулқ-атвори кўпинча оилавий низоларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади.

Профессор Қ.Абдурасулова тадқиқотларида кўриб чиқилган жами жиноятларнинг 59,8%да жабрланувчиларнинг салбий хулқ-атвори, шу шумладан, алкоголизм, айбдорнинг шахсига, унинг фарзандларига, ҳурматсизлик, уриш, калтаклаш, кўринишидаги зўравонлик жиноятнинг келиб чиқишига туртки берган²лиги қайд этилган. Бундай қилмишларга ҳақорат, тухмат, камситиш, менсимаслик, инсон шаъни ва қадр-қимматини ерга уришкабиларни ҳам киритиш мумкин.

Россиялик ҳуқуқшунос С.М.Мировичнинг фикрича, шахсдаги салбий хулқ-атвор кўпинча бир шахснинг иккинчи бир шахсга нисбатан жисмоний куч ишлатишига олиб келади³. Шахсда маънавий-ахлоқий фазилатларнинг пастлиги ҳам кўпинча оиладаги низоларнинг келиб чиқишига ҳамда унинг ҳаёти ва соғлиғи учун муҳим бўлган ҳуқуқбузарликларнинг содир этилишигача олиб келган.

Психолог А.Т.Кадирова эр-хотиннинг оилавий ҳаёт тўғрисидаги тасаввурларининг ўзаро мос келмаслиги низо ёки зиддиятлар келиб чиқишининг асосий сабабларидан биридир⁴ дейди. Кўпинча оиладаги зўравонликнинг замирида эр ёки хотиннинг бир-бирини ҳурмат қилмаслик, ҳақорат қилиш, устидан кулиш, камситиш, менсимаслик каби омиллар

¹Котова Н.К. Виктимологические проблемы криминальной агрессии. –Астана, 2001. –С. 31.

²Абдурасулова Қ.Р. Аёллар жиноятчилигининг жиноят ҳуқуқий ва кримнологик муаммолари: юрид. фан. док-ри. дисс-я. –Т., 2006. –Б. 117-118.

³Мирович С.М. Криминологическая типология личности корыстно-насильственных преступников // Вестник МГУ. –1991. №3. –С. 91.

⁴Кадирова А.Т. Ўсмирларда оилавий низолар тўғрисида ижтимоий тасаввурларнинг шаклланиши. псих. фан. ном. илмий дараж. олиш учун дисс. – Т.: 2007. –Б. 36.

жабрланувчида қасд ёки ўч олиш ниятининг шаклланишига олиб келади. Айнан ушбу омиллар таъсирида жудаям кўп жиноятларнинг содир этилиши кузатилади.

Тадқиқот жараёнида ўтказилган сўровномада иштирок этган респондентлар “Бугунги кунда қайси омиллар оиладаги зўравонликнинг келиб чиқишини тақозо этмоқда”? деган саволга уларнинг 15,8% шахсда мавжуд бўлган салбий хулқ-атвор сабаб бўлаётганлигини таъкидлашган. Бундан ташқари, суд архивидан ўрганилган жиноят йиғма жилдларининг 14,0%да шахснинг салбий хулқ-атвори оилада зўравонликнинг келтириб чиқарувчи омил бўлиб хизмат қилганлиги аниқланган.

Таҳлилларга асосланиб айтиш мумкинки, шахснинг салбий хулқ-атвори оилада носоғлом муҳитнинг шаклланишига, оила аъзолари ўртасида турли низоларнинг келиб чиқишига, шахсни ахлоқсизлик ва тарбиясизликка сабаб бўлиши муқаррар. Қизиқарли томони шундаки, ушбу салбий иллатлар бир-бири билан боғлиқ бўлиб, бири иккинчисини доимий равишда тақозо этади.

4. Оиладаги моддий етишмовчилик ва қийинчиликлар. Оиладаги моддий таъминотининг етарли эмаслиги оилада низоларнинг келиб чиқишида муайян даражада моддий етишмовчилик ёки қийинчиликлар ҳам сабаб бўлувчи омиллардан бири ҳисобланади. Кейинги вақтларда жамиятимизда, айниқса иқтисодий соҳада юзага келаётган қийинчиликлар айрим оилаларда бир қанча ғайриижтимоий ҳолатларнинг юзага чиқишига олиб келди.

Оиладаги моддий етишмовчилик ва қийинчиликлар мавжуд бўлган оилалар ўрганилганида уларнинг аксарияти ишсиз доимий даромад манбаига эга бўлмаган шахслар эканлиги, шунингдек бир оилада икки ёки ундан ортиқ оилаларнинг биргаликда яшашлари, уларда алоҳида рўзғор қилиш учун моддий имкониятнинг йўқлиги ҳам сабаб бўлиши мумкин. Мазкур масала юзасидан Президент Шавкат Мирзиёев шундай дейди: “Аҳоли, айниқса, ёш оилалар, эски уйларда яшаётган ва бошқа тоифадаги фуқароларнинг эҳтиёжини ҳисобга олиб, биз арзон ва сифатли уй-жойлар қуриш бўйича

ишларни изчил давом эттираемиз. Шу мақсадда 2018 йилда намунавий ва арзон уй-жойлар қуриш кўламини жорий йилга нисбатан 1,5 баробар кўпайтириш бўйича аниқ режалар ишлаб чиқилган¹. Тадқиқот натижаларига таянган ҳолда айтиш жоизки, оилавий-маиший низоларнинг келиб чиқишида бир уйда икки ёки ундан ортиқ оилаларнинг яшаши, уларнинг яшаш шароитларининг зичлиги, оилада уй-жой билан боғлиқ муайян қийинчиликларнинг мавжудлиги низоли вазиятларни келиб чиқишига сабаб бўлиши мумкин.

Бундан ташқари, объектив баҳолаш нуқтаи назаридан шуни таъкидлаш керакки, умуман мамлакатимизда жиноятчиликка таъсир қилувчи кўплаб ижтимоий-иқтисодий салбий омиллар мавжуд. Бундай салбий омиллар қўйидаги муаммоларни ўз ичига олади: оиладаги носоғлом муҳит, тарбиянинг заифлиги, ўз ҳуқуқларини билмаслиги, ўз оиласининг обрўсини сақлаш мақсадида ҳуқуқлари поймол бўлишига жим қараб туриш, ижтимоий жиҳатдан хавfli аҳволда бўлган оилаларни ўз вақтида аниқланмаслиги, уларга ижтимоий, ҳуқуқий ва маънавий жиҳатдан ёрдам кўрсатилмаслиги, ва ҳоказолар.

3.2. Оиладаги зўравонликка оид жиноятларнинг олдини олиш ва унга қарши курашишдаги кримнологик чоралар

Ҳозирги кунда жиноятчилик ва умуман, ҳуқуқбузарликларнинг барча турларининг олдини олиш мақсадида мавжуд ижтимоий муносабатларни мувофиқлаштириш ҳамда жиноятларнинг сабаб ва шароитларини тугатишда ижтимоий, иқтисодий, сиёсий йўналишларда зарур чоралар кўришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айниқса, бозор муносабатларига ўтишда содир бўлаётган ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишнинг самарали усул

¹Мирзиёев Ш.М. Ватанимиз тақдири ва келажаги йўлида янада ҳамжиҳат бўлиб, қатъият билан ҳаракат қилайлик. Ҳалқ сўзи. 2017 йил 16 июнь.

ва воситаларини ишлаб чиқиш долзарб аҳамият касб этмоқда¹. Ўз навбатида таъкидлаш лозимки, ҳар қандай жинойтни тор маънодаги ҳуқуқий ҳодиса сифатида тушунишдан воз кечилиб, унинг ижтимоий-ҳуқуқий ва руҳий восита сифатида эътироф этилиши натижасида айбдорнинг қилмишига нисбатан янги нуқтаи назардан ёндашиш омили юзага келди ва жинойтлар профилактикаси жинойтчиликка қарши курашишдаги бош йўналишга айланди².

Жинойтларнинг олдини олиш (профилактикаси) концепциясини аниқлаш муаммоси мунозарали масала ҳисобланади. Масалан, И.В.Никитенко жинойтларнинг олдини олиш жинойтларнинг сабаблари ва жинойтлар содир этилишига имкон берадиган шарт-шароитларни йўқ қилишга қаратилган чора-тадбирлар мажмуи эканлигини таъкидлайди³. Бундай ёндашув нисбатан содда кўринади, шунинг учун унинг ривожланиши мантиқий бўлиб, жинойтлар, уларнинг сабаблари ва шароитларини йўқ қилиш, зарарсизлантириш, минималлаштиришга, шунингдек жинойтчиларнинг шахсини жинойтчиликка қарши курашишга қаратилган давлат ва нодавлат чора-тадбирлар тизими сифатида тушунишга олиб келди. Умуман олганда, бизнинг фикримизча, жинойтчиликнинг олдини олиш чоралар мажмуаси ёки тизими сифатида кўриб чиқилиши мумкин эмас, чунки унинг олдини олиш динамик жараён эканлиги аён.

В.Н.Кудрявцев жинойтчиликнинг олдини олишни аниқ белгилаб кўйди, бу уни ижтимоий тартибга солиш ва ижтимоий жараёнларни бошқаришнинг ўзига хос соҳаси сифатида ажратди, бу жинойтчиликни йўқ қилиш вазифасини амалга ошириш билан боғлиқ бўлиб, у муайян объектларга ва профилактика фаолиятининг айрим субъектлари фаолиятига таъсир қилади. Жинойтчиликнинг олдини олишга қаратилган фаолиятни ижтимоий тартибга

¹ Кабулов Р., Сотгиев И. Жинойтчиликка қарши кураши сиёсати ва унинг ички ишлар органлари фаолиятида амалга оширилиши. Маърузалар курси. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2012. – Б. 119.

² Исмаилова И., Абдурасулова Қ., Фазилов И. Криминология фанининг шаклланиши, ривожланиши ва ҳозирги ҳолати: Ўқув қўлланма. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2012. – Б. 3.

³ Никитенко И.В. Криминологического характеристика миграционной преступности в приграничных территориях дальневосточного Федерального округа России. // Вестник Московского университета МВД России. – №5. – 2009. – С. 136.

солиш соҳаси сифатида таърифлаш, бизнинг фикримизча, ижтимоий муносабатларга, шу жумладан, фаолиятнинг турли соҳаларига таъсир этувчи жиноятларнинг олдини олишнинг юқори ижтимоий аҳамиятини акс эттиради.

Айнан шу ёндашув профилактика фаолиятининг иккита асосий йўналишини ажратишга имкон беради: жиноятчилик билан бевосита боғлиқ бўлмаган турли хил ижтимоий муносабатларга таъсири билан тавсифланадиган умумий ижтимоий профилактика ва жиноятчиликни аниқловчи омилларга таъсири билан тавсифланадиган махсус криминологик профилактика.

Таҳлиллар ва амалиёт шуни кўрсатмоқдаки, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси жараёнида инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш шартли равишда икки йўналиш:

а) ғайриижтимоий хулқ-атвордан шахснинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш;

б) ҳуқуқбузарликлар профилактикаси чора-тадбирлари йўналтирилган шасхларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш.

Оиладаги зўравонликни олдини олиш ва уларни доимий равишда жамиятда мавжуд ҳолатларни инобатга олган ҳолда ҳамда содир этилаётган ёки содир этилиши мумкин бўлган жиноятларнинг сифат даражасига монанд равишда такомиллаштириб бориш талаб этилади. Зеро, содир этилган жиноятга жазо тайинлашдан кўра, уни олдини олиш афзалроқдир. Қолаверса, машҳур олим Ч.Беккария ўзининг “Жиноят ва жазо” номли асарига қайд этганидек, “жиноятнинг олдини олиш – ривожланган жамиятда ҳақиқий юриспруденциядир”¹.

Шу ўринда статистик маълумотларга қарайдиган бўлсак, биргина ўтган йилда тазйиқ ва зўравонликка учраган 39343 нафар хотин-қизларга ҳимоя ордерлари расмийлаштирилган. Худудлар кесимида ушбу кўрсаткич

¹Криминология: Учебник. / Под ред. акад. В.Н.Кудрявцева, проф. В.Е.Эминова. – М., 1997. – С.103.

қуйидагича акс этади: Қорақалпоғистон Республикасида – 2466 та, Тошкент шаҳрида – 2279 та, Тошкент вилоятида – 3823 та, Самарқанд вилоятида – 2267 та, Сирдарё вилоятида – 1919 та, Жиззах вилоятида – 2071 та, Бухоро вилоятида – 2501 та, Навоий вилоятида – 2162 та, Фарғона вилоятида – 4934 та, Андижон вилоятида – 3166 та, Наманган вилоятида – 2359 та, Сурхондарё вилоятида – 2517 та, Қашқадарё вилоятида – 4196 та, Хоразм вилоятида эса – 2683 та.

Қайд этиш керакки, тазйиқ ва зўравонликка учраган хотин-қизларга расмийлаштирилган химоя ордерларининг 13658 нафари жисмоний, 106 нафари жинсий, 234 нафари иқтисодий, 18777 нафари руҳий зўравонлик ва 7174 нафари тазйиқ қурбони бўлган.

Тазйиқ ва зўравонликдан жабр кўрган хотин-қизлар таҳлил қилинганда мазкур зўравонлик ва тазйиқ аксарият ҳолларда оилада содир этилганлиги диққатга сазовор. Жумладан, 2021 йилда расман қайд этилган ҳолатлардан 34330 нафари оилада, 3557 нафари кўчада, 917 нафари жамоат жойларида, 427 нафари иш жойларида, 67 нафари таълим муассасаларида содир этилган.

Таҳлил қилинаётган жиноятни олдини олиш самарадорлигини ошириш учун эса, бундай жиноятнинг айрим ўзига хос хусусиятларини, энг аввало, маъмурий-худудий бирликлар доирасида бундай жиноятларнинг содир этилиш фактини ўрганиш орқали тегишли хулосалар чиқариш имконига эга бўлинади.

Қ.Абдурасулова оилада зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноий ҳодисаларнинг олдини олиш чораси сифатида «оиланинг жамиятнинг кичик бир бўғини сифатида мустаҳкамлаш, уни сақлаш ва равнақ топтириш ҳақида ғамхўрлик қилиш»¹ни кўрсатиб ўтган. Н.Рулан тўғри таъкидлаб ўтганидек, «Айрим жамиятларда низоли вазиятларни тинч йўллар билан тартибга солиш ва ҳал қилишга урунилади. Бошқаларда эса, аксинча низоли вазиятлар

¹ Абдурасулова Қ. Аёллар жиноятчилиги // Ҳаёт ва қонун. 2004. – №4. – Б. 71-72.

ижтимоий ва сиёсий ҳаётда муҳим ўрин эгаллайди ҳамда бу ҳолатлар кўпинча ўч олишни қуролига айланади»¹.

Бу каби жиноятларда виктимологик профилактика чора-тадбирларини ташкил этиш учун нафақат яширин қурбонни аниқлаш лозим, шу билан бирга турли хил вазиятларда қурбон ва келиб чиқиши мумкин бўлган зарар ўртасидаги алоқани кузатиш лозим. Бунга оддий мисол сифатида ноқобил оиладаги низоли вазиятни кўрсатиш мумкин.

Шахсни низоли вазиятни вужудга келтирувчи нолайиқ хулқ-атворига қарши самарали курашни унда ахлоқий қарашларни юқори даражага олиб чиқмасдан туриб тасавур қилиш қийин. У шу билан бирга, алкоголь ичимликларга ружу қўйиш, ёшлар ўртасида соғлом тарбия муҳитини яратиш, оилаларда тарбия топаётган ёшларга жамоатчиликнинг ижобий таъсирини оширишга қаратилган чора-тадбирлар билан ҳам чамбарчас боғлиқдир.

Жиноятчиликка қарши кураш чора-тадбирлари кўпчилик ҳолатларда аҳоли ўртасида ҳуқуқий тарғибот ва ҳуқуқий маданиятни ошириш ишларини ташкил этиш билан боғлиқ бўлиб, бу жараёнлар ҳуқуқий тарбияни оширишга хизмат қилади. Ҳуқуқий маданият криминал хулқ-атворнинг шаклланишига тўғридан-тўғри таъсир кўрсатадиган муҳим омилдир.

Аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш масаласи бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган барча соҳалардаги ислохотларнинг энг муҳим таркибий қисми сифатида белгилаб олинган.

Жиноятчиликнинг олдини олиш ўз ичига қуйидагиларни қамраб оладиган тизимдир:

- 1) профилактика объектлари;
- 2) профилактика предметлари;
- 3) жиноятчиликнинг олдини олиш чоралари.

Оиладаги зўравонлик жиноятларнинг олдини олиш объекти уни келтириб чиқарадиган омиллар эканлигини ҳисобга олсак, фикримизча,

¹ Рулан Н. Юридическая антропология. – М.: Норма, 2000. – С. 154.

уларни детерминантларни таснифлаш асосида кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Буларга қуйидаги омиллар киради: ижтимоий-иқтисодий, маданий, ахлоқий, сиёсий, ташкилий, бошқарув ва ҳуқуқий омиллар.

Ижтимоий-иқтисодий детерминантларга таъсир қилиш биз учун олдини олишнинг энг самарали йўналиши бўлиб кўринади ва асосан умумий ижтимоий хусусиятга эга, чунки у оилада зўравонликни содир этган шахсларнинг жинсий хатти-ҳаракатларининг сабабларига тўғридан-тўғри қаратилган.

Оиладаги зўравонлик олдини олишнинг ахлоқий ва маданий йўналишини тавсифлаган ҳолда шуни таъкидлаш керакки, маданий ва ахлоқий табиатнинг детерминантларининг олдини олиш умумий ижтимоий, ҳам махсус криминологик хусусиятга эга бўлиши керак.

Бу бўйича хорижий тажрибани ўрганиш ҳам оиладаги зўравонликнинг олдини олиш юзасидан миллий ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштиришга хизмат қилади.

Оилада зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятлар кундалик ҳаётимиздаги энг долзарб, шу билан бирга латент ижтимоий муаммодир. Чет элда оилавий муносабатлар криминологиясининг бу йўналиши кўпинча “уйдаги зўравонлик” (“оиладаги зўравонлик”) деб аталади. Бу муаммонинг оламшумуллиги шу билан белгиланадики, турли мамлакатларда зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятларнинг аксарият қисми айнан оилада содир этилади. Оила доирасида жиноятлар кўпинча эр (хотин) томонидан хотинга (эрга) нисбатан содир этилади.

Жаҳонда ўтказилган тадқиқотлар болаларга нисбатан зўрлик ишлатиш аксарият одамлар томонидан маъқулланишидан далолат беради. Масалан, Германияда ўтказилган Хори сўрови (1968) аҳолининг 85% болаларни дўппослашни тарбия воситаси деб ҳисоблашини кўрсатади. Орадан икки йил ўтгач, бу кўрсаткич бироз камайди (75%). АҚШда ҳар йили 18 ёшга тўлмаган ҳар минг кишига нисбатан жисмоний, жинсий зўрлик ишлатиш ва шафқатсизлик билан муносабатда бўлиш билан боғлиқ 5,7 ҳолат тўғри келиши

аниқланган (1979–1980 йиллар). Мутахассислар берган баҳога кўра, АҚШда ҳар йили 0,5-2,5 млн. қария зўрликдан жабр кўради.

Оилада қарияларга зўрлик ишлатилишига сабаб бўладиган омиллар орасида қарияларга қаровчи шахслар зўрлик ишлатиш табиий ҳол саналган муҳитда ўсиб улғайганлиги; авлодлар ўртасидаги зиддият; геронтологик муаммолар (касаллик, қарилик) қайд этилади.

Оилада шахснинг жинсий эркинлигига қарши жиноятлар ҳам содир этилади. Бу ерда асосан аёллар ва вояга етмаганлар ҳам жабрланади.

Шунингдек, оилада вояга етмаган болалар (кўпинча ўғай қизлар ва ўғиллар)нинг жинсий дахлсизлиги, уларнинг нормал жисмоний ва ахлоқий ривожланишига қарши жиноятлар, вояга етмаган шахс билан жинсий алоқа қилиш ва бошқа шунга ўхшаш жиноий қилмишлар ҳам содир этилади. АҚШ олимларининг баҳолашларига кўра, 2 млн.га яқин америкалик аёллар болалигида шунга ўхшаш жиноятлардан жабрланган.

Хорижий давлатларда оилада зўравонлик ишлатиб содир этиладиган жиноятлар таҳлили қиладиган бўлсак, ҳар йили жаҳонда 14 мингга яқин аёл эри ёки яқин қариндоши томонидан ўлдирилмоқда. Зўравонликлар билан боғлиқ жиноятларининг 40 фоизига яқини оилаларда содир этилиши аниқланган. Шу сабабли оиладаги зўравонликлар замонанинг жиддий муаммоларидан бири экани тан олинади. Бу каби кўриниш маиший зўравонлик, оиладаги зўравонлик, гендер зўравонлиги деб ҳам аталади.

Оилавий зўравонлик дунёдаги энг кўп тарқалган жиноят саналади. Оилавий зўравонликларнинг 96 фоизида аёллар ва болалар жабр кўради. Зўравонликлар катталар томонидан амалга оширилади, аммо жафосини болалар чекади. Кузатувчиларнинг фикрича, оиладаги зўравонликлар иқтисодий тараққиёти қандай бўлишидан қатъи назар, жаҳондаги барча мамлакатларда учрайди. Зўравонлик аҳолининг барча табақалари ўртасида қайд қилиниши тан олинади. Оилавий зўравонликлар билан боғлиқ муаммоларга ўтган асрнинг 60-йилларидан бошлаб эътибор қаратиб келинади. Ўшанда Европа ва Америкада хотин-қизларни

зўравонликлардан ҳимоя қилиш мақсадида турли жамоат ташкилотлари ташкил этила бошланди. Шу ўринда Лондонда 1971 йилда “Калтакланган аёллар ҳаракати” тузилганини эслатиб ўтиш мумкин. Улар учун махсус ихтисослаштирилган марказлар пайдо бўлди. Сўнгги йилларда эса бир қатор мамлакатларда оилавий зўравонликлар учун масъулиятни белгиловчи қонунлар қабул қилинди. 2004 йилда Буюк Британия, ва Швейцарияда, 2008 йилда эса Словенияда оилавий зўравонликларга қарши курашга бағишланган қонун қабул қилинди. Бугунги кунда 60та мамлакатда оилавий зўравонликларга бағишланган қонун қабул қилинган. Бу борада Франция ва Болгариянинг тажрибасига кўпчилик қизиқиш билдиради¹.

1995 йилда Хитой пойтахти Пекинда Хотин-қизлар муаммоларига бағишланган IV Жаҳон конференцияси бўлиб ўтди. Анжуманда қабул қилинган Пекин платформасида давлат идоралари аёллар аҳволи юзасидан мунтазам мониторинг олиб бориши, оилавий зўравонликларга қарши курашаётган ташкилотлар ва давлат тузилмалари ўзаро ҳамкорлик қилиши таъкидланади.

Дунёда зўравонликлар туфайли ҳалок бўлган аёлларнинг 33-50 фоизи эрларининг калтаклари туфайли вафот этади. Бу ўз навбатида, нозик жинс вакиллари маиший жиноятлардан ҳимоя қилиш давр талаби эканини кўрсатиб турибди. Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, аёлларни зўравонликлардан ҳимоя қилиш йўлида ҳали кўп иш қилиниши керак бўлади. Лондондаги гигиена ва тропик тиббиёт мактаби ходими Хайди Стекль ва унинг ҳамкасблари сўнгги 20 йилда жаҳонинг турли мамлакатларида оиладаги зўравонликларни ўрганиб, таҳлил қилишди. Улар 169 мамлакатдаги хотин-қизларнинг ўлими билан боғлиқ 500 мингта ишни ўрганиб чиқишди. Маълум

¹ <http://m.kun.uz/news/2016/03/25/tadqiqot-jahonda-har-yili-14-mingga-yaqin-ayol-zoravonlik-qurboniga-aylanmoqda>

бўлишича, ер юзидаги ҳар еттитадан битта қотиллик оилада юз беради. Шундан 38 фоиздан кўпроғи эркаклар айби билан содир этилади. Аёллар атиги 6 фоиз ҳолларда ўз турмуш ўртоқларини ўлдиргани айтилади. Энг кизиғи оилавий зўравонликлар энг кўпи Ғарб ва Жанубий-Шарқий Осиёдаги иқтисоди тараққий этган мамлакатларда қайд қилинади. Аёлларга нисбатан оилавий зўравонликлар энг кўп миқдорда Африка қитъасида ҳам кузатилади. Бу қитъа мамлакатларида истиқомат қилаётган аёлларнинг 45,6 фоизи зўравонликлардан азият чекади. Европа мамлакатларида бу кўрсаткич ўртача 27,2 фоизни ташкил қилади. Бу иқтисодий жиҳатдан тараққий этган мамлакатларда аёллар хавфсиз ҳаёт кечиради, деган маънони англатмайди. Юқори даромадга эга мамлакатлардаги аёлларнинг ҳар уч нафаридан бири (32,7 фоизи) ўз ҳаётида бир марта бўлса ҳам зўравонликлар билан тўқнаш келади. Бироқ, олимлар бу нисбий кўрсаткич эканини, аслида оилавий зўравонликлар асосида юз берадиган қотилликлар анча кўп эканини айтишади. Чунки статистикада ўлим нима асосида юз бергани кўп ҳолларда айтилмайди.

Таҳлилчиларнинг фикрича, жаҳондаги ҳар уч аёлдан бири ўз умри давомида бир марта турмуш ўртоқлари томонидан калтакланади. Зўравонликлардан азият чеккан аёлларнинг 42 фоизи тан жароҳати олиб, тиббиёт ходимларига ёрдам сўраб мурожаат қилади. Мутахассисларнинг фикрича, зўравонликлар нозик жинс вакилларининг, айниқса ҳомиладор аёлларнинг саломатлигига, руҳиятига жиддий зиён етказиши¹.

Буюк Британия The Lancet тиббий журналининг маълум қилишича, Янги Зеландия жисмоний зўравонлик бўйича жаҳон миқёсида юқори ўринда туради. Журнал Янги Зеландияни жисмоний зўравонлик бўйича Австралия билан бир қаторга қўйган. Бу учинчи ўрин бўлиб, аёл аҳолини 16,4 фоизи жисмоний зўравонликка дучор бўлди дегани. Янги Зеландия Адлия вазирлигининг маълум қилишича, давлатда ҳар икки соатда турли ҳилдаги

¹ <http://m.kun.uz/news/2016/03/25/tadqiqot-jahonda-har-yili-14-mingga-yaqin-ayol-zoravonlik-qurboniga-aylanmoqda>

жинсий зўравонлик мақсадида тажовузлар қилинмоқда. Кўрсаткичлардан шу нарса муълум бўлдики, 16 ёшгача бўлган қизларни ҳар учтадан биттаси ва ўғил болаларнинг ҳар олтидан биттаси жисмоний зўравонлик қурбонига айланишган. Бу жиноятни ўсиш даражаси шуни кўрсатадики, ушбу йилига 15 фоиз, мактаб ўқувчилари орасида 1 бараварга кўпаймоқда. Жинсий зўравонликка дучор бўлганлиги ҳақидаги маълумотни фақатгина 9 фоиз жабрдийдалар маълум қилишмоқда. Маълум қилинган жиноятларнинг фақатгина 13 фоизидагина жиноятчилар тегишли жазолар олмоқдалар. 91 фоиз ҳолатда эса жабрланганлар полиция босими остида ўз аризаларини қайтариб олишмоқда, деб ёзади New Zealand Herald¹.

Тадқиқот давомида пандемия даврида эълон қилинган карантин оиладаги зўравонликлар сонининг ортишига сабаб бўлгани аниқланди. Шу сабабли ҳам бутун дунё бўйича оилавий-маиший зўравонлик ҳолатлари пандемия даврида бир неча бараварга ошди.

Бизнингча, бунга қуйидагилар сабаб бўлди:

– жабрланувчининг агрессор билан биргаликда 24 соат давомида бирга бўлиши;

– агрессор томонидан жабрланувчини доимий назорат остида бўлганлиги сабабли, тегишли ташкилот ва идораларга зўрлик ҳолати бўйича хабар бера олмаганлиги;

– жабрланувчиларга ёрдам кўрсатиш бўйича махсус марказларнинг кўпчилиги коронавирус туфайли жабрланувчиларни қабул қилмаганлиги.

Дунёнинг баъзи давлатларида карантин оқибатида оилавий зўравонликдан ҳимоя қилиш бўйича қуйидаги чоралар қўлланилган.

Жумладан, Францияда карантин сабабли ўртача 35%га ошганлиги маълум қилинган. Франция ҳукумати томонидан хотин-қизларга зўравонлик ҳолатларида аптекаларга мурожаат этишлари сўралган. Мамлакат бўйича озиқ-овқат маҳсулотлари сотиладиган дўконларда 20 та зўравонлик

¹ Wonders Lists. <http://www.info.islom.uz/jamiyat/item/96-zhinsij-zoravonlik-avzh-olgan-mamlakatlar-10-taligi.html>

ҳолатларида ёрдам кўрсатувчи маслаҳат марказлари очилган. Шунингдек, ҳукумат оилавий зўравонликка қарши кураш учун 1 млн евро маблағ ажратган. Жабрланувчилар меҳмонхоналарда яшаши учун меҳмонхона харажатларини қоплаб берилишини билдирган. Жабрланганлар томонидан смс хабар юборилиши учун мўлжалланган алоҳида СМС-хизмати ташкил этилган.

Италия ҳукумати томонидан жабланганларга ёрдам берувчи “YouPol” мобиль дастури жорий этилди. Мазкур дастур жабрланганларга қўнғироқсиз ёрдам беришга мўлжалланган.

Канада парламенти мамлакатдаги барча шелтерлар учун 200 млн АҚШ доллари ажратган. Пандемия даврида зўрликдан ва бошқа жиноятлардан жабрланганларни қўллаб-қувватлаш учун Онтариода 2,7 млн АҚШ доллари ажратган.

Буюк Британия ҳукумати жабрланган ва эҳтиёжмандларга 1,6 млрд фунт стерлинг ажратган. Буюк Британия Ички ишлар вазирлиги Twitter ижтимоий тармоғида #YouAreNotAlone хештеги билан зўравонликдан жабрланганларни қўллаб-қувватлаш бўйича кампания эълон қилинган.

Испанияда ҳукумат WhatsApp ижтимоий тармоғида жабрланганларни қўллаб-қувватлаш сервисини ишга туширган. Гендер тенглик вазирининг маълум қилишича мазкур сервис ишга тушгандан сўнг мурожаатлар сони 270%га ошган.

Канар оролларида Mascarilla-19 кампанияси ишга туширилган. Бунда, зўравонликдан жабрланганлар аптекага кириб “маска-19”ни сўрашади. “Маска-19” сўзини эшитган фармацевт зудлик билан полицияга хабар беради. Ушбу тажриба кейинчалик бошқа ҳудудларда ҳам татбиқ этилган.

Шу ўринда қайд этиш керакки, худди шундай тажриба мамлакатимизда ҳам жорий қилинди. Ушбу “Умидани чақиринг” лойиҳаси 2016 йилда Буюк Британияда пайдо бўлган “Ask For Angela” (Анжелани чақиринг) ижтимоий ташаббусининг мослашувидир.

У жинсий зўравонликка қарши кураш хизмати ходими Хейли Чилд томонидан ўз уйида эри томонидан ўлдирилган 34 ёшли дўсти Анжела

хотирасига бағишлаб яратилган ва ишга туширилган. Ўшанда маҳаллий барларнинг хожатхоналарига аёллар учун хабар ёзилган варақалар жойлаштирилганди: агар бирор киши сизни учрашув вақтида безовта қилса, барменга боринг ва “Анжелани чақиринг”. Бу ибора — ёрдам сўраш усулидир. Уни эшитиб, бармен протоколга мувофиқ ҳаракат қилади: у аёлни хавфсиз хонага олиб бориши, фавқулодда чиқиш жойига кузатиб бориши ёки зарур ҳолатда полицияни чақиритиши мумкин¹.

Германияда шунга ўхшаш *Ist Luisa hier?* (Луиза шу ердами?) лойиҳаси 2016 йилда ишга туширилган. 2020 йилда Россияда – “Гаяни чақиринг”, 2021 йил баҳорида эса Қирғизистонда – “Кантайни чақиринг!”, деб номланган мослаштирилган ташаббус пайдо бўлди.

Худди шунингдек, мамлакатимизда шахс оилада зўравонликка дуч келса, унинг ҳаётига хавф туғилганида биринчи навбатда ички ишлар тизимининг 102 қисқа рақамига хабар беради. Лекин, ички ишлар органлари фаолиятида қўлланилаётган 102 тизими маънан эскирган, мурожаатларни қабул қилишда тизимли равишда техник узилишлар билан ишлайди, маълумотларни тўлдириш ва юборишга кўп вақт талаб этилади. Маълумот учун айтиш керакки, навбатчилик қисмига кунига ўртача 20-50 та хабар келиб тушади. Битта аризани қабул қилиш ва юборишга 5 дақиқа, расмийлаштириш ёки маълумотларни умумлаштиришга 30 дақиқа, маълумотларни умумлаштириш учун эса бир неча кун талаб этилади.

102 тизимида мурожаатлар фақат телефон қўнғироғи орқали қабул қилинади, мурожаат этишнинг альтернатив шаклларида фойдаланилмайди. Жумладан, ногиронлиги бўлган шахслар (сўзлаш, кўриш ва эшитиш)нинг жиноят ҳақида хабар беришига имконият яратилмаган.

Бу эса оиладаги зўравонликлар ҳақида кечиктириб бўлмас ҳолатларда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга ўз вақтида хабар беришга монелик қилади. Бу бўйича Тошкент шаҳридаги амалиёт ўрганилганида 2021 йилнинг

¹ <https://www.gazeta.uz/uz/2022/03/05/umidani-chaqiring/>

24 май куни Мумтозбегим Д. Миробод туманидаги хонадонида оила аъзолари Диёра Б. ва Мукаррам М.лар билан бирга ногиронлиги бўлган (кар-соқов) Мохизода В.га тан жароҳатлари етказишган. Жабрланувчи сутканинг кечки пайтида Нукус кўчасидан ўтаётган тез тиббий ёрдам машинасини тўхтатиб, кўл ҳаракатлари билан тиббий ёрдамга муҳтожлигини маълум қилган.

Шу нуқтаи назардан “102 тезкор чақирув хизмати” фаолиятини такомиллаштириш, жумладан, чақирувнинг альтернатив вариантларини қўллаш, хорижий тажриба асосида “Қўшни назорати” тизимини жорий қилиш, оиладаги зўравонликка қарши курашиш ва унинг профилактикасини амалга оширишга фаол кўмаклашаётган аҳоли вакилларини моддий-маънавий рағбатлантириш тизимини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ.

Шунингдек, оиладаги зўравонликларнинг олдини олиш, оилалардаги барқарор муҳитни таъминлаш, аҳоли вакилларининг ҳуқуқий саводхонлигини манзилли ошириш юзасидан маҳалла раиси раҳбарлик қиладиган хотин-қизлар билан ишлаш ва уларга нисбатан тазйиқ ва зўравонликни олдини олиш комиссияси ташкил этилиб, келгусида нотинч оилаларда ажрим ҳолатларнинг олдини олиш; хотин-қизлар билан ишлаш ва уларга нисбатан тазйиқ ва зўравонликни олдини олиш комиссияси фаолияти орқали маҳаллаларда жабрланган аёлларнинг ҳуқуқий, ижтимоий ва психологик ҳимояси кафолатлаш мақсадга мувофиқ.

Қуйида дунёнинг баъзи давлатларида айнан болани зўравонликдан ҳимоя қилиш бўйича қўлланган чораларни кўриб чиқамиз.

Бангладешда Бола масалалари бўйича Кенгаш томонидан эрта никоҳ муаммоси бўйича тадқиқотлар ўтказилиб, бундай ҳолатлар тўғрисида ОАВда чиқишлар ташкил этилади. Мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда мазкур муаммони ҳал этишда диний ташкилотлар ҳам жалб қилинади. Натижада биргина Кенгаш томонидан 5 та эрта никоҳ бартараф этилди.

Эфиопияда янги дастур доирасида умумий ўрта таълим муассасаларида репродуктив саломатлик, ОИТС, йигитлар ва қизлар ўртасидаги ўзаро ҳурматга асосланган муносабатлар каби масалаларни ўзида мужассам этган

дарс соатлари киритилди ҳамда мактабларда ўқувчиларнинг тенгдошлари томонидан олиб бориладиган гуруҳ ва тўғараклар ташкил этилди.

Гонконгда Бола масалалари бўйича Кенгаш томонидан вояга етмаганларга уларга тегишли бўлган масалалар юзасидан фикр билдиришларига имконият яратиб берилади. Кенгаш зўравонликка дуч келган болаларнинг сони ҳамда ўз оилаларида катталар ўртасида зўравонлик ҳолати гувоҳи бўлганликларини аниқлаш мақсадида тадқиқот ўтказди. Тадқиқот натижалари мактабларга, мансабдор шахсларга ва маҳаллий ташкилотларга юборилган.

Маълумки, оиладаги зўравонликнинг олдини олишда вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари устувор аҳамият касб этади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 22 апрелдаги “Бола ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ–4296-сонли қарори билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) ўринбосари – Бола ҳуқуқлари бўйича вакил институти жорий этилган.

Бу борадаги жорий амалиёт материаллари ўрганилганида биргина 2021 йилда Вакилнинг минтақавий тузилмаларига 1471 та мурожаат, шу жумладан, шахсий ҳуқуқлар бўйича 583 та, ижтимоий ҳуқуқлар бўйича 408 та, иқтисодий ҳуқуқлар бўйича 292 та, сиёсий ҳуқуқлар бўйича 175 та ва экологик ҳуқуқлар бўйича 13 та мурожаат бўлганлиги аниқланди¹.

Шу жиҳатдан қаралганда, бизнингча, оиладаги зўравонликларга қарши кураш соҳасида вояга етмаганлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг миллий амалиётида Бола ҳуқуқлари бўйича вакил институтини аҳамияти ва таъсирчанлигини ошириш мақсадида мансабдор шахслар томонидан Бола ҳуқуқлари бўйича вакилнинг фаолиятига тўсқинлик қилиш, унга била туриб ёлғон ахборот бериш, худди шунингдек мансабдор шахслар томонидан мурожаатларни, огоҳлантиришларни, тақдимномаларни кўриб чиқмасдан

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман)нинг 2019 йилдаги фаолияти тўғрисида Ҳисоботи. <http://ombudsman.uz/uz/publication/1703/>

колдириш ёки уларни кўриб чиқиш муддатларини узрли сабабларсиз бузиш ёхуд улар юзасидан била туриб қасдан ишончсиз маълумотларни тақдим этганлиги учун маъмурий жавобгарлик белгиланиши ҳамда амалдаги Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси таҳрирдаги 197⁵-модда билан тўлдирилиши мақсадга мувофиқ.

Мамлакатимиз мисолида айтганда, оиладаги зўравонлик келтириб чиқарувчи омиллар, масалан, хотин-қизларнинг ҳуқуқий нигилизми ва уларнинг қонун бузилишларига бепарқлиги профилактика объекти бўлиши мумкинлиги билан ҳам изоҳланади.

Ўзбекистон Республикасининг “Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги 2019 йил 2 сентябрдаги Қонунида хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари белгиланган бўлиб, унга мувофиқ, хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

– хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш соҳасидаги гендер сиёсатини, давлат дастурларини ҳамда стратегияларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

– жамиятда хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонликка доир муросасизлик муҳитини яратиш;

– хотин-қизларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатлари тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилинишини таъминлаш;

– жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, қонунийликни мустаҳкамлаш;

– хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонликнинг олдини олиш, уларни аниқлаш, уларга чек қўйиш учун самарали ташкилий-ҳуқуқий механизмларни яратиш;

– хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонлик содир этилишига олиб келадиган сабаблар ҳамда шарт-шароитларни бартараф этиш чораларини кўриш;

– тазйиқ ва зўравонликнинг олдини олиш мақсадида давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари ҳамкорлигини таъминлаш.

Бугунги кунда оиладаги зўравонликни олдини олиш, хотин-қизларни зўравонликдан ҳимоя қилиш борасида жамиятда хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонликка доир муросасизлик муҳитини яратиш учун мақсадли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, мамлакатимизда хотин-қизларни зўравонликдан ҳимоя қилишга оид бир қатор халқаро ҳужжатлар ратификация қилинди.

Инсон ҳуқуқларига оид халқаро ҳужжатларда хотин-қизларни оиладаги зўравонликлардан ҳимоя қилиш механизми белгилаб қўйилган. Булар жумласига қуйидагилар киради:

- Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларацияси – 1948 йил;
- Хотин-қизларни камситишнинг барча шакллариغا барҳам; бериш тўғрисидаги конвенция (CEDAW) – 1979 йил;
- Бола ҳуқуқлари тўғрисида Конвенция – 1989 йил.

Бундан ташқари, оиладаги зўравонликларни олдини олиш, хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш мақсадида, 2019 йил 2 сентябрь куни Ўзбекистон Республикасининг “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги Қонуни ҳам қабул қилинди. Мазкур қонунга мувофиқ, хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатларини таъминлашнинг асосий принциплари қуйидагилардан иборат: қонунийлик; демократизм; хотин-қизлар ва эркакларнинг тенг ҳуқуқлилиги; жинс бўйича камситишга йўл қўйилмаслиги; очиқлик ва шаффофлик.

Қабул қилинган Қонун билан хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари, ҳукумат ва давлат ташкилотларининг соҳадаги ваколатлари ва хотин-қизларга нисбатан

тазйиқ ва зўравонлик ҳолатларининг олдини олиш, уларни аниқлаш ҳамда уларга чек қўйишнинг умумий чора-тадбирлари белгилаб берилди.

Хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонликнинг ҳолатлари содир этилганда қуйидаги яқка тартибдаги чора-тадбирлар кўрилади: профилактика суҳбатини ўтказиш; ҳимоя ордерини бериш; тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчиларга ёрдам кўрсатиш бўйича махсус марказларга жойлаштириш; зўравонлик хулқ-атворини ўзгартириш бўйича тузатиш дастурларидан ўтиш.

Профилактика суҳбати - муайян шахсни жамиятда умумқабул қилинган хулқ-атвор нормалари ва қоидаларига риоя этишга ишонтириш, ғайриижтимоий хулқ-атворнинг ижтимоий ҳамда ҳуқуқий оқибатларини тушунтириш, шунингдек қонунда белгиланган жавобгарлик тўғрисида огоҳлантириш мақсадида профилактика суҳбати ўтказилади.

Тазйиқ ва зўравонлик ҳолларини аниқлаган ваколатли орган вакили томонидан профилактика суҳбати тазйиқ ўтказиш ва зўравонлик содир этишга мойил шахслар билан қонунда белгиланган тартибда ўтказилади.

Маълумки, ҳимоя ордери тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчига берилади. Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 4 январдаги 3-сон қарори билан “Тазйиқ ва зўравонликдан жабрланган хотин-қизларга ҳимоя ордерини бериш, ижросини таъминлаш ва мониторинг олиб бориш тўғрисида”ги Низом тасдиқланди. Мазкур Низомга мувофиқ, қуйидагилар ҳимоя ордерини бериш учун асос ҳисобланади:

- тазйиқ ва зўравонлик қурбонининг мурожаати;
- жисмоний ёки юридик шахсларнинг хабарлари, шу жумладан, оммавий ахборот воситалари ва (ёки) ижтимоий тармоқлар орқали тарқалган хабарлар;
- тазйиқ ёки зўравонлик содир этиш ёхуд уларни содир этишга уриниш ҳолатларининг ваколатли органлар ва ташкилотлар ходимлари томонидан бевосита аниқланиши;
- давлат органларидан ва бошқа ташкилотлардан олинган материаллар.

Тазйиқ ўтказган ва (ёки) зўравонлик содир этган ёхуд уларни содир этишга мойил бўлган шахсга ҳимоя ордерининг нусхаси берилади.

Ҳимоя ордерини берган ички ишлар органининг мансабдор шахси тазйиқ ўтказган ва зўравонлик содир этган шахсни ҳимоя ордерининг шартлари ҳамда уни бажармаслик оқибатлари ва зўравонлик хулқ-атворини ўзгартириш бўйича тузатиш дастурларидан ўтиш зарурлиги тўғрисида хабардор қилади.

Шахс ҳимоя ордерини олиш тўғрисидаги тегишли ҳужжатни имзолашни рад этган тақдирда, ҳимоя ордерини топшираётган ички ишлар органининг мансабдор шахси томонидан холислар иштирокида далолатнома тузилади.

Тегисли ҳудудда тазйиқ ва зўравонликнинг яқка тартибдаги профилактикасини амалга ошириш учун масъул бўлган ички ишлар органининг мансабдор шахси тазйиқ ва зўравонлик факти ёки уларни содир этиш хавфи аниқланган пайтдан эътиборан 24 соат ичида ҳимоя ордерини ўттиз кун муддатгача беради ва ушбу ордер расмийлаштирилган пайтдан эътиборан кучга киради.

Агар хавф ҳали бартараф этилмаган бўлса, ҳимоя ордерининг амал қилиш муддати тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчининг аризасига кўра кўпи билан ўттиз кунгача узайтирилиши мумкин.

Ҳимоя ордерини бериш, узайтириш ёки ҳимоя ордерини беришни ёхуд узайтиришни рад этиш устидан судга шикоят қилиниши мумкин. Ҳимоя ордери талабларининг ижроси устидан назорат уни берган ички ишлар органи томонидан амалга оширилади.

Тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилишни амалга оширувчи ваколатли органлар ҳамда ташкилотлар тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчиларга иқтисодий, ҳуқуқий, ижтимоий, руҳий, тиббий ва бошқа ёрдам кўрсатиш бўйича “Зўрлик ишлатишдан жабр кўрган шахсларни реабилитация қилиш ва мослаштириш ҳамда ўз жонига қасд қилишнинг олдини олиш Марказлари”га жойлаштирадilar.

Зўравонлик такроран содир этилишининг олдини олиш ҳамда зўравонликдан жабрланганнинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида шахснинг зўравонликка мойил хулқ-атворини ўзгартиришда унга руҳий ва ижтимоий ёрдам кўрсатишга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилади.

Зўравонлик содир этган ёки уни содир этишга мойил бўлган шахс зўравонлик хулқ-атворини ўзгартириш бўйича тузатиш дастуридан ўтади.

